

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ



Рўйхатга олинди:

№ _____
2019 й. « ____ » _____

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Ўқув ишлари бўйича проректор
_____ проф. А. Солеев
“ _____ ” _____ 2019 йил

КИМЁ ФАКУЛЬТЕТИ

“Ноорганик кимё ва материалшунослик” кафедраси

**“БИОНООРГАНИК КИМЁНИНГ ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ”
ФАНИНИНГ**

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУАСИ

(Моодле тизими режаси асосида)

Билим соҳаси:	100000	– Гуманитар
Таълим соҳаси:	140000	– Табиий фанлар
Таълим йўналиши:	5140500	– Кимё (магистрлар учун)
Таълим мутахассислиги:	5A140501	– Кимё (ноорганик кимё)

Тузувчилар: Н.Х.Мусулмонов Ноорганик кимё ва материалшунослик кафедраси доценти, техника фанлари номзоди;
З.Н.Нормуродов Ноорганик кимё ва материалшунослик кафедраси доценти, кимё фанлари номзоди.

Кафедра мудири: доц.З.Нормуродов

Факултет декани: доц. Н.Мусулмонов

Фаннинг ўқув-услубий мажмуаси ишчи ўқув режа, ўқув дастури ва ишчи дастурига мувофиқ ишлаб чиқилди.

Тузувчилар: **Н.Х.Мусулмонов** - Ноорганик кимё ва материалшунослик кафедраси доценти, техника фанлари номзоди;
З.Н.Нормурадов - Ноорганик кимё ва материалшунослик кафедраси мудири, кимё фанлари номзоди, доцент.

Такризчилар: **Қ.А.Асқаров** – СамМИ “Тиббий ва биологик кимё” кафедраси профессори, кимё фанлари доктори;
Х.Т.Гробов – СамДУ “Физикавий ва коллоид кимё” кафедраси доценти, кимё фанлари доктори.

КЕЛИШИЛДИ:

Ўқув услубий бошқарма бошлиғи

доц. Б.С.Алиқулов

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА ТАРКИБИЙ ҚИСМИ

1.	Кириш	
2.	Таълим тўғрисида умумий қоидалар	
3.	Давлат таълим стандарти	
4.	Намунавий ўқув режа	
5.	Фан дастури	
6.	Ишчи ўқув дастур	
7.	Ишчи ўқув режа	
8.	Календар тематик режа	
9.	Рейтинг низоми	
10.	ТМИ низоми	
11.	Маъруза матнлари	
12.	Маъруза тақдимотлари	
13.	Маъруза видео	
14.	ЯМС	
15.	Янги педагогик технологиялар	
16.	ТМИ услубий қўланма	
17.	Назорат саволлари	
18.	Вазиятли масалалар	
19.	Тест саволлари	
20.	Амалий қўникма рўйхати	
21.	Амалий қўникма қўлланма	
22.	Амалий қўникма видео	
23.	Адабиётлар рўйхати	
24.	Адабиётлар электрон версияси	

ФАННИНГ ҚИСҚАЧА ТАВСИФИ					
ОТМнинг номи ва жойлашган манзили:	САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ			Манзили: Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони 15 – уй.	
Кафедра:	“Ноорганик кимё ва материалшу-нослик”		Кимё факультети таркибида		
Таълим соҳаси ва йўналиши:	Таълим соҳаси: 140000 - Табiiй фанлар		Таълим йўналиши: 5A140501 - Кимё (ноорганик кимё)		
Фанни (курсни) олиб борадиган ўқитувчи тўғрисида маълумот:	<i>Мусулмонов Норйигит Хасанович – техника фанлари номзоди, доцент, илмий-педагогик стажи 19 йил.</i> <i>Нормуродов Зиёдулло Нарзуллаевич - Ноорганик кимё ва материалшунослик кафедраси доценти, кимё фанлари номзоди</i>			e-mail: noryigit1977@mail.ru	
Дарс машғулоти ўтказишнинг вақти ва жойи:	СамДУ ўқув-услубий бўлими томонидан ишлаб чиқилган жадвал асосида Кимё факультетининг ўқув биносида		Курснинг бошланиш ва давом этиш муддати: <u>1-курс магистрлар (кимё) учун 2-семестр, 2-курс магистрлар (кимё) учун 1-семестрда 20 ҳафта</u>		Таълим йўналиши ўқув режасига мувофиқ 1-курс магистрлар (кимё) учун 2-семестр, 2-курс магистрлар (кимё) учун 1-семестрда
Дарс графиги:	<p>1 курс 2 семестри давомида машғулотлар схемаси қўйидагича: ҳар ҳафтада 1 маъруза – 1 жуфтлик(80 минут), икки ҳафтада бир марта 1 амалий машғулот – 1 жуфтлик(80 минут), ҳар ҳафтада ўқитувчи раҳбарлигида мустақил иш – 2 соат(консультация ва мустақил ишларни топшириш), ҳар ҳафтада 5 соат мустақил иш(аудиториядан ташқарида бажариладиган мустақил иш), бунда маъруза ва амалий машғулотга тайёргарлик кўрилади, мустақил иш топшириқ-лари бажарилади.</p> <p>2 семестр давомида машғулотлар схемаси қўйидагича: ҳар ҳафтада 1 маъруза – 1 жуфтлик(80 минут), икки ҳафтада бир марта 1 амалий машғулот – 1 жуфтлик(80 минут), ҳафтада 1 жуфтлик(80 минут) лаборатория машғулоти, ҳар ҳафтада ўқитувчи раҳбарлигида мустақил иш – 2 соат, ҳар ҳафтада 5 соат мустақил иш(аудиториядан ташқарида бажариладиган мустақил иш), бунда маъруза, амалий ва лаборатория машғулотларига тайёргарлик кўрилади, мустақил иш топшириқлари бажарилади.</p>				
Индивидуал график асосида профессор-ўқитувчининг талабалар билан ишлаш вақти:		Ҳафтанинг чоршанба ва пайшанба кунлари соат 15.00 дан - 19.00 гача			
Фанга ажратилган ўқув соатларининг ўқув турлари бўйича тақсимооти	Аудитория соатлари				Мустақил иш:
	Маъруза	Амалий	Семинар	Лаборатория машғулоти	
	40	42	20	42	84
Фаннинг бошқа фанлар билан узвий алоқаси (пререквизитлари):	Тиббий-биология, биофизика, аорганик кимё, аналитик кимё, органик кимё, физ-коллоид кимё ва экология				

I. КИРИШ ҚИСМИ

Ушбу фан дастур- биоорганик, аналитик ва физ-коллоид кимёнинг асосий булимларини ўз ичига олиб, “Биоорганик кимёнинг долзарб муаммолари” фани деб номланади ва барча олий укув юртлири талабаларига одам организмда кечадиган жараёнларнинг физик-кимёвий мохиятини ва уларнинг механизмини молекула ва хужайра даражасида тушуниб етиш учун зарур булган билимларни эгаллаб олишга имконият яратади. Бу уз навбатида организмнинг фаолиятини ва унинг атрофи мухит билан мулоқатини чуқуррок тушуниб етишга асос яратади. Дастурда атрофи мухитни ифлослантирувчилари, атмосферанинг санитария-гигиена назорати, ичимлик ва чиқинди сувлар ва озик-овқат махсулотларининг сифати, элементларнинг биосферадаги ўрнига катта эътибор қаратилган, шунингдек тиббиётда ва санитарияда қўлланиладиган физик-кимёвий тахлил усуллари келтирилган. Ушбу дастурда келтирилган кимё булимлари тиббий-биология ва санитария-гигиена фанларини ўрганиш учун керак бўлган билимлар асосини беради.

Ўқув фанининг мақсади

Фанни ўқитишдан мақсад – ҳозирги замон фанларининг ютуқларига асосланиб организмда борадиган турли физиологик жараёнларни кимёвий ва физикавий жараёнлар асосида тушунтириш, талабларда мутахассисликка оид тафаккур ва дунё қарашни шакллантириш, шунингдек булгуси кимёгарларда клиник фикрлаш, касаллик ва унинг белгиларини асослаш учун замин яратиб бериш.

Фаннинг вазибалари:

Булажак кимёгарларга-хаётий жараёнларнинг молекуляр асоси билан таништириш. Уларга кимёвий тафаккур қилиш қобилиятини ва доривор воситалар вазибаларини бақарувчи қуп сонли аорганик бирикмаларнинг таснифи, тузилиши ва хоссаларини ўргатиш. Клиник анализ ва санитария-гигиена назоратида физик-кимёвий изланишларни бақариш учун керак буладиган фундаментал билимларни шакллантириш.

Фан бўйича талабаларнинг билимларига, қуниқма ва малақасига қуйилган талаблар

“Биоорганик кимёнинг долзарб муаммолари” ўқув фанини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида магистр:

- Кимёнинг асосий қонунлари, атом ва молекула тузилиши, аорганик моддаларнинг таснифи, элементларнинг даврий жадвали, элементлар ва уларнинг бирикмаларини физик-кимёвий хоссалари хақида тасаввурларга эга бўлиши;
- Эритмалар назариясига асосланиб ноэлектролитлар ва электролитларнинг хоссаларини баҳолашни ва биокимёвий жараёнларнинг боришига мухит таъсирини айтиб беришни, электролит эритмаларнинг ҳозирги замон назариясининг умумий қоидаларини, одам организмнинг электролит балансини ва унинг узгаришидан келиб чиқадиган асоратлар сабабини билиш кимёвий жараёнлар термодинамикасига қарашли, биокимёвий реакцияларни бориш эҳтимоллигини белгилаб берувчи асосий қонун ва тушунчаларни билиш кимёвий кинетика ва кимёвий мувозанатнинг асосий қонунларини, биокимёвий реакция ва биокатализнинг узига хос хусусиятларини билиши комплекс бирикмалар назариясини, уларнинг тузилиши қоидаларини ва шундан келиб чиққан ҳолда метал тутган биологис фаол комплекс бирикмаларнинг хоссаларини, биоген элементлар кимёсини, биомухитни муҳофаза қилишнинг кимёвий асосларини, биомухитни ифлослантирувчи асосий моддаларни билиши керак электрохимиянинг асосий қоидаларини, электрод ва оксидланиш-қайтарилиш потенциалларини ва уларнинг биоэлектрик потенциаллар хосил бўлишидаги ахамиятини билиш, тиббиёт ва санитария-гигиена амалиётида таҳлилнинг кондуктометрик, потенциалометрик ва полярографик усулларини қўллаш қўникмаларига эга бўлиши керак;
- Сирт ҳодисаларининг физика-кимёсини билиши, инсон организмда мавжуд бўлган дисперс системалар учун қўллашни, узаро коагулланиш жараёнларини қонун-қоидаларини табиий ва чиқинди сувларни тозалашда қўллаш кимёвий реакцияларини боориш эҳтимоллигини олдиндан била олиш ва уларнинг реакция тенгламаларини тузишни, маълум бирикмаларни олиш учун реакция шароитларини танлашни, изланишнинг илмий усулларига эга бўлишни, муцакил масалалар қўйишни ва уларни назарий ва экспериментал усул билан эчиш йулларини топиш;
- Турли хил биологик суюқликлар, атмосферани ифлослантирувчилар, табиий ва чиқинди сувларни сифат ва миқдорини таҳлил қилиш учун лаборатория-кимёвий ишларни бажариш, биологис фаол бирикмалар,

доривор моддалар ва атрофи мухитни ифлослантирувчилар таснифини, тузилишини ва хоссаларини тушинган холда, уларни изланишларда куллаш буйича малакаларига эга булиши керак.

Фаннинг укув режадаги бошка фанлар билан узаро богликлиги ва услубий жихатдан узвий кетма-кетлиги

Биоорганик кимёнинг долзарб муаммолари фани - тиббий-биологик фан хисобланиб, кимё 1-курс магистрларига 2-семестрда ўқитилади. Дастурни амалга ошириш укув режасида режалаштирилган табиий-илмий (тиббий -биологик, биофизика, аорганик кимё, аналитик кимё, органик кимё ва физ-коллоид кимё) фанларидан етарли билим ва кўникмаларга эга бўлишлик талаб этилади.

Биоорганик кимёнинг долзарб муаммолари фани талаба магистрларда тиббий билимлар асосини шакллантиришда катта ахамиятга эга. Кимё фани бошка фанлар билан биргаликда организм тўғрисида тўлиқ ва яхлит маълумот бериш ва шу билан бирга талабада клиник фикрни юритишни ривожлантиришни таъминлайди.

Фанни ўқитишда замонвий ахборот ва педагогик технологиялар:

Талабаларнинг Биоорганик кимёнинг долзарб муаммолари фанини ўзлаштиришлари учун ўқитишнинг илғор ва замонвий усулларидан фойдаланиш, янги инфорацион-педагогик технологияларни татбиқ килиш мухим ахамиятга эгадир. Фанни ўзлаштиришда дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар, маъруза матнлари, таркатма материаллар, компьютер фойдаланилади. Маъруза ва амалий дарсларда мос равишдаги илғор педагогик технологиялар қўлланилади.

Талабалар билимини баҳолаш максидида ўтказиладиган назоратлар

Талабаларнинг билим савияси ва ўзлаштириш даражасининг баҳолаш учун куйидаги назорат турларини ўтказиш назарда тутилади:

жорий назорат (баҳолаш) – талабанинг фан мавзулари буйича билим ва амалий куникама даражасини аниглаш ва баҳолаш усули. Жорий назорат: амалий машгулотларда оғзаки сўров, тест ўтказиш, назорат иши, уй вазифаларини текшириш, вазиятли масалаларни хал килиш, микро - макропрепаратлар билан ишлаш шаклларда ўтказилади. Хар бир машгулотда барча талабалар баҳоланиши шарт;

талабанинг мустакил иши -укув режасида муайян фанни узлаштириш учун белгиланган укув ишларининг ажралмас кисми булиб, у услубий ва ахборот ресурслари жихатидан таъминланади ҳамда бажарилиши рейтинг талаблари асосида назорат килинади; муцакил иш буйича белгиланган максимал рейтинг балининг 55%дан кам балл туплаган талаба фан буйича якуний назоратга куйилмайди. Талабанинг муцакил иши кафедра архивида руйхатга олинади ва икки йил мобайнида сакланади;

оралиқ назорат (баҳолаш) 2-семестр якуний ўқув дастурининг тегишли (фаннинг бир неча мавзуларини уз ичига олган) булими тугаллангандан кейин талабанинг билим ва амалий куникма даражасини аниглаш ва баҳолаш усули. Оралиқ назоратнинг 1 маротаба оғзаки суров, ёзма иши ва тест шаклида ажратилган умумий соатлар гажмидан келиб чикиб, факултет деканати билан келишилган холда утказилади. Оралиқ баҳолашга жорий баҳолашдан ўтган ва колдирган дарсларни оралиқ баҳолашга кадар тулик ўзлаштирган талаба куйилади.

Оралиқ назоратни утказиш жараёни кафедра мудирини ва факультет декани томонидан тузилган комиссия иштирокида даврий равишда урганиб борилади ва уни утказиш тартиблари бузилган голларда, оралиқ назорат натижалари бекор килинади. Бундай холларда оралиқ назорат қайта утказилади.

якуний назорат (баҳолаш) – 2-семестр якунида фан буйича назарий билим ва амалий куникмаларни талабалар томонидан узлаштириш даражасини баҳолаш усули. Якуний назорат ёзма шаклида утказилади.

Янги педагогик технологиялардан фойдаланиш

Педагогик технологиялар талабалар узлаштириш курсаткичларини ошириш, уларнинг мустакил фикрлаш қобилиятларини янада ривожлантиришда мухим ахамиятга эга.

Амалий машгулот дарсларида мавзуларни ўзлаштиришни назорат килиш, макро- ва микропрепаратларни таърифлаш жараёнларида иш уйинлари "Давра столи", "Кора отча", "Стол уртасида ручка", "Клинико-анатомик конференция" ва бошқалар кенг қўлланилмокда.

II. ФАНИНГ ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ

1. Ўқув фани ўқитилиши бўйича услубий кўрсатмалар

“Биоорганик кимёнинг долзарб муаммолари” фани магистрантларни назарий билимлар, амалий кўникмалар, биометалларнинг (хаёт металлари) биолигандлар билан таъсирлашиши, биометалларнинг Д.И.Менделевнинг даврий системасида жойлашган ўрни, биокомплексларда кимёвий боғ табиати, биокомплексларнинг тузилишини, s-, p-, d- ва f-элементларга ажратилган элементларнинг биологик ролини ўрганиш ва илмий дунёқарашини шакллантириш вазифаларини бажаради.

Фан бўйича талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларига қуйидаги талаблар қўйилади. **Магистрант:**

- биометаллар, -макро-, микро- ва ультрамикро-элементлар, биолигандлар турлари, биометалл ва биолигандларнинг реакцияга киришиш механизмлари, s-, p-, d- f-блок элементларининг биокимёсининг назарий асослари, металл ионлари ва хелат бирикмаларини кимё-терапияда қўлланилишининг механизмлари, биологик системаларда металл ионларининг ўрни, биокомплексларнинг қўлланилиш соҳалари тўғрисида **тасаввурга эга бўлиши;**

- биометалларни бўлиш шакллари, биометалларнинг координацион-кимёвий тавсифларини, биокомплекслар тузилиши ва хоссаларини аниқлашда назарий кимё қонуниятларини қўллашни **билиши ва улардан фойдалана олиши;**

- тирик организмларда содир бўладиган кимёвий ферментатив жараёнларни тушунтира олиш, биокомплексларнинг синтез қилиш шароитларини аниқлай олиш, биометалларнинг миқдорий ва сифат таркибини аниқлай олиш, бирикмаларнинг кимёвий ва биологик фаоллиги ўртасидаги боғлиқликни таҳлил қила олиш, биокомплексларнинг таркиби, тузилиши ва хоссаларини аниқлашда замонавий физик-кимёвий тадқиқот усулларни қўллаш олиш **кўникмаларига эга бўлиши керак.**

2. Маъруза машғулоти

Биосфера ва геосферадаги кимёвий элементлар. Биосферанинг элемент таркибининг шаклланиши асосий қонуниятлари. Кимёвий элементларнинг биологик тизимдаги тарқалиши. Биологик тизимлардаги металллар ва лигандларнинг аҳамияти. Лиганд-биомолекула ва металл ионларининг умумий тавсифи. Кимёвий элементларнинг тирик организмдаги миқдорига таъсир қилувчи омиллар.

Д.И.Менделеев даврий жадвалидаги биоэлементлар. Даврий системадаги биоген элементлар ва металлотерапиянинг координацион-кимёвий аспекти. s-блок, p-блок, d-блок ва f-блоклар элементларининг биокимёвий хоссалари, бирикмаларининг кимёвий ва биологик фаоллиги

Ўртасидаги боғлиқликни таҳлил қилишнинг назарий асослари, ионларининг ўлчамлари, терапевтик таъсирининг механизми, захарлилиги, электрон тузилиши, блоklarдаги элементларни жонли организмда тақсимланиши. Баъзи металл бирикмаларининг ҳар хил касалликларни даволашдаги аҳамияти.

Биоорганик кимёнинг кимёвий ва физик-кимёвий аспекти. Бирикмаларнинг кимёвий ва биологик активликлари орасидаги боғланишни ўрганишдаги назарий ёндошишлар. Кимёвий термодинамика – модда алмашинуви ва тирик организмдаги энергияни ўрганишнинг назарий асослари. Турли кимёвий ва физик-кимёвий жараёнларда энтальпиянинг ўзгариши. Биокоординацион бирикмалардаги кимёвий боғланиш табиати. Оралик металллар комплексларининг электрон тузилишини ўзига хослиги. Лигандлар майдони таъсирида парчаланиш.

Жонли организмнинг биоэнергетикаси. Термодинамик тадқиқотлар учун жонли организм объектининг хусусиятлари ва биоэнергиянинг илмий асослари. Биокомплекслар ҳосил бўлишининг термодинамик тавсифлари. Биометалларнинг азотли асослар, оксиллар, аминокислоталар билан барқарорлик константалари. Доривор препаратларнинг таъсир механизмида комплекс ҳосил бўлишнинг аҳамияти. Комплекс ҳосил бўлишининг баъзи дори-дармон препаратларини ностероидли яллиғланишга қарши таъсир қилиш механизмидаги аҳамияти. Биометалларнинг мавжуд бўлиш шакллари, уларнинг координацион-кимёвий тавсифлари ва улар иштирокида содир бўладиган жараёнлар. Биометалларни биолигандлар билан координацион бирикмаларининг умумий тавсифи. Бирикмаларнинг кимёвий ва биологик фаоллиги ўртасидаги боғланишни ўрганишдаги назарий ёндошувлар.

Биокомплексларнинг қўлланилиши. Тиббиётда қўлланиладиган истиқболли мисли координацион бирикмалар. Олтиннинг комплекс бирикмалари асосидаги доривор препаратлар (хризотерапия). Таркибида олтин бўлган препаратларнинг таъсир механизми. Платина ва олтин гуруҳлари металлларининг шишга қарши комплекслари. Платина тутган бирикмаларнинг шишга қарши таъсир механизми тўғрисидаги замонавий тасаввурлар. Темир, кобальт ва рух бирикмаларининг турли касалликлар терапиясида қўлланилиши. Калий-натрийли насос феномени. Литий бирикмаларининг психотерапияда қўлланилиши.

Металларнинг захарлилик таъсири механизмлари. Техногенез, одам ва ҳайвон субстратларида захарли элементларнинг миқдори. Тирик организмларнинг ташқи ва ички элемент таркибининг ўзгаришига толерантлиги. Одам ва ҳайвон организмларидан ортқча металл ионларини чиқариш усуллари, механизмлари. Биокимёвий тадқиқотларда металл зондларининг қўлланилиши. Биометалларга мансуб бўлмаган айрим металлларнинг биологик роли.

№	Маъруза мавзулари	Дарс соатлари хажми
1-семестр		
1.	Даврий системада элементларни жойланиш тартиби билан уларни биокимёвий хоссалари ўртасидаги боғлиқлик.	2
2.	Кимёвий элементларни биологик тизимидаги тарқалиши.	2
3.	s-Блок элементларининг биокимёвий хоссалари.	4
4.	p-Блок элементларининг биокимёвий хоссалари	4
2-семестр		
5.	Металларнинг заҳарлилик таъсири механизмлари	2
6.	d- блоклар элементларининг биокимёвий хоссалари	4
7.	f-блоклар элементларининг биокимёвий хоссалари	4
8.	Кальций ва ишқорий-ер металларнинг биокимёси.	4
9.	Термодинамик тадқиқотлар учун жонли организм объектининг хусусиятлари ва биоэнергиянинг илмий асослари.	4
10.	Саротонга (ўсимта) қарши платина комплекслари тузилишининг хусусиятлари	4
11.	Баъзи доривор моддаларнинг тавсиф қилиш механизмида комплекс бирикмалар ҳосил бўлишнинг аҳамияти.	6
Жами		40 соат

3. Амалий машғулотлар

Амалий машғулотларда магистрантлар маъруза мавзулари бўйича олган билим ва кўникмаларини янада бойтадилар. Шунингдек, дарслик ва ўқув қўлланмалар асосида магистрантлар билимларини мустақамлашга эришиш, тарқатма материаллардан фойдаланиш, мавзулар бўйича кўргазмали куруллар тайёрлаш ва бошқалар тавсия этилади.

Амалий машғулотлар мультимедиа қурилмалари билан жиҳозланган аудиторияда ҳар бир академ. гуруҳга алоҳида ўтилади. Машғулотлар фаол ва интерфаол усуллар ёрдамида ўтилади. Кўргазмали материаллар ва ахборот мультимедиа қурилмалари ёрдамида узатилади.

№	Амалий машғулотлари мавзулари	Дарс соатлари хажми
1-семестр		
1.	s-блок элементларининг хоссалари бўйича масалалар ишлаш.	6
2-семестр		
2.	p-блок элементларининг хоссалари бўйича масалалар ишлаш.	10

3.	d-блок элементларининг хоссалари бўйича масалалар ишлаш.	10
4.	f-блок элементларининг хоссалари бўйича масалалар ишлаш.	6
5.	Биокимёвий жараёнларнинг термодинамик хусусиятлари бўйича масалалар ишлаш.	10
Жами		42 соат

4. Лаборатория машғулоти

Лаборатория ишлари магистрантларда биокоординацион бирикмаларни ҳосил қилиш, уларнинг таркиби, тузилиши, хоссаларини аниқлаш, эритма ҳолатида биоорганик бирикмаларнинг турғунлигини аниқлаш, турғунлик константаларини ҳисоблаш, комплексларнинг қонуниятларга бўйсунганини аниқлаш, фотоколориметр ва спектрофотометрда ишлаш, олинган натижалар асосида турли хил графиклар чизиш ва улардан натижалар олиш бўйича амалий кўникма ва малакалар ҳосил қилади.

№	Лаборатория машғулоти мавзулари	Дарс соатлари ҳажми
1-семестр		
1.	Рух ацетилацетонат комплексларини катализининг моделлаш реакцияларидаги тадқиқоти.	4
2.	Кобальт (II) ни аланин билан комплекс бирикмаларининг ҳосил бўлиш механизми ўрганиш.	4
3.	Мис (II) ни глицин билан комплекс бирикмаларининг ҳосил бўлиш механизми ўрганиш.	4
2-семестр		
4.	Марганец (II) ни аланин билан комплекс бирикмаларининг ҳосил бўлиш механизми ўрганиш.	4
5.	Ванадий (II) ни глицин билан комплекс бирикмаларининг ҳосил бўлиш механизми ўрганиш	4
6.	Миснинг комплекс бирикмаларини водород пероксиднинг парчаланиш реакцияларидаги каталитик активлигини ўрганиш.	4
7.	Хром (III) ни аланин билан комплекс бирикмаларининг ҳосил бўлиш механизми ўрганиш.	4
8.	Темир (III) ни глицин билан комплекс бирикмаларининг ҳосил бўлиш механизми ўрганиш.	4
9.	Кобальт (II) ни витамин В ₁₂ билан комплекс бирикмаларининг ҳосил бўлиш механизми ўрганиш.	4
10.	Рух (II) ни мочевина ва тиомочевина билан комплекс бирикмаларининг ҳосил бўлиш механизмини ўрганиш.	6
Жами		42 соат

5. Семинар машғулоти

Семинар машғулотларда магистрантлар биокомплекс бирикмаларнинг кимёвий боғланиш табиати, эритма ҳолатидаги турғунлиги, металл ионларининг биологик системалардаги ўрнини ўрганадилар. Магистрантлар асосий маъруза мавзулари бўйича олган билим ва кўникмаларини семинар машғулотларида янада бойтадилар. Шунингдек, дарслик ва ўқув қўлланмалар асосида магистрантлар билимларини мустаҳкамлашга эришиш, таркатма материаллардан фойдаланиш, мавзулар бўйича кўргазмали куруллар тайёрлаш ва бошқалар тавсия этилади.

№	Семинар машғулотлари мавзулари	Дарс соатлари ҳажми
1-семестр		
1.	Биологик системаларда кимёвий элементларни тарқалганлиги. Биологик системаларда металл ионларининг ўрни.	2
2.	Тирик организмдаги кимёвий элементларнинг миқдориға таъсир қилувчи омиллар.	2
2-семестр		
3.	Биокоординацион бирикмалардаги кимёвий боғланиш.	2
4.	Биокомплекслар ҳосил бўлишининг термодинамик жиҳатлари.	2
5.	Ишқорий ва ишқорий-ер металл ионларининг биологик таъсир механизмлари.	2
6.	Кислород ва унинг организмдаги ҳолати. Сув - эритувчи, лиганд ва тирикликни сақловчи омил сифатида.	2
7.	Натрий ва калий хужайраларда.	2
8.	Металл-ионлари тутган доривор моддалар. Металл-ионлари ферментларни фаоллантирувчилар сифатида.	2
9.	Металларнинг захарлилик даражаси ва таъсир механизмлари.	2
10.	Биометалл бўлмаган элементларнинг тирик организмдаги роли ва аҳамияти.	2
Жами		20 соат

6. Мустақил таълим

“Биоорганик кимёнинг долзарб муаммолари” фанини ўрганувчи магистрант аудиторияда олган назарий билимларини мустаҳкамлаш ва

масалаларни ечишда, лаборатория ишларини бажаришда кўникма ҳосил қилиш учун мустақил таълим тизимига асосланиб мустақил иш бажарадилар.

Мустақил таълим соатларида амалий, семинар ва лаборатория машғулотларига тайёргарлик кўриш учун режада белгиланган соатлар ҳажмига мос вақт ажратилади. Қолган соатлар ҳажмида магистрантларга мустақил ўзлаштиришлари учун мавзулар берилади. Бунда улар кўшимча адабиётлардан ва интернет сайтларидан фойдаланиб, қуйидаги мавзулар бўйича реферат ва тақдимот материаллари тайёрлайдилар.

Мустақил таълим учун тавсия этиладиган мавзулар:

№	Мустақил таълим мавзулари	Дарс соатлари ҳажми
2 семестр		
1	Лаборатория машғулотларига тайёргарлик кўриш	16
2	Семинар машғулотларига тайёргарлик кўриш	4
	Жами	20 соат
3 семестр		
3	Амалий машғулотларга тайёргарлик кўриш	18
4	Лаборатория машғулотларига тайёргарлик кўриш	34
5	Семинар машғулотларига тайёргарлик кўриш	22
	Жами	84 соат

7. Асосий ва кўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбаалари

Асосий адабиётлар

1. Скопенко В.В., Цивадзе А.Ю., Савранский Л.И., Гарновский А.Д. Координационная химия. М.: ИКЦ Академкнига, 2007.
2. Добрынина Н.А. Бионеорганическая химия. Метод пособие. М., МГУ, 2007.

Кўшимча адабиётлар

3. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Тошкент, “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. - 29 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. - 29 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. -485 б.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар

- стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017. 6-сон, 70-модда.
7. Хакимов Х.Х., Татарская А.З. Периодическая система и биологическая роль элементов. Т., Медицина, 1985.
 8. Николаев Л.А. Металлы в живых организмах. М.: Просвещение, 1986.
 9. Яцимирский К.Б. Введение в бионеорганическую химию. Киев, Наукова думка, 1976.
 10. Уильямс Д. Металлы жизни. М., Мир, 1975.
 11. Эйхгорн Г. Неорганическая биохимия. В.2-томах. М., Мир, 1978.
 12. Биологические аспекты координационной химии. Под ред. Яцимирский К.Б. Киев, Наукова думка, 1979.
 13. Касимова С.С. Биогенные элементы Т., Медицина, 1985.
 14. Крис Е.Е., Волченкова И.И., Григорьева А.С. Координационные соединения металлов в медицине. Киев, Наукова думка, 1979.

Интернет сайтлари

15. <http://www.nuuz.uz>
16. <http://www.natlib.uz>
17. <http://www.ziyonet.uz>
18. <http://www.chem.msu.ru>

Талабалар билимини баҳолаш мезонлари

а) “5” (аъло) баҳо учун талабанинг билим даражаси қуйидагиларга жавоб бериши лозим:

- Хулоса ва қарор қабул қилиш;
- Ижодий фикрлай олиш;
- Мустақил мушоҳада юрита олиш;
- Олган билимларни амалда қўллай олиш;
- Моҳиятини тушуниш;
- Билиш, айтиб бериш;
- Тасаввурга эга бўлиш;

б) “4” (яхши) баҳо учун талабанинг билим даражаси қуйидагиларга жавоб бериши лозим:

- Мустақил мушоҳада юрита олиш;
- Олган билимларни амалда қўллай олиш;
- Моҳиятини тушуниш;
- Билиш, айтиб бериш;
- Тасаввурга эга бўлиш;

в) “3” (қониқарли) баҳо учун талабанинг билим даражаси қуйидагиларга жавоб бериши лозим:

- Моҳиятини тушуниш;
- Билиш, айтиб бериш;
- Тасаввурга эга бўлиш;

в) талабанинг билим даражаси “2” (қониқарсиз) деб қуйидаги ҳолларда баҳоланади:

- Аниқ тасаввурга эга бўлмаслик;
- Жавобларда хатоликларга йўл қўйилганлик;
- Билмаслик;

1.01	Фанларнинг илмий-тадқиқот методологияси	65		36	18	18				29	2			
1.02	Махсус фанларни ўқитиш методикаси	65		36	18	18				29			2	
1.03	Амалий хорижий тил	130		72		72				58	2	2		
2.00	Мутахассислик фанлари	1560	69,6	936	318	276	206	136	2ки	624	22	24	6	
2.01	Ноорганик кимёнинг танланган боблари	120		72	28	24	20		1ки	48	4			
2.02	Атом ва молекуляр спектроскопия	130		72	30	18	24			58	4			
2.03	Замонавий нанокимё	130		72	26		34	12		58		4		
2.04	Табиий ва синтетик органик бирикмаларнинг тузилиши ва хоссалари	130		72	28		44			58		4		
2.05	Анализнинг хроматографик усуллари	130		72	28	44				58	4			
2.06	Ноорганик моддалар синтезининг назарий асослари	228		144	40	42	42	20	1ки	84	4	4		
2.07	Ноорганик бирикмаларнинг кристалл кимёси	168		108	36	36		36		60			6	
2.08	Ноорганик бирикмаларнинг замонавий физик усуллар билан тадқиқоти	166		108	36	18	36	18		58		6		
2.09	Кимё тарихи ва методологияси	130		72	26	34		12		58	4			
2.10	Бионоорганик кимёнинг долзарб муаммолари	228		144	40	42	42	20		84	2	6		
3.00	Танлов фанлари	420	18,8	252	108	60	84			168			14	
3.01	Саноат ноорганик кимёси			72	28	4	32	8		66			4	
3.02	Ноорганик материаллар кимёси			108	36	36		36		66			6	
3.03	Ноорганик материалларнинг электрон тузилиши ва стереокимёси			72	28	10	18	8		53			4	
	Жами:	2240	100	1332	462	444	290	136	2ки		26	26	22	
4.00	Илмий фаолият	1810		918						892	4	4	8	30
4.01	Илмий-тадқиқот ва илмий-педагогик иш, магистрлик диссертациясини тайёрлаш	406		144						262	2	2	4	
4.02	Илмий семинар	270		144						126	2	2	4	

4.03	Илмий амалиёт (стажировка)	1134	630						504				30
	Жами:	4050	2250						1800	30	30	30	30
	Аттестациялар	378	210						168				
	Ҳаммаси:	4428	2460						1968	30	30	30	30

ДАВЛАТ АТТЕСТАЦИЯСИ:

1. Магистрлик диссертациясини ҳимоя қилиш

Изоҳ:

1. Ушбу ўқув режаси асосида олий таълим муассасаси қўлланма ўқув режасини ишлаб чиқади. Бунда олий таълим муассасасига ҳафталик юкломани ўзгаришсиз сақлаб қолган ҳолда соатлар ҳажмини фанлар блоклари учун 5% доирасида, блокка кирувчи фанлар учун эса - 10% доирасида ўзгартириш ҳуқуқи берилади.
2. Маъруза соатлари ҳажми аудитория вақтининг 50 фоизидан ошмаслиги керак. Фан мавзуларининг камида 25 фоизи мустақил таълим тарзида ўзлаштирилиши лозим.

**Самарқанд давлат университети ўқув-услубий кенгаши томонидан маъқулланган.
2019 йил «__» _____ даги № __ - сонли баённома.**

Самарқанд Давлат университети ўқув-услубий кенгаши раиси

А.С.Солеев

Самарқанд Давлат университети ўқув-услубий бошқарма бошлиғи

Б.С.Алиқулов

Кадрлар буюртмачилари:

IV. РЕЙТИНГ НИЗОМИ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва урта махсус таълим вазирининг 2018 йил 9 августдаги 19-2018-сон буйруғига
ИЛОВА

Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш тизими туғрисидаги низом

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги ПК.-3775-сон “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг камровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш буйича қушимча чора-тадбирлар туғрисида”ги қарорига мувофиқ олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш тизимини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом 2018-2019 уқув йилида, шунингдек кейинги уқув йилларида олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилинган талабаларнинг билимини назорат қилиш ҳамда баҳолаш да кулланилади.
2. Мазкур Низом талабалари қонун ҳужжатларига мувофиқ уқув жараёни модуль тизимига асосланган олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашда кулланилмайди.
3. Талабалар олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари томонидан биринчи машғулотда мазкур Низом талабалари билан таништирилиши шарт.
4. Талабалар билимини баҳолашда малакавий амалиёт, курс иши, фан (фанлараро) давлат аттестацияси, битирув малакавий иши, шунингдек магистратура босқичида илмий-тадқиқот ва илмий-педагогик ишлар ҳамда магистрлик диссертацияси буйича мазкур Низомда белгиланган баҳолаш мезонлари кулланилади.

2-боб. Назорат турлари ва баҳолаш мезонлари

1- §. Назорат турлари

5. Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш оралик ва якуний назорат турларини ўтказиш орқали амалга оширилади.
6. Оралик назорат семестр давомида ишчи фан дастурининг тегишли бўлими тугагандан кейин талабанинг билим ва амалий қуникмаларини баҳолаш мақсадида уқув машғулотлари давомида ўтказилади.
7. Оралик назорат тури ҳар бир фан буйича фаннинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда 2 мартагача ўтказилиши мумкин.

Оралик назорат турини ўтказиш шакли ва муддати фаннинг хусусияти ва фанга ажратилган соатлардан келиб чиқиб тегишли кафедра томонидан

белгиланади.

8. Оралик назорат турининг топшириклари тегишли кафедра профессор-укитувчилари томонидан ишлаб чиқилади ва мазкур кафедра муdiri томонидан тасдиқланади.

9. Семестр давомида ҳафтасига 2 академик соатдан (тиббиёт олий таълим муассасаларида 4 академик соатдан) кам булган фанлар буйича оралик назорат тури утказилмайди.

10. Талабанинг амалий, семинар, лаборатория машгулотлари ва мустакил таълим топширикларини бажариши, шунингдек унинг ушбу машгулотлардаги фаоллиги фан уқитувчиси томонидан баҳолаб борилади. Баҳолаш мазкур Низомнинг 15-бандидан назарда тутилган мезонлар асосида амалга оширилади.

Талабани оралик назорат тури буйича баҳолашда, унинг укув машгулотлари давомида олган баҳолари инобатга олинади.

11. Якуний назорат тури семестр якунида (тиббиёт олий таълим муассасаларида фан якунида) тегишли фан буйича талабанинг назарий билим ва амалий куникмаларини узлаштириш даражасини аниқлаш мақсадида утказилади.

12. Якуний назорат турини утказиш шакли тегишли фан буйича кафедра томонидан белгиланади.

13. Якуний назорат тури олий таълим муассасасининг тегишли факультет декани ёки укув-услугий булим томонидан ишлаб чиқиладиган ҳамда укув ишлари буйича проректор томонидан тасдиқланадиган Якуний назорат турларини утказиш жадвалига мувофиқ утказилади.

14. Тиббиёт олий таълим муассасаларида оралик ва якуний назорат турлари объектив тизимлаштирилган клиник синов ёки объектив тизимлаштирилган имтихон шаклларида утказилиши мумкин.

2- §. Талабалар билимини баҳолаш мезонлари

15. Талабаларнинг билими куйидаги мезонлар асосида:

талаба мустакил ҳулоса ва қарор қабул қилади, ижодий фикрлай олади, мустакил мушоҳада юритади, олган билимини амалда қуллай олади, фаннинг (мавзунинг) моҳиятини тушунади, билади, ифода қилади, айтиб беради ҳамда фан (мавзу) буйича тасаввурга эга деб топилганда - 5 (аъло) баҳо;

талаба мустакил мушоҳада юритади, олган билимини амалда қуллай олади, фаннинг (мавзунинг) моҳиятини тушунади, билади, ифода қилади, айтиб беради ҳамда фан (мавзу) буйича тасаввурга эга деб топилганда - 4 (яхши) баҳо;

талаба олган билимини амалда қуллай олади, фаннинг (мавзунинг)

мохиятни тушунади, биледи, ифодалай олади, айтиб беради ҳамда фан (мавзу) буйича тасаввурга эга деб топилганда - 3 (консарли) бахо;

талаба фан дастурини узлаштирмаган, фаннинг (мавзунинг) мохиятини тушунмайди ҳамда фан (мавзу) буйича тасаввурга эга эмас деб топилганда - 2 (коникарсиз) бахо билан бахоланади.

16. Назорат турларини утказиш буйича тузилган топширикларнинг мазмуни талабанинг узлаштиришини холис (объектив) ва аник бахолаш имкониятини бериши шарт.

3-боб. Талабалар билимини бахолаш

17. Талабалар билимини бахолаш 5 бахолик тизимда амалга оширилади.

18. Оралик назорат турини утказиш ва мазкур назорат тури буйича талабанинг билимини бахолаш тегишли фан буйича укув машгулотларини олиб борган профессор-укитувчи томонидан амалга оширилади.

Яқуний назорат турини утказиш ва мазкур назорат тури буйича талабанинг билимини бахолаш укув машгулотларини олиб бормаган профессор-укитувчи томонидан амалга оширилади.

Тегишли фан буйича укув машгулотларини олиб борган профессор-укитувчи яқуний назорат турини утказишда иштирок этиши тақикланади.

Яқуний назорат турини утказишда келишув асосида бошка олий таълим муассасаларининг тегишли фан буйича профессор-укитувчилари жалб килиниши мумкин.

19. Тиббиёт олий таълим муассасаларида оралик ва яқуний назорат турларини утказиш, шунингдек талабаларнинг билимини бахолаш тегишли кафедра мудири томонидан ташкил этиладиган комиссия томонидан амалга оширилади.

Комиссия таркиби тегишли фан профессор-укитувчилари ва соҳа мутахассислари орасидан шакллантирилади.

Комиссия таркибига келишув асосида бошка ташкилотларнинг соҳа мутахассислари хам жалб килиниши мумкин.

20. Олий таълим муассасасида назорат турларини утказилиши тегишли олий таълим муассасасининг таълим сифатини назорат килиш булими томонидан доимий равишда урганиб борилади. Бунда назорат турларини утказилиш тартиби бузилганлиги аниқланган холларда, утказилган назорат турларининг натижалари бекор килиниши ҳамда тегишли назорат тури қайтадан утказилиши мумкин.

21. Талаба тегишли фан буйича якуний назорат тури утказиладиган муддатга қадар оралик назорат турини топширган булишлари шарт.

22. Оралик назорат турини топширмаган, шунингдек ушбу назорат тури буйича “2” (консарсиз) баҳо билан баҳоланган талаба якуний назорат тур ига киритилмайди.

Якуний назорат турига кирмаган ёки киритилмаган, шунингдек ушбу назорат тури буйича “2” (консарсиз) баҳо билан баҳоланган талаба академик қарздор ҳисобланади.

23. Талаба узрли сабабларга қура оралик ва (ёки) якуний назорат турига кирмаган тақдирда ушбу талабага тегишли назорат турини қайта топширишга факультет деканининг фармойиши асосида рухсат берилади.

24. Бир кунда 1 тадан ортиқ фан буйича якуний назорат тури утказилишига йул қуйилмайди. Якуний назорат турларини утказиш қамида 2 кун оралигида белгиланиши лозим.

25. Битирувчи курс булмаган талабалар қузги семестр натижалари буйича 3 тагача фандан (фанлардан) академик қарздорлиги булган холларда талабага бир ойгача, баҳорги семестр натижалари буйича 3 тагача фандан (фанлардан) академик қарздорлиги булган талабага тегишли фан (фанлар) буйича оралик ва (ёки) якуний назорат турларини янги укув йили бошидан қайта топшириш учун 1 ой муддат берилади.

Битирувчи курс талабаларига баҳорги семестр натижалари буйича узлаштирмаган фандан (фанлардан) қайта топшириш учун якуний давлат аттестацияси бошлангунга қадар рухсат берилади.

Фанлардан академик қарздорлиги 4 та ва ундан қуп булган талабаларга қайта топширишга рухсат берилмайди ва улар олий таълим муассасаси ректорининг (бошлигининг, филиал директорининг) буйруги билан курсдан қолдирилади.

26. Талабага оралик ва (ёки) якуний назорат турини қайта топшириш учун берилган муддат давомида талаба томонидан қайта топширишлар сони 2 мартадан қуп булмаслиги қерак.

Талаба оралик ва (ёки) якуний назорат турини биринчи марта қайта

топширишдан ута олмаган такдирда, факультет декани томонидан комиссия тузилади. Комиссия таркиби тегишли фан буйича профессор-укитувчи ва соҳа мутахассислари орасидан шакллантирилади.

Иккинчи марта оралик ва (ёки) якуний назорат турини утказиш ва талабани баҳолаш мазкур комиссия томонидан амалга оширилади.

27. Берилган муддат давомида мавжуд булган қарздорликни топшира олмаган талаба буйича факультет декани билдирги билан олий таълим муассасаси ректорини (бошлигини, филиал директорини) хабардор қилади ва ушбу талаба ректор (бошлик, филиал директори) буйруги асосида курсдан қолдирилади.

28. Талаба узрли сабабларсиз малакавий амалиётга қатнашмаган, шунингдек малакавий амалиёт якунлари буйича “2” (қоникарсиз) баҳо билан баҳоланган ҳолларда, у академик қарздор ҳисобланади ва курсдан қолдирилади.

29. Курсда қолдирилган талаба фанни (фанларни) у^{злаштирмаган} семестр бошидан тулов-контракт асосида мазкур укув йилининг тегишли семестри учун тасдиқланган укув режага мувофиқ уқишни давом эттиради.

30. Баҳолаш натижасидан норози булган талабалар факультет декани томонидан ташкил этиладиган Апелляция комиссиясига апелляция бериш ҳуқуқига эга.

31. Апелляция комиссияси таркибига талабани баҳолашда иштирок этмаган тегишли фан профессор-укитувчилари орасидан комиссия раиси ва қамада турган нафар аъзо киритилади.

32. Талаба баҳолаш натижасидан норози булган такдирда, баҳолаш натижаси эълон қилинган ва актдан бошлаб 24 соат давомида апелляция бериши мумкин. Талаба томонидан берилган апелляция Апелляция комиссияси томонидан 2 кун ичида қуриб чиқилиши лозим.

33. Талабанинг апелляциясини қуриб чиқишда талаба иштирок этиш ҳуқуқига эга.

34. Апелляция комиссияси талабанинг апелляциясини қуриб чиқиб, унинг натижаси буйича тегишли қарор қабул қилади. Қарорда талабанинг тегишли фанни узлаштиргани ёки узлаштира олмагани курсатилади.

Апелляция комиссияси тегишли қарорни факультет декани ва талабага етказилишини таъминлайди.

4- боб. Баҳолаш натижаларини қайд қилиш

35. Талабалар билимини баҳолаш тегишли фан буйича профессор-

укитувчи томонидан Талабаларнинг фанларни узлаштиришини ҳисобга олиш журналида (бундан буён матнда Журнал деб юритилади) кайд этиб борилади. Профессор-укитувчи қушимча равишда талабалар билимини баҳолашни электрон тизимда ҳам юритиши мумкин.

Профессор-укитувчи Журналда талабага қуйилган баҳоларни шу куннинг узида кайд этиб боради. Агар талабанинг билимини баҳолаш ёзма иш шаклида утказилган бўлса, бунда профессор-укитувчи талабаларнинг натижаларини 3 кундан қуп бўлмаган муддатда Журналга кайд этиши лозим.

36. Назорат тури бўйича талабанинг билими “3” (кониқарли) ёки “4” (яхши) ёхуд “5” (аъло) баҳо билан баҳоланганда, назорат турини қайта топширишга йул қуйшмайди.

37. Талаба назорат тури у^{тказилган} вақтда узрли сабабларсиз қатнашмаган ҳолларда Журналга “0” белгиси ёзиб қуйилади.

38. Журнал тегишли фан бўйича укув машғулотларини олиб борган профессор-укитувчи, кафедра мудирини ва факультет декани томонидан имзоланади ҳамда факультет деканатида сакланади. Журналнинг сакланиши учун факультет декани масъул ҳисобланади.

39. Талабаларнинг якуний назорат тури бўйича баҳолари Журналга кайд этилганда, шу куннинг узида талабанинг Баҳолаш дафтарига ҳам ёзиб қуйилиши керак.

40. Якуний назорат тури бўйича талабанинг билими “2” (кониқарсиз) баҳо билан баҳоланган ёки Журналга “0” белгиси ёзиб қуйилган ҳолларда ушбу баҳо ёки белги талабанинг Баҳолаш дафтарига ёзилмайди.

41. Журналнинг уз вақтида, тугри ва тулик юритилиши, шунингдек ундаги баҳо ва бошқа маълумотларга асоссиз узгартиришлар қиритилмаслиги учун факультет декани ва тегишли фан бўйича профессор- уқитувчи масъул ҳисобланади.

42. Тегишли укув йили якуни бўйича ишчи укув режадаги фанлар бўйича “3” (кониқарли) ёки “4” (яхши) ёхуд “5” (аъло) баҳо билан баҳоланган талаба олий таълим муассасаси ректорининг (бошлигининг, филиал директорининг) бўйругига асосан кейинги курсга утказилади.

43. Баҳолаш натижалари кафедра йигилишлари, факультет ва олий таълим муассасаси Кенгашларида мунтазам равишда муҳокама этиб борилади ва тегишли қарорлар қабул қилинади.

44. Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларида талабалар ушлаштиришини баҳолаш тизимини 5 баҳо ёки 100 баллик тизим ва илгор хорижий давлатлар олий таълим тизимида кулланиладиган баҳолаш тизимига қиёсий таққослаш ҳамда уларга утқазиш мазкур Низомнинг иловасига мувофиқ жадваллар асосида амалга оширилади.

5-

боб. Яқуний қоида

45. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳдамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази, Халқ таълими вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш инспекцияси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Маданият вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Қурилиш вазирлиги, “Ўзбекистон темир йуллари” акциядорлик жамияти, Автомобиль йуллари давлат қумитаси, “Навоий қон-металлургия қомбината” давлат қорхонаси, Ўзбекистон Бадиий академияси ҳамда Давлат солиқ қумитаси билан қелишилган.

Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш тизими
туғрисидаги низомга ИЛОВА

1-жадвал

Баҳолашни 5 баҳолик шкаладан 100 баллик шкалага утказиш
ЖАДВАЛИ

5 баҳолик шкала	100 баллик шкала	5 баҳолик шкала	100 баллик шкала	5 баҳолик шкала	100 баллик шкала
5,00-4,96	100	4,30-4,26	86	3,60-3,56	72
4,95-4,91	99	4,25-4,21	85	3,55-3,51	71
4,90-4,86	98	4,20-4,16	84	3,50-3,46	70
4,85-4,81	97	4,15-4,11	83	3,45-3,41	69
4,80-4,76	96	4,10-4,06	82	3,40-3,36	68
4,75-4,71	95	4,05-4,01	81	3,35-3,31	67
4,70-4,66	94	4,00-3,96	80	3,30-3,26	66
4,65-4,61	93	3,95-3,91	79	3,25-3,21	65
4,60-4,56	92	3,90-3,86	78	3,20-3,16	64
4,55-4,51	91	3,85-3,81	77	3,15-3,11	63
4,50-4,46	90	3,80-3,76	76	3,10-3,06	62
4,45-4,41	89	3,75-3,71	75	3,05-3,01	61
4,40-4,36	88	3,70-3,66	74	3,00	60
4,35-4,31	87	3,65-3,61	73	3,0 дан кам	60 дан кам

**Олий таълимда талабалар ушлаштиришини баҳолаш тизимлариини киёсий гаккослаш
ЖАДВАЛИ**

Таклиф этилаётган Ўзбекистон тизими	Россия тизими (МДУ)*	Европа кредит трансфер тизими (ECTS - European Credit Transfer System)	Америка тизими (A-F)	Британия тизими (%)	Япония тизими (%)	Корея тизими (%)	Ўзбекистон тизими (%)
“5”	“5”	“A”	“A+”	70-100	80-100	90-100	90-100
			“A”				
			“A-“	65-69			
“4”	“4”	“B”	“B+”	60-64	70-79	80-89	70-89,9
		“C”	“B”	50-59			
			“B-“				
3	3	“D”	“C+”	45-49	60-69	70-79	60-69,9
		“E”	“C”	40-44			
			“C-“				
			“D+”				
			“D”				
“D-“							
“2”	“2”	“FX”	“F”	0-39	0-59	0-59	0-59,9
		“F”					

V. МАЪРУЗА МАТНЛАРИ

МАЪРУЗА № 1

МАВЗУ: ЭРИТМАЛАР. ЭРИТМАЛАР НАЗАРИЯСИ. ЭРИТМАЛАРНИНГ ХОССАЛАРИ. ЭЛЕКТРОЛИТ ЭРИТМАЛАРИ.

1. **МАВЗУНИНГ МАҚСАДИ:** Эритмалар назарияси билан таништириб, газлар суюқликда эриши қандай омилларга боғлиқлигини кўрсатиш ва шу боғлиқликларни ифодалаш учун қандай қонунларга асосланиш кераклигини тушинтириб бериш. Эритмаларни аҳамиятини бoлогик эритмалар мисолида тушинтириб бериш.

2. КЎРИЛАДИГАН МАСАЛАЛАР

- биоанорганик ва биофизик коллоид кимё фани ва унинг вазифалари
- биоанорганик кимё фанини тиббиётдаги аҳамиятини
- эритмалар ва эритмаларнинг умумий хоссалари
- эрувчанлик ва эрувчанликка таъсир этувчи омиллар
- кучли ва кучсиз электролитларни хоссалари
- эритмаларнинг коллигатив хоссалари
- диффузия ходисаси
- осмос ва осмотик босимни тиббиётдаги аҳамияти
- идеал эритмаларнинг осмотик босимини Менделеев-Клайперон тенгламасидан фойдаланиб ҳисоблаш
- онкотик босим
- эритма устидаги буғ босими ва Рауль қонунлари
- кислота ва асосларнинг протолитик назарияси
- сув ионлар концентрациясининг кўпайтмаси, водород ва гидроксид кўрсаткичлари

3. МАЪРУЗАНИНГ МАЗМУНИ

Биоанорганик кимё фани ва унинг вазифалари. Биоанорганик кимёнинг тиббиётдаги аҳамияти. Эритмалар тўғрисида умумий тушунчалар. Эритмаларнинг таснифи. Эрувчанлик ва эрувчанликка хароратни, босимни таъсири. Эрувчанликка электролитларни таъсири. Генри қонуни. Сеченов қонуни. Эритмаларнинг концентрацияларини ифодалаш усули. Идеал

эритмалар тўғрисида тушунча. Кессон касаллиги ва унинг келиб чиқиш сабаблари. Электролит эритмаларнинг хоссалари. Кучли ва кучсиз электролитлар. Диссоциация константаси. Оствальднинг суюлтириш қонуни. Кучли электролитлар назариясининг асосий ҳолатлари. Активлик, активлик коэффициентлари, эритманинг ион кучи. Электроли эмас моддаларнинг коллигатив хоссалари. Эритмаларда диффузия ходисаси. Осмос ва осмотик босим. Осмотик босимни тиббиётдаги аҳамияти. Гемоллиз ва палзмолиз ходисалари. Осмотик босим учун Вант-Гофф қонуни. Гипертоник, изотоник, гипотоник эритмалар. Биологик жараёнларда осмоснинг аҳамияти. Қон зардобининг онкотик босими. Эритма устидаги тўйинган буғ босими. Рауль қонунлари. Эритманинг қайнаш хароратини кўтарилиши ва музлаш хароратини пасайиши.

ЭРИТМАЛАР. ЭРИТМАЛАРНИНГ УМУМИЙ ХОССАЛАРИ.

Икки ёки ундан ортиқ таркибий қисмлардан ташкил топган ўзгарувчан таркибли конденсирланган, гомоген, термодинамик турғун системаларга эритмалар деб аталади. Эритмаларга хос бўлган асосий белгилар, айти термодинамик шароитда уларнинг бир жинсли ва бир хил таркибли бўлишидир.

Эритмаларнинг таркибий қисмини эритувчи ва эриган моддалар ташкил этади.

Эритмалар эритувчи ва эриган моддаларнинг агрегат ҳолатига қараб, газсимон, суюқ ва қаттиқ ҳолатда бўлиши мумкин.

Нафас оладиган ҳаво бир неча газсимон моддалар (O_2 , CO_2 , H_2 ва инерт газлар) аралашмасидан иборат бўлган гомоген система бўлиб, уни газсимон эритмаларга киритиш мумкин.

Латун қотишмаси – руҳнинг мисдаги эритмаси ва бошқа турли қотишмалар қаттиқ эритмаларга мисол бўлади.

Суюқ эритмалар, биринчи навбатда сувли эритмалар, табиатда жуда кўп тарқалган бўлиб улар муҳим аҳамиятга эга бўлган эритмалардир. Организмда борадиган турли физиологик жараёнлар, ҳаётий зарур ўзгаришлар, шу жумладан модда алмашинув жараёни суюқ эритмаларда асосан сувли эритмаларда содир бўлади.

Биологик суюқликлар - қон плазмаси, лимфа, ошқозон шираси сийдик, сўлак ва бошқа биологик суюқликлар, асосан оксиллар, липидлар, углеводлар, тузларнинг мураккаб эритмаларидир.

Турли касалликларни даволашда доривор моддаларнинг сувдаги эритмаларидан фойдаланилади. Бу эритмаларни тиббиёт амалиётида турли концентрацияли эритмаларидан фойдаланилади. Шу сабабли тиббиёт ходимлари учун эритма концентрацияларининг ўлчов бирликларини билиш зарурдир.

ХАЛҚАРО ЎЛЧОВ БИРЛИГИ СИ. Халқаро ўлчов бирлиги СИ бирлигини киритилиши билан эритма концентрацияларининг ифодалаш усуллари ҳам ўзгартирилди. Бу бирлик асосида масса бирлиги - килограмм (кг), грамм (г), ҳажм бирлиги - литр (л), миллилитр (мл), модда миқдорининг бирлиги - моль (п) қабул қилинган.

Идеал эритмалар деб, эритмани ташкил этган таркибий қисмлари орасида ҳеч қандай ўзаро таъсир содир бўлмайдиган ҳамда эриган модда молекуласи диссоциация ёки ассоциацияга учрамайдиган эритмаларга айтилади. Идеал эритмаларни физик-кимёвий хоссаларни бир хил ёки бирининг хоссаси иккинчисига жуда яқин бўлган моддалар ташкил этади.

Идеал эритмалар ҳосил бўлишида ички энергиянинг қиймати ўзгаришсиз қолади ва ҳосил бўлган эритманинг ҳажми эритувчи ва эриган моддаларнинг ҳажмларини йиғиндисига тенг бўлади. Идеал эритмаларга мисол қилиб толуолнинг бензолдаги ва бензолни этилен хлориддаги эритмаларини келтириш мумкин. Идеал эритмалар Вант-Гофф ва Рауль қонунларига бўй синадилар.

Эрувчанлик деб берилган моддаларни турли эритувчиларда эриш қобилятига айтилади. Эрувчанлик доимий ҳарорат ва босимда тўйинган эритмани ҳосил қилиш учун сарфланган модданинг миқдори билан белгиланади.

Қутбли эритувчилар бир-бирларида истаган миқдорда аралашадилар ва қутбли хоссага эга бўлган бошқа моддалар (қаттик ва газлар) учун яхши эритувчи ҳисобланадилар. Худди шунга ўхшаш қутбсиз эритувчилар ҳам бир-бирларида истаган миқдорда аралашадилар ва қутбсиз ёки кам қутбли бошқа моддалар (ёғлар, лак, турли буюқ моддалар) учун яхши эритувчи

хисобланадилар. Шунинг учун эритувчи танлашда унинг кутблилигига эътибор бериш керак.

Турли моддаларнинг эрувчанлиги бир хил эритувчида, масалан сувда ҳар хил қийматга эга бўлиши мумкин.

Яхши эрийдиган моддаларга хона ҳарорати (20°C)да 100 гр. эритувчида 10 г. дан ортиқ эрийдиган моддалар киради.

Агар 100 г. эритувчида модданинг эрувчанлиги 0,01-1,00 г. оралиғида бўлса, бундай моддалар қийин эрийдиган, агар эрувчанлик 100 г. эритувчида 0,01 г. дан кам бўлса, бундай моддалар амалий эрмайдиган модда деб аталиши қабул қилинган.

ЭРУВЧАНЛИККА ҲАРОРАТНИНГ ТАЪСИРИ.

Газларнинг эрувчанлиги экзотермик жараён ($\Delta H > 0$) бўлганлиги сабабли, ҳароратни кўтарилиши билан газларнинг суюқликларда эриши камайиб, аксинча ҳароратни пасайтириш билан эрувчанликлари ортиб боради. Органик эритувчиларда газларни эрувчанлиги кўпинча иссиқлик ютилиши билан боради. Бундай ҳолларда ҳароратни кўтарилиши билан газларни эрувчанлиги ортиб боради.

ЭРУВЧАНЛИККА БОСИМНИ ТАЪСИРИ.

Газларни (суюқ ёки қаттиқ) эритувчиларда эришидан ҳосил бўлган эритмаларнинг ҳажми одатда кескин камайиш билан боради. Шу сабабли газларни суюқликларда эриши босимни ортиши билан кўпайиб боради. Газларнинг эрувчанлиги босимга боғлиқлиги Генри қонуни билан ифодаланади.

Маълум ҳажм суюқликда, ўзгармас ҳароратда эриган газнинг массаси, унинг парциал босимига тўғри пропорционалдир. $\alpha = K \cdot P$

α - тўйинган эритмадаги газнинг абсорбцияланиш коэффициентини

P - газнинг босими,

K - газнинг табиатига боғлиқ бўлган пропорционаллик коэффициенти.

Газлар аралашмаси учун ҳар бир газнинг парциал босими ҳисобга олинади:

$$\alpha_i = K_i \cdot P_i$$

Бу ерда: P_i – газнинг парциал босими

Демак, газларнинг эрувчанлиги унинг парциал босимига тўғри пропорционал бўлиб, парциал босимни камайтирилиши газнинг эрувчанлигини камайишига сабаб бўлади. Генри қонунини идеал газлар учун ва фақат суюлтирилган эритмалар учун ва паст босимда қўллаш мақсадга мувофиқдир.

ГАЗЛАРНИ ЭЛЕКТРОЛИТ ЭРИТМАЛАРИДА ЭРИШИ.

Газларнинг электролит моддалар эритмасидаги эрувчанлиги, унинг тоза эритувчидаги эрувчанлигидан фарқ қилади. Эритмада қаттиқ моддалар ёки эриган электролитларни бўлиши газларнинг эрувчанлигини камайтиради. Шулар асосида тирик организм, қоннинг таркибини ўзгариши билан, маълум ораликда кислород, углерод, (IV) оксиди ва бошқа айрим газларнинг эрувчанлигини бошқариш имкониятига эгадир.

КЕССОН КАСАЛЛИГИ.

«Кессон касаллиги» босимни кескин камайиши сабабли газларнинг эрувчанлигини ўзгариши натижасида хосил бўладиган касалликдир. Генри қонуни, босимни кескин камайиши билан боғлиқ бўлган касаллик (Кессон касаллиги)нинг пайдо бўлиш сабабларини ўрганиш имконини беради. Бу касаллик билан кўпинча иш фаолиятида юқори атмосфера босимдан нормал босимга тез ўтадиган касб эгалари, ғоввослар, учувчилар, космонавтлар кўпроқ оғрийдилар. Бундай касаллик белгилари: бош айланиши, терини кўчиши, томир ва мускулларни оғриғи, юрак-қон томир ва нафас олиш фаолиятини бузилиши, талаффуздаги чалкашликлар, оғир холларда эса бўғилиш, хушдан кетиш ва паралич бўлиш ҳолатлари кузатилади.

ЭЛЕКТРОЛИТЛАР ЭРИТМАЛАРИ.

Электролитик диссоциация назарияси электролитлар эритмалари учун диссоциация даражаси ва константаларини ишлатган холда электролитларни эритмадаги холатини бахолаш имкониятини беради. Оствальднинг суюлтириш қонуни диссоциация константаси ва даражасини боғлаб беради. Одам организмида электролитлар маълум ўринни эгаллайди.

Электролитик диссоциация назарияси асосида кислота ва асосларнинг протолитик назарияси ривожланган. Кислота-асосли мувозанат холатини ўрганиш асосида рН кўрсаткичи тушунчаси курилади ва унинг организм учун ахамияти ўрганилади.

ЭРИТМАЛАРНИНГ КОЛЛИГАТИВ ХОССАЛАРИ.

Талабаларнинг эътиборини эритмаларда уларнинг моляр концентрацияларига боғлиқ бўлмаган айрим хоссалар мавжуд эканлигига жалб этиш керак. Эритмада эриган модданинг заррачаларини биргаликдаги таъсирларига боғлиқ бўлган хоссалар, коллигатив хоссалар деб аталади.

Эритмаларни коллигатив хоссалари қуйидагилардан иборат:

1. Эритмаларнинг осмотик босими
2. Эритманинг тўйинган буғ босимини пасайиши
3. Эритмаларнинг музлаш хароратини пасайиши
4. Эритманинг қайнаш хароратини кўтарилиши

Суюлтирилган электролит эмас моддаларнинг коллигатив хоссалардан фойдаланиб уларнинг моляр массаси аниқланади.

ОСМОС ВА ОСМОТИК БОСИМ.


Агар бирор идишда икки ёки ундан ортиқ газ молекулари бўлса, уларнинг ўзаро аралашини натижасида ягона бир хил таркибли аралашма ҳосил бўлади. Бундай ходиса диффузия деб аталади. Диффузия - модда молекуларини концентрацияси кўп бўлган қисмидан, концентрацияси кам бўлган қисмига ўтиши натижасида бир хил концентрацияли аралашма ҳосил бўлади.

Диффузияни эритмаларда ҳам содир бўлишини биринчи бўлиб швейцариялик олим Адольф Фик аниқлаган ва бу ходиса учун ўз қонунини яратган.

Фик, диффузия ходисасини харорати юқори ва эритмаларда концентрациялар фарқи катта бўлган ҳолларда тез содир бўлишини аниқлаган.

Эритувчини ярим ўтказгич парда орқали эриган модданинг концентрацияси кам бўлган қисмидан уни концентрацияси кўп бўлган томонга ўз-ўзидан ўтиш ходисасига осмос деб аталади.

Osmos hodisasi yuz berayotgan sistema



- **Erituvchi molekulalarining yarim o'tkazgich membrana orqali bir tomonlana diffuziyasi osmos deyiladi**

Осмос ходисаси юз бераётган система

Ярим ўтказгич парда сифатида мол пуфаги, целофан, пергамент қоғози, коллодий пардасидан фойдаланилади.

1987 йилда В.Пфферер осмотик босимни хар хил омиллар таъсиридан куйидаги боғлиқларни аниқлади:

1. Осмотик босим ($t = \text{const}$) бўлганда эриган модданинг концентрацияси «С» га тўғри пропорционал ҳолда ўзгаради.
2. Осмотик босим абсолют хароратга тўғри пропорционалдир. Идеал эритманинг осмотик босимини Менделеев-Клайперон тенгламасидан фойдаланиб ҳисоблаш мумкин.

$$PV = nRT$$

Бунда : P - эритманинг осмотик босими

V - эритманинг ҳажми

n - эриган модданинг моллар сони


Агар $n/V = C$ билан белгиласак, у ҳолда куйидаги тенгламага эга бўламиз.

$$P_{\text{осм}} = CRT$$

Келтирилган ушбу формула осмотик босим тўғрисидаги Вант-Гофф қонунининг математик ифодасидир.

Амалда осмотик босим осмометрлар ёрдамида ўлчанади:

Osmotik bosimni o'lchash uchun moslama



Осмотик босимлари тенг бўлган эритмаларни изотоник эритмалар деб аталади.

Тиббиёт ва фармацевтика амалиётида изотоник эритмалардан кенг миқёсида фойдаланилади.

Масалан, 0,85 %ли ош тузининг эритмасини осмотик босими қон плазмасининг осмотик босимига тенгдир. Буни тиббиёт амалиётида «физиологик эритма» деб юритилади.

Бундан ташқари глюкозанинг 4,5-5 %ли эритмаси ҳам қон плазмасига нисбатан изотоник эритмадир.

Осмотик босим стандарт эритманикидан кичик бўлган эритма гипотоник, катта бўлгани гипертоник эритма дейилади.

ҚОН ЗАРДОБИНИНГ ОНКОТИК БОСИМИ


Осмотик босим тана харорати 37°C бўлганида 755-796 кПа оралиғида сақланиб туради. Осмотик босимни бундай юқори қийматларда бўлиши, қон таркибидаги турли қуйи молекуляр ва юқори молекуляр модда ионларининг мавжудлигидир. Қонни осмотик босимни кўп қисми NaCl нинг борлигига боғлиқдир.

Қон таркибидаги оксил моддалар, альбумин, глобулинларнинг ҳосил қилган осмотик босимларга онкотик босим деб аталади.

Онкотик босим осмотик босимнинг 0,5 % тини ташкил этиб, унинг миқдори 2,9-3,9 кПа га тенгдир. Бу кичик қийматга эга бўлган онкотик босим муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки онкотик босим тўқималараро суюқликларни, бирламчи сийдик ва бошқа биологик суюқликларни ҳосил бўлишида асосий вазифани бажарди. Масалан, қон таркибидаги оксилни миқдори камайиши натижасида овқат хазм қилиш органларининг иш фаолияти бузилганида, оксилни сийдик билан йўқолиши натижасида, буйрак касалликлари натижасида тўқималардаги суюқликлар билан қондаги осмотик босимлар бир-биридан фарқ қилади. Бу ходиса натижасида тери ости тўқималарида сув йиғила бошлайди ва бу ходисани «онкотик отёк» ёки онкотик сув йиғилиш жараёни деб аталади. Бу жараён натижасида беморни аҳволи ёмонлашади. Шунинг учун бундай касалликларни даволаш жараёнида осмо-онкотик босимни эътиборга олиш тавсия этилади.

Агар эритроцитлар тутган эритмага ташқаридан концентрацияси юқори бўлган эритма қўшилса эритувчи молекулалари хужайра ичидан ташқарига чиқиши кузатилади ва натижада хужайра буришиб қолиши кузатилади.


PLAZMOLIZ



Бу ходиса плазмолиз дейилади.

Агар эритроцитлар тутган эритмага ташқаридан концентрацияси паст бўлган эритма қўшилса эритроцитлар молекулалари хужайра ташқарисидан хужайра ичига ҳаракатланади ва натижада хужайра бўртиб ёрилишига олиб келади. Бу ходиса гемолиз дейилади.

GEMOLIZ



ЭРИТМА УСТИДАГИ ТҮЙИНГАН БУҒ БОСИМИ ВА РАУЛЬ ҚОНУНИ.

Айни хароратда суюқликлар юзасидаги буғланиш ва конденсацияланиш тезликларини динамик мувозанат ҳолатларидаги босими, эритманинг тўйинган буғ босими деб номланади.

1886 йилда Рауль қуйидаги қонунни яратди. «Эритувчининг эритма устидаги тўйинган буғ босимининг нисбий пасайиши эриган модданинг моль қисмига тенг, яъни эриган модданинг моллар миқдорининг эриган модда ва эритувчининг моллар миқдорларини йиғиндисига бўлган нисбатига тенгдир».

$$\frac{P_0 - P}{P_0} = \frac{n}{n+N} \quad \text{ёки} \quad \frac{P_0 - P}{P_0} \approx \frac{n}{N}$$

Бунда : P_0 - соф эритувчи устидаги тўйинган буғ босими

P - эритма устидаги буғ босими

n, N - эриган модда ва эритувчиларни моллар сони

Рауль қонуни, худди Вант-Гофф қонунига

ўхшаб фақат идеал эритмалар учун ҳосилдир.

ҚАЙНАШ ХАРОРАТИНИ КЎТАРИЛИШИ ВА МУЗЛАШ ХАРОРАТИНИ ПАСАЙИШИ ЭБУЛИОСКОПИЯ ВА КРИОСКОПИЯ

Барча тоза суюқликлар аниқ қайнаш ва музлаш хароратларига ёки нуқталарига эга бўладилар.

Ҳар қандай суюқлик унинг устидаги тўйинган буғ босими атмосфера босимига тенг бўлгандагина қайнайди.

Рауль қонунига мувофиқ кам буғланувчи модданинг эритмаси устидаги тўйинган буғ босими соф эритувчи буғ босимидан кам, бундай эритмани қайнаб чиқиши учун соф эритувчининг қайнаш хароратидан юқориқ харорат зарур бўлади.

Эритманинг қайнаш харорати билан эритувчининг қайнаш харорати ўртасидаги фарк, қайнаш хароратини кўтарилиши $\Delta t_{\text{сай}}$ деб белгиланади.

Эритувчининг музлаш харорати билан эритманинг музлаш харорати ўртасидаги фарк, музлаш хароратини пасайиши $\Delta t_{\text{муз}}$ - деб белгиланади.

Рауль қонунидан фойдаланиб электролит эмас моддаларнинг моляр массалари аниқланади. Рауль томонидан, эритманинг қайнаш хароратининг кўтарилиши ва музлаш хароратини пасайиши эриган моддаларнинг моляр концентрациясига тўғри пропорционал эканлиги аниқланган.

$$\Delta t_{\text{сай}} = E \times B \quad \Delta t_{\text{муз}} = K \times B$$

Бунда : B - эритманинг моляр концентрацияси

E - эбулиоскопик константа, бир моляр эритманинг қайнаш харорати соф эритувчининг қайнаш хароратига нисбатан фарқини кўрсатувчи кийматдир.

K - криоскопик константа, бир моляр эритманинг музлаш харорати соф эритувчининг музлаш хароратига нисбатан фарқини кўрсатувчи кийматдир.

Моляр массани криоскопик усулда аниқлаш

$$\Delta t_{\text{муз}} = K \times B \quad \text{агарда } B = \frac{q \times 1000}{G \times M} \quad \Delta t_{\text{муз}} = K \frac{q \times 1000}{G \times M}$$

$$M = K \frac{q \times 1000}{\Delta t_{\text{муз}} \times G}$$

q -эриган модданинг массаси

G -эритувчини массаси

K -криоскопик константа

Моляр массани эбулиоскопик усулда аниқлаш

$$\Delta t_{\text{сай}} = E \times B \quad \text{агарда } B = \frac{q \times 1000}{G \times M} \quad \text{бўлса } \Delta t_{\text{сай}} = E \frac{q \times 1000}{G \times M}$$

$$M = E \frac{q \times 1000}{\Delta t_{\text{сай}} \times G}$$

Рауль қонунидан келиб чиқадиган хулоса

Ноэлектролит моддаларнинг эритмаларини музлаш хароратини пасайиши ва қайнаш хароратини кўтарилиши эритманинг моляр концентрациясига тўғри пропорционалдир.

5. НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Биоанорганик кимё фанининг тиббиётдаги аҳамияти нималардан иборат?
2. Эритмаларнинг тиббиётдаги аҳамияти
3. Эрувчанлик ва эрувчанликка таъсир этувчи омилларни кўрсатинг?
4. Эритмаларнинг моляр эквивалент концентрациясига таъриф беринг.
5. Газларнинг эрувчанлигига ҳарорат қандай таъсир кўрсатади?
6. Моляр ва моляр концентрацияси, титр деб нимага айтилади?
7. Генри қонунидан қандай хулоса келиб чиқади?
8. Осмос. Осмотик босим тўғрисида тушунча.
9. Осмотик босим учун Вант-Гофф қонуни
10. Вант-Гофф қонунининг тиббиётдаги аҳамияти
11. Плазмолиз ва гемолиз ходисаларини тушунтиринг
12. Изотоник, гипертоник, гипотоник эритмаларга тариф беринг.
13. Рауль қонунлари ва улардан келиб чиқадиган хулосалар қон зардобининг онкотик босими.

6. ТАВСИЯ ЭТИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. С.С.Қосимова, С.М.Машарипов, К.О.Нажимов. Умумий ва биоорганик кимёдан амалий машғулотлар. «Ибн Сино» нашриёти, Тошкент, 2001.
2. А.Б. Акбаров. Биоанорганик ва биофизик кимё асослари. «Ибн Сино» нашриёти, Т., 1996, 400 бет.
3. Равич-Щербо М.И., Анненков Г.А. Физик ва коллоид кимё. «Медицина», Т., 1971, 330 бет
4. Х.К. Хакимов, А.З.Татарская, Н.Т.Олимхўжаева. Умумий кимёдан амалий машғулотлар. «Ибн Сино», Т., 1993, 263 бет.
5. Хамраев А.Д, ва бошқалар .Умумий химиядан лаборатория машғулотлари учун методик қўлланмалар ТошДавМИ босмох. Т., 1988, 106 бет.

6. С.М.Машарипов ва бошқалар. Микдорий ва сифатий тахлил. ТошДавМИ босмохонаси, 1990, 92 бет.
7. Н.Л.Глинка. Умумий кимё. «Кимё нашриёти», 1978, 718 бет.
8. Н.С.Ахметов. Общая и неорганическая химия. «Высшая школа» нашриёти, М., 1998, б. 197-224

Қўшимча:

1. В.Н.Алексеев. Ярим микрометод билан қилинадиган химиявий сифат анализи курси. «Ўқитувчи» нашриёти, Т., 1976, 624 бет.
2. М.Миркомилова. Аналитик кимё. «Узбекистон», Т., 1996, 335 бет.
3. Р.Чанг. Физическая химия с приложениями к биологическим системам. «Мир», М., 1980, 662 бет.

МАЪРУЗА № 2

МАВЗУ: КИМЁВИЙ ТЕРМОДИНАМИКА ВА БИОЭНЕРГЕТИКАНИНГ ИЛМИЙ АСОСЛАРИ

1. МАВЗУНИНГ МАҚСАДЛАРИ:

Термодинамика қонунларини жонли ва жонсиз табиат учун универсаллигини талабалар онгига етказиб бериш. Талаба одам организмда энергиянинг қайси турлари бўлиши мумкинлигини ва улар бир бирига ўтиб организмда модда алмашинув жараёнини таъминловчи омил эканлигини тушиниб етиши керак. Энергия алмашинувининг бузилиши турли ҳил касалликларни сабабчиси бўлади, шунинг учун талаба термодинамиканинг қонунларига асосланган ҳолда организмдаги энергия алмашинувини тушиниб етиши керак.

2. КЎРИЛАДИГАН МАСАЛАЛАР:

- термодинамика фани ва унинг вазифалари
- термодинамик системалар ва параметрлар
- термодинамиканинг қонунларини тиббиётда қўлланилиши
- термодинамик системалар ва параметрлар
- ички энергия
- термодинамиканинг биринчи қонуни
- Гесс қонуни ва ундан келиб чиқадиган хулосалар

- изобар ва изохор иссиқлик эффектлари: энтальпия
- термодинамикани иккинчи қонуни
- энтропия
- Гиббс энергияси ва унинг мазмуни
- мувозанатнинг термодинамик шартлари
- ўз-ўзидан борадиган жараёнлар ва уларни йўналиш шартлари

3. МАЪРУЗАНИНГ МАЗМУНИ

Умумий тушунчалар. Термодинамика қонунлари ва уларнинг ахамияти.

Термодинамика - энергиянинг бир туридан бошқа турига ўтиши қонунларини ўрганувчи фандир. У асосий учта қонунга асосланади. Бу фаннинг қолган қоидалари шу учта қонундан мантиқий равишда келиб чиқади. Термодинамиканинг қонунлари инсониятнинг кўп йиллик изланишлари натижаси маҳсули сифатида вужудга келган ва таърифланган.

Т е р м о д и н а м и к а н и н г б и р и н ч и қ о н у н и энергияни сақланиш қонуни билан тўғридан-тўғри боғланган. У турли хил жараёнлар, шу жумладан биокимёвий реакцияларнинг иссиқлик қийматларини ҳисоблаб топишга имконият беради.

Т е р м о д и н а м и к а н и н г и к к и н ч и қ о н у н и – бу ўз-ўзидан боровчи жараёнларни бориш - бормаслиги ҳақидаги қонун. Термодинамиканинг иккинчи қонуни асосида кимёвий жараёнлар ташқи таъсирлар остида қайси йўналишда боришини олдиндан аниқлаш мумкин. Бирор-бир жараённи, шу жумладан организмларда кечаётган барча биокимёвий жараёнларни қайси йўналишда боришини билиш нафақат назарий, балки амалий қизиқиш ҳам уйғотади.

Т е р м о д и н а м и к а н и н г у ч и н ч и қ о н у н и – бу энтропиянинг абсолют қиймати ҳақидаги қонун. У кимёвий реакциянинг мувозанат константасини ва шундан келиб чиққан ҳолда, реакция маҳсулотларининг чиқиш фоизини амалий аниқлашни қўлламай ҳисоблаб топиш имкониятини беради.

Агар кимёвий ва физик кимёвий жараёнларни ўрганишда термодинамиканинг биринчи қонуни асосида ички энергия тушунчасидан фойдаланилса, термодинамиканинг иккинчи ва учинчи қонунлари асосида ўрганишда эса – энтропия, энталпия ва эркин энергия каби янги функционал катталикларни киритиш эҳтиёжи туғилган.

Кимёвий термодинамика деб термодинамикани юқорида кўрсатилган учта қонунини кимёвий жараёнлар учун қўлловчи қисмига айтилади.

Кимёвий термодинамиканинг асосий тушунчалари. Термодинамиканинг биринчи қонуни

Термодинамиканинг асосий қоидаларини кўриб чиқишда маълум тушунчалардан фойдаланилади. Атрофи муҳитдан шартли равишда ажралатиладиган, кўп миқдордаги заррача (молекула, атом, ион)лардан ташкил топган ҳар қандай жисмлар тўплами **система** деб номланади. Система атрофи муҳит билан модда ва энергия билан алмашинса **очиқ система** дейилади. Агар тасниф билан муҳит орасида фақат модда алмашинуви кузатилса - у **ёпиқ система** бўлади. Агар система билан муҳит орасида ҳам энергия, ҳам модда алмашинуви кузатилса - у **ажратилган система** бўлади. Система гомоген (бир жинсли) ва гетероген (ҳар хил жинсли) бўлиши мумкин. Термодинамик системанинг ҳолати физик катталиклар – масса, ҳажм, босим, ҳарорат, таркиби, иссиқлик сифими ва бошқа **ҳолат ўлчовлари** билан баҳоланади. Агар системанинг ҳолати юқоридаги катталиклар билан тўлиқ таърифланса – бундай система термодинамик система дейилади.

Агрегат ҳолатидан қатъий назар табиатдаги барча жисмлар **ички энергия** жамғармасига эга бўлади. У ҳолат функцияси, яъни ҳолат катталикларига боғлиқ бўлиб, ўз ичига энергиянинг барча турлари (электр, иссиқлик, кимёвий, ички ядровий ва б.) ни олади. Фақат жисмнинг ҳаракати кинетик энергияси ва унинг фазодаги ҳолатининг потенциал энергияси бундан мустасно. Ички энергиянинг ўзгариши фақат системанинг бошланғич ва охириги ҳолатларига боғлиқ бўлиб, жараённинг қайси оралик ҳолатлар орқали боришига боғлиқ бўлмайди. Бу қоида энергия сақланиш қонуни ва унинг асосида яратилган термодинамиканинг биринчи қонунидан келиб чиқади. **Термодинамиканинг биринчи қонунига мувофиқ: ҳар қандай жараён давомида энергия йўқ бўлмайди ва йўқдан бор бўлмайди, у фақат бир кўринишдан иккинчи (бошқа) кўринишга эквивалент миқдорда ўтиши мумкин.**

Одам организми очиқ термодинамик системага мисол бўлиб, у термодинамик ҳолатнинг барча катталиклари билан тавсифланади ва шунинг учун уни ўрганишда термодинамиканинг биринчи қонунларини кўллаш мумкин. Масалан термодинамиканинг биринчи қонунини тирик организм фаолиятига мослаган ҳолда шундай ўқиш мумкин: *организмда модда алмашинувини бошқарувчи жараёнларнинг кимёвий энергияси, бошқа турдаги энергияга ўтиб, организмнинг ҳаёт фаолиятини таъминлайди.* Системада бирор-бир жараён амалга ошса, у қандай бўлмасин иш бажариши ёки атроф муҳит билан иссиқлик аламашинуви (иссиқлик чиқариш ёки ютиш)да иштирок этиши мумкин. Энергияни сақланиш қонунидаги боғлиқликни қуйидаги математик ифода шаклида келтириш мумкин:

$$Q = \Delta U + A \quad (1)$$

бу ерда Q – системага берилган иссиқлик миқдори; ΔU - ички энергиянинг ортиши ($\Delta U = U_2 - U_1$); A – система бажарган умумий иши. Бу тенглик термодинамиканинг биринчи қонунини математик ифодаси ҳисобланади. Кўп ҳолларда термодинамик жараён давомида бажариладиган иш фақат ҳажм кенгайиши ҳисобига амалга ошади, яъни $A = P\Delta V$, у ҳолда термодинамиканинг биринчи қонунини математик ифодаси қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$Q = \Delta U + P \Delta V. \quad (2)$$

Бу ерда P – системанинг босими; ΔV – системада ҳажм ўзгариши.

Энергияни сақланиш қонунидан термодинамиканинг биринчи қонунини яна бир таърифи келиб чиқади: энергия сарфламай иш бажарувчи биринчи турдаги абадий двигател яратилиши мумкин эмас.

Системаги жараёнлар турли хил шароитларда ўтиши мумкин.

1. Изохор жараён. Изохор жараёнда системанинг ҳажми ўзгармас бўлади: $\Delta V = 0$. Бунда системада бажарилган иш ҳам - $P \Delta V = 0$ булади. Бундай шароитда:

$$Q_V = \Delta U$$

Демак, $V = \text{const}$ да системага берилган барча иссиқлик унинг ички энергиясини оширишга сарф бўлади.

2. Изобар жараён. Изобар жараёнда системанинг босими ўзгармас бўлади: $P = \text{const}$. Бундай ҳолат учун термодинамиканинг биринчи қонунини тенгламаси $Q = \Delta U + P\Delta V$ ни қуйидагича кўчирамиз:

$$Q_P = U_2 - U_1 + P(V_2 - V_1) = U_2 - U_1 + PV_2 - PV_1$$

Бу ердан:

$$Q_P = (U_2 + PV_2) - (U_1 + PV_1)$$

$U + PV$ функцияси *энтальпия* деб номланиб H харфи билан белгиланади, шунда

$$H = U + PV \quad (4)$$

бу ҳолда:


$$Q_P = H_2 - H_1 \quad \text{ёки} \quad Q_P = \Delta H \quad (5)$$

Демак, $P = \text{const}$ бўлганда системанинг иссиқлиги фақат энтальпия ўзгариши билан боғлиқ бўлади.


Кимёвий термодинамикада, унинг қонунлари кимёвий ва физик-кимёвий жараёнлар учун қўлланади. У турли хил жараён (кимёвий реакция, эриш, суюқланиш ва бошқа)ларнинг иссиқлик самараларини аниқлайди, кимёвий жараёнларни ўз-ўзидан бориш ёки бормаслигини ва шу жараёнларнинг мувозанат ҳолатидаги шароитларини ўрганади. Кимёвий реакция вақтида системанинг ички энергияси ўзгаради.

Одатда, бошланғич моддаларнинг ва махсулотларнинг ички энергияси бир биридан фарқ қилади. Мувозанат жараёнида, агар махсулотларнинг ички энергияси бошланғич моддалар ички энергиясидан кичик бўлса, ички энергия қийматлари ўртасидаги фарқ иссиқлик сифатида ажралиб чиқади. Будаё кимёвий жараён **экзотермик** бўлади. Агар махсулотларнинг ички энергияси дастлабки моддалар ички энергиясидан катта бўлса, реакция иссиқлик ютилиши билан боради ва бу кимёвий жараён **эндотермик** хисобланади. Реакция вақтида ажралган ёки ютилган иссиқлик миқдорига реакциянинг **иссиқлик самараси** дейилади. Ўзгармас ҳарорат ва босимда ўтган кимёвий реакцияда энтальпиянинг ўзгариши тескари ишора билан олинган иссиқлик миқдорига тенг бўлади.


Кимёвий формуласи билан модданинг агрегат ҳолати кўрсатилиб, дастлабки модда ёки махсулотнинг 1 молига нисбатан хисобланган иссиқлик миқдорини ишораси ёзилган тенгламага **термокимёвий тенглама** дейилади. Масалан:



Агар реакциянинг, ўзгармас босимда олинган, иссиқлик самарасини кимёвий тенгламасига қўшмасдан, реакциянинг **энтальпия фарқи** билан алоҳида кўрсатилса, экзотермик реакциянинг термокимёвий тенгламасида ΔH манфий қиймат билан ёзилади:




эндотермик реакцияда эса – ΔH мусбат қиймат билан ёзилади:



Амалиётда кимёвий реакцияларнинг иссиқлик самараси калориметрлар ёрдамида аниқланади (амалий қисмга қаранг). Кимёвий реакциянинг иссиқлик самарасини амалиётда аниқлаш қийин ёки имкони йўқ бўлса, бундай турдаги реакцияларнинг иссиқлик самараси 1836 йилда рус олими Г.И.Гесс томонидан кашф этилган қонун асосида назарий хисобланади. Гесс қонунига мувофиқ: “*реакциянинг иссиқлик самараси (реакциянинг энтальпияси) дастлабки модда ва махсулотларнинг табиати ва ҳолатига боғлиқ бўлиб, реакция босиб ўтадиган йулига боғлиқ эмас*”.

Гесс қонуни куйидаги схема ёрдамида яхши тушинтирилади:



$$Q = Q_1 + Q_2 = Q_3 + Q_4 + Q_5$$

Q₄

яъни, кимёвий реакциянинг иссиқлик самараси (Q) унинг алоҳида олинган босқичларидаги иссиқлик самараларини йиғиндисига тенг.

Турли хил кимёвий реакцияларнинг иссиқлик самарасини бир-бирига солиштириш, термокимёвий ҳисоблашларни ўтказиш қулай бўлиши учун стандарт шароит ($P^0 = 101,3$ кПа ва ҳарорат 298 К) даги иссиқлик самараси тушунчаси киритилган.

Кимёвий реакциянинг стандарт шароитдаги иссиқлик самараси ΔH_f стандарт ҳосил бўлиш ва ёниш иссиқликлари бўйича ҳисобланади. **Модданинг стандарт ҳосил бўлиш иссиқлиги (ΔH_f)** деб стандарт шароитда оддий моддалардан бир моль шу модда ҳосил бўлишидаги реакциянинг иссиқлик самарасига айтилади. Барқарор агрегат ҳолатдаги оддий моддаларнинг стандарт ҳосил бўлиш иссиқлиги нолга тенг деб қабул қилинган. **Стандарт ёниш иссиқлиги ΔH_e** деб, стандарт шароитда кислородда 1 мол модда ёнишидан ажралиб чиқадиган иссиқлик микдорига айтилади.

Барқарор ҳолатдаги оддий оксидларнинг стандарт ёниш иссиқлиги нолга тенг деб қабул қилинган. Мураккаб модданинг **стандарт шароитдаги парчаланиш иссиқлиги ΔH_d** деб 1 мол шу моддани оддий моддаларга парчаланиш реакциясининг иссиқлик самарасига айтилади.

Жадваллардан олинган стандарт ҳосил бўлиш ва ёниш иссиқликлари асосида, кимёвий реакциянинг стандарт шароитдаги иссиқлик самарасини ҳисоблаб топиш мумкин. Бунинг учун Гесс қонунидан келиб чиқадиган хулосалардан фойдаланилади:

Биринчи хулоса. Стандарт шароитда мураккаб модданинг парчаланиш иссиқлиги унинг ҳосил бўлиш иссиқлигига абсолют қиймати бўйича тенг бўлиб, ишораси билан фарқ қилади, яъни:

$$\Delta H_d = - \Delta H_f \quad (6)$$

Иккинчи хулоса. Стандарт шароитда реакциянинг иссиқлик самараси маҳсулотларнинг ҳосил бўлиш иссиқликлари йиғиндисидан дастлабки моддалар ҳосил бўлиш иссиқликлари йиғиндисини айирмасига тенг, бунда иштирокчи моддаларни стехиометрик коэффицентлари n кўпайтирувчи сифатида ҳисобга олинади:

$$\Delta H_r = \sum n \Delta H_{f(\text{макс})} - \sum n \Delta H_{f(\text{даст})} \quad (7)$$

Учинчи хулоса. Стандарт шароитда реакциянинг иссиқлик самараси дастлабки моддаларнинг ёниш иссиқликлари йиғиндисидан маҳсулотларнинг ёниш иссиқликлари йиғиндисини айирмасига тенг, бунда иштирокчи моддаларни стехиометрик коэффицентлари n кўпайтирувчи сифатида ҳисобга олинади:

$$\Delta H_r = \sum n \Delta H_{e(\text{дастл})} - \sum n \Delta H_{e(\text{макс})} \quad (8)$$

Шунингдек, Гесс қонунидан фойдаланиб эриш, ҳамда нейтралланиш реакцияларининг иссиқлик самарасини ҳам топиш мумкин. Эриш иссиқлиги деб, стандарт шароитда 1 мол моддани солватланиши учун етарли бўлган мўл миқдоридаги эритувчида эришида ютилган ёки ажралиб чиққан иссиқликга айтилади. Нейтралланиш иссиқлиги деб, стандарт шароитда водород ва гидроксид ионларидан 1 мол суюқ сув ҳосил бўлиши реакциясини иссиқлик самарасига айтилади.

Гесс қонунини нафақат кимёвий реакциялар учун, балки биокимёвий жараёнлар учун ҳам қўллаш мумкин. Масалан, тирик организмда карбонсувларни ва ёғларни бир нечта босқичли оксидланиш жараёнидаги иссиқлик миқдори билан шу моддаларни кислородда ёнишидан ажралиб чиққан иссиқлик миқдорлари ўзаро тенг бўлиб чиққан.

Термодинамиканинг иккинчи қонуни ва унинг ахамияти

Табиатда, ташқаридан таъсир кўрсатилмаганда ҳам кечадиган жараёнлар борки уларни ўз-ўзидан борадиган жараёнлар дейилади. Амалга ошириш учун энергия талаб қиладиган жараёнларни эса ўз-ўзидан бормаидиган жараёнлардир. Бундай жараёнлар мувозанат ҳолатида тугалланади ва системани бу ҳолатдан чиқариш учун ташқаридан энергия сарфлаш зарур бўлади. Ўз-ўзидан борадиган жараёнлар шароитини ва мувозанат ҳолати қарор топадиган шароитларни ўрганиш назарий ва амалий жиҳатдан катта ахамиятқасб этади. Термодинамиканинг биринчи қонуни асосида жараённи йўналиши ва мувозанат ҳолати ҳақида хулосалар чиқариб бўлмайди. Бундай масалаларни ечиш учун термодинамиканинг иккинчи қонунидан фойдаланилади. Бу қонун, биринчи қонун каби умумий инсоният изланишларининг натижаси бўлиб, табиат қонунларининг энг асосийларидан бири деб ҳисобланади. Иккинчи қонунни турлича таърифлаш мумкин бўлса улардан бири – Клаузиуснинг таърифи бўлиб қонуннинг таърифи куйидагича қабул қилинган: ***иссиқлик ўз-ўзидан совуқ жисмдан иссиқ жисмга ўта олмайди.*** Қолган таърифлар юқорида келтирилган таърифдан хулоса сифатида келиб чиқади. Масалан, ҳар қандай ўз-ўзидан борадиган жараён, системанинг эҳтимоллиги беқарорроқ бўлган ҳолатидан эҳтимоллиги барқарорроқ бўлган ҳолатга ўтадиган йўналишида боради. Бундай жараёнлар сифатида газларни диффузияланиб аралашishi, иссиқликни иссиқроқ жисмдан совуқроқ жисмга ўтишини кўриш мумкин.

Жараёнлар йўналишини белгиловчи термодинамик омиллар

Кўпчилик термодинамик жараёнлар энергиянинг бирор-бир турини, масалан ички энергия ёки энтальпия қийматини камайishi йўналишида боради. Энергияси минимал бўлган ҳолат энг барқарор ҳолат ҳисобланади. Тирик организмда борадиган жараёнлар ҳам ўз-ўзидан борадиган жараёнлардир, чунки уларнинг ички энергияси иссиқликга айланиб танага қайтмас даражада тарқалиб кетади, уни қайтариб булмайди. Агар системани бошланғич ҳолатга қайтариш учун ташқаридан қўшимча энергия талаб қилинмаса, термодинамика нуқтаи назаридан, жараён қайтар ҳисобланади. Мутлақо

қайтар жараёнлар табиатда йўқ. Термодинамикада, агар энергия иссиқликга айланса жараён қайтмас, айланмаса қайтар хисобланади. Термодинамиканинг қонунларига мувофиқ қайтар жараёнларни фойдали иш коэффициенти (ФИК) 1 га тенг, қайтмас (масалан, биологик) жараёнлари учун ФИК 1 дан кичик. Масалан, фотосинтез жараёни учун $\text{ФИК} = 0,75$, мушаклар қисқариши жараёни учун $\text{ФИК} = 0,4$.

Аммо, кимёвий жараёнларнинг йўналишини аниқлашда ички энергия ва энтальпиянинг ўзгаришини билиш кифоя қилмайди. Масалан, эндотермик жараёнлар ички энергиянинг камайиши эмас, балки ортиши билан боради. Демак жараён йўналишини аниқлаш учун бошқа термодинамик катталикларни қўллаш керак экан ва улар сифатида энтропия и эркин энергия функциялари қўлланади. Кимёвий жараённи амалга ошириш учун системада заррачар жойлашиш тартиби маълум даражада ўзгариши керак. Системада заррача эҳтимоллиги энг юқори бўлган ҳолатни эгаллашга интилади. Системанинг эҳтимоллик ҳолати микдорий жихатдан термодинамик эҳтимоллик катталиги W билан баҳоланади. Системанинг заррачалари текис тақсимланган ҳолатига эҳтимолликнинг максимал қиймати тўғри келади. Бундай эҳтимоллик системанинг газ ҳолатига тўғри келади. Масалан, сувнинг қайнаш ҳарорати система турган ҳолат ҳароратидан юқорироқ бўлишига қарамай, хона ҳароратида ҳам, сув буғланиб, газсимон ҳолатга ўтади. Демак, ҳар қандай система учун газсимон ҳолатда мавжуд бўлиш эҳтимоллиги, суюқ ва қаттиқ ҳолатлардан юқорироқ бўлади ва термодинамиканинг қонун-қоидаларига биноан бу ҳолат энг қулай хисобланади. Математик нуқтаи назаридан, термодинамик эҳтимолликнинг логарифмланган катталигидан фойдаланиш қулайроқ. Бу катталик *энтропия* дейилиб, S харфи билан белгиланади:

$$S = k \ln W$$

бу ерда k – Больцман доимийлиги.

Демак, энтропия системада заррачалар тартибсизлиги (тарқалганлиги) даражасининг функцияси бўлиб, қаттиқдан суюқ ва газсимон ҳолатларга ўтишда ортиб боради. *Энтропия* сузи грекча энергия «эн» ва ўзгариш «тропе» сўзларидан ташкил типган бўлиб 1850 йилда *Клаузиус* томонидан киритилган. Агар жараён қайтар бўлиб, ўзгармас ҳароратда (изотермик) амалга оширилса, энтропиянинг ўзгариши ютилаётган иссиқлик боғлиқ бўлиб, u қуйидаги тенглама билан ифодаланади:

$$\Delta S = Q/T; \text{ ж } / (\text{К} \cdot \text{моль})$$

Келтирилган тенглама термодинамиканинг иккинчи қонунини математик ифодаси бўлиб қуйидаги кўринишда ёзилиши мумкин:

$$Q = T\Delta S \quad (9)$$

Одатда, моддалар энтропияси стандарт шароит (298 К , $101,325 \text{ кПа}$) да берилади ва стандарт энтропия S° дейилади. Ҳар қандай физикавий ёки кимёвий жараён энтальпия камайиши ($\Delta H < 0$) ва энтропияни ортиши ($\Delta S > 0$)

йўналишида боради. Агар $\Delta S=0$ бўлса, фақат иссиқлик самарадорлиги мусбат булган ($\Delta H<0$) жараёнлар ўз-ўзидан боради. Ажратилган системада эса буни акси яъни, энтальпияси ўзгармас ($\Delta H=0$) фақат энтропияси юқори ($\Delta S>0$) бўлган жараёнларгина ўз-ўзидан боради. Агар системада иккала катталиқ ўзгарса яъни, $\Delta H<0$ ва $\Delta S>0$, жараён йўналишини иккала қийматлар йиғиндисини ҳам инобатга олган ҳолда баҳоланади.

$Q = T\Delta S$ қийматини термодинамиканинг биринчи қонуни тенгламасига қўйилса, тенглама қуйидаги қуйидаги кўринишга келади:

$$T\Delta S = \Delta U + P\Delta V$$

Агар $P = \text{const}$ бўлса иш бажарилмайди ($P\Delta V=0$), у ҳолда ички энергиянинг ўзгариши T ва S кўпайтмасига тенг бўлиб **боғланган энергия** деб номланади. Уни шартли равишда $U_{\text{боғл}}$ деб белгалаймиз, у ҳолда:

$$U_{\text{боғл}} = TS \quad (11)$$

Боғланган энергия система энергиясининг бир қисми бўлиб, у фойдали иш (шу жумладан кимёвий реакция) бажармасдан, ўз-ўзидан борадиган жараёнларда иссиқлик кўринишида тарқалиб кетади. Система энергиясининг қолган қисми эркин энергия G ёки **Гиббс энергияси** дейилади. Системанинг эркин энергияси фойдали иш бажариш учун сарфланади ва қуйидагича аниқланади:

$$G = H - U_{\text{боғл}} = H - TS$$

Одам организми ҳам шунга ўхшаш таризда энергиясининг бир қисмини иссиқлик сифатида йўқотиб юборса, қолган қисмини фойдали иш бажариш учун сарфлайди.

Келтирилган хулосалар тўғри бўлса, қуёш - термодинамик система сифатида - ўз энергиясини қайтмас тарзда иссиқлик сифатида тарқатишни давом эттирса, вақти келиб коинотда ҳаёт тугаши мумкинми деган масала кўтарилди. Агар қуёш энергияси тугаса, Ерда барча жисмлар маълум ўртача ёки паст ҳароратга эга бўлиб, молекулалар ўз тартибсиз ҳаракатини йўқотади ва ҳаёт тугайди. Аммо ҳисоблашларга қараганда, қуёш энергияси ҳозирги тезлик билан сарфлаганда, яна 10^{11} йилга етар экан. Бу муддат эса, қуёш системаси вужудга келганидан бошланган вақтдан 10 баробар кўп экан.

Гиббс энергияси қиймати жуда катта аҳамиятга эга бўлиб айрим жараёнлар, шу жумладан биокимёвий реакциялар йўналишини аниқлашда катта аҳамият касб этади. Ўзгармас ҳарорат ва босимда эркин энергиянинг ўзгариши қуйидаги тенглама:

$$\Delta G = \Delta H - T \Delta S \quad (12)$$

асосида аниқланади ва жараён бориш-бормаслигини ҳисоблайдиган ўлчам бўлиб хизмат қилади. Барча ўз-ўзидан борадиган жараёнлар Гиббс энергиясини камайиши йўналишида бориб, бунда энтальпия қийматини камайиши ($\Delta H<0$) ва энтропия қийматини ортиши ($\Delta S>0$) кузатилади. Стандарт шароитда ΔG^0 нинг қийматини тегишли (бошланғич ва маҳсулот)

моддаларнинг жадвалдан олинган стандарт ҳосил бўлиш энтальпия ва энтропия қийматлари (1-жадвал) ёрдамида ҳисоблаб топиш мумкин. Бунинг учун, системанинг стандарт энтальпияси ўзгаришини қуйидаги:

$$\Delta H^{\circ} = \sum \Delta H^{\circ}_{(\text{махс.м.})} - \sum \Delta H^{\circ}_{(\text{бошл.м.})} \text{ дан}$$

стандарт энтропияси ўзгаришини эса қуйидаги математик ифода ёрдамида

$$\Delta S^{\circ} = \sum \Delta S^{\circ}_{(\text{махс.м.})} - \sum \Delta S^{\circ}_{(\text{бошл.м.})} \text{ дан}$$

ҳисоблаб топиш керак.

Олинган натижалар ва ҳарорат ΔG ни ҳисоблаш формуласига қўйилади ва $\Delta G < 0$ бўлса -жараён ўз-ўзидан қайтмас тарзда боради деган хулоса чиқарилади. Агар $\Delta G = 0$ бўлса – система термодинамик мувозанат ҳолатида бўлади. Агар $\Delta G > 0$ бўлса - жараён термодинамик жихатдан амалга ошиши мумкин эмас.

Гиббс энергиясининг ўзгариши, системанинг энтальпия ва энтропия ўзгариши каби жараённи босиб ўтган йўлига боғлиқ эмас, стандарт Гиббс энергиясининг қийматини қуйидаги тенглама асосида ҳам ҳисоблаб топиш мумкин:

$$\Delta G^{\circ} = \sum \Delta G^{\circ}_{(\text{махс.м.})} - \sum \Delta G^{\circ}_{(\text{бошл.м.})}$$

Шундай қилиб, умумий термодинамик омилларни ҳисоблаб топа билиш, реакцияларни бориш-бормасли, уларнинг йўналиши ва мувозанат шароитларини ўрганишга имконият беради.

4. НАЗОРАТ УЧУН САВОЛЛАР

1. Термодинамик системалар ва параметрлар
2. Ички энергия ва унинг ифодаланиши
3. Термодинамиканинг биринчи қонуни
4. Гесс қонуни ва ундан келиб чиқадиган хулосалар
5. Изобар ва изохор иссиқлик эффектлари ва уларнинг ифодаланиши
6. Моддаларнинг стандарт ҳосил бўлиш ва ёниш иссиқлик эффектлари
7. Термодинамиканинг иккинчи қонуни
8. Энтропия. Стандарт энтропия.
9. Гиббс энергияси.
10. Ўз-ўзидан борадиган жараёнлар ва уларни йўналиш шартлари
11. Эркин энергияни мавжудотнинг қуёш энергияси тугаши билан ҳалокатга учраши мумкинлиги билан қандай боғлаш мумкин?
12. Организмдаги экзо- ва эндо-жараёнлар.
13. Қандай моддалар организмда энергия манбаи бўлиб ҳисобланади?

5. ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР

1. С.С.Қосимова, С.М.Машарипов, К.О.Нажимов. Умумий ва биоорганик кимёдан амалий машғулотлар. «Ибн Сино» нашриёти, Тошкент, 2001.
 2. А.Б. Акбаров. Биоанорганик ва биофизик кимё асослари. «Ибн Сино» нашриёти, Т., 1996, 400 бет.
 3. Равич-Щербо М.И., Анненков Г.А. Физик ва коллоид кимё. «Медицина», Т., 1971, 330 бет.
 4. Х.К. Хакимов, А.З.Татарская, Н.Т.Олимхўжаева. Умумий кимёдан амалий машғулотлар. «Ибн Сино», Т., 1993, 263 бет.
 5. Хамраев А.Д, ва бошқалар .Умумий химиядан лаборатория машғулотлари учун методик қўлланмалар. ТошДавМИ босмох. Т., 1988, 106 бет.
1. Н.Л.Глинка. Умумий кимё. «Кимё нашриёти», 1978, 718 бет.
 2. Н.С.Ахметов. Общая и неорганическая химия. «Высшая школа» нашриёти, М., 1998, б. 197-224

Қўшимча:

1. В.Н.Алексеев. Ярим микрометод билан қилинадиган химиявий сифат анализи курси. «Ўқитувчи» нашриёти, Т., 1976, 624 бет.
2. М.Миркомилова. Аналитик кимё. «Ўзбекистон», Т., 1996, 335 бет.
3. Р.Чанг. Физическая химия с приложениями к биологическим системам. «Мир», М., 1980, 662 бет.
4. Дж.О.М.Бокрис мухаррирлиги остида. Химия окружающей среды. «Химия», М., 1982.

МАЪРУЗА № 3

МАВЗУ: КИСЛОТА ВА АСОСЛИ МУВОЗАНАТ. БУФЕР СИСТЕМАЛАР.

1. МАВЗУНИНГ МАҚСАДИ:

Кўпчилик организмлар, шу жумладан одам организмида муҳим аҳамиятга эга бўлган буфер системалар ҳақида тушунчалар бериш, буфер таъсири механизмини тушинтириб етказиш, Қоннинг буфер системаларини кўриб чиқиш.

2. КўРИЛАДИГАН МАСАЛАЛАР:

- Кислота-асосли мувозанат. РН ҳақида тушунча.
- буфер эритмалар ва уларнинг классификацияси
- буфер эритмаларнинг рНни аниқлаш усуллари
- Гендерсон-Гассельбах тенгламасини келтириб чиқариш
- буфер таъсири механизми
- буфер сиғими


- организмда учрайдиган буфер системалар
- буфер эритмаларнинг тиббиётдаги ахамияти

3. МАЪРУЗАНИГ МАЗМУНИ:


Буфер эритмаларнинг хоссаларини ва уларнинг тиббиётдаги ахамиятини билиш шифокорлар учун муҳим ахамиятга эгадир, чунки буфер эритмалар организмда кислота-асосли мувозанатни сақлаб турувчи омиллардан биридир. Буфер эритмалар ыонда, хужайралар ва хужайралараро суюқликда водород ионининг концентрациясини ўзгармас холда сақлаб туради. Маълумки организмдаги ферментлар ва гормонлар маълум рН дагина юқори фаоллик билан ишлайдилар. Бу жараённи ҳам буфер эритмалар таъминлаб туради.

Кислота ва асосларнинг протолитик назариясига мувофиқ, ўзидан протон ажратадиган ион ёки молекулар кислоталар деб, ўзига протон бириктириб оладиган ион ёки молекулалар эса асослар деб аталади.



Бу назарияга асосланиб, кислота-асосли мувозанат холатини қуйидаги схема билан кўрсатиш мумкин:



Умумий кўринишда:







Шароитга қараб ҳам протони берадиган ҳам бириктириб оладиган моддаларга протолитлар деб аталади. Масалан, сув молекуласи ҳам асос ҳам кислота вазифасини бажариши мумкин.




кислота асос кислота асос

Протолитик назарияга мувофиқ кислоталар ва асослар нейтрал молекула, анионлар ва катионлар кўринишида бўлиши мумкин

Кислоталар Асослар



Сувли эритмада водород иони гидратланган ион гидроксоний иони H_3O^+ кўринишда бўлади. Шунинг учун кислоталарнинг диссоциацияланишини қуйидагича ёзиш мумкин:




Протолитик назарияга мувофиқ нейтраллаш реакцияларида протонлар кислотадан асосга ктади



Яна бу назарияга мувофиқ анионларнинг ҳаммасини асослар дейиш мумкин.

СУВНИНГ ИОНЛАР КОНЦЕНТРАЦИЯСИНИ КЎПАЙТМАСИ

Сув кучсиз электролит бўлиб, у қуйидагича диссоциацияга учрайди:



ёки соддалаштирилган ҳолда $\text{H}_2\text{O} \rightleftharpoons \text{H}^+ + \text{OH}^-$

кўринишида ёзилади. Сувнинг диссоциацияланиш тенгламасига массалар таъсир қонунини татбиқ этсак унинг диссоциация доимийлиги келиб чиқади:

$$K = \frac{[H^+] \cdot [OH^-]}{[H_2O]} = 1,8 \cdot 10^{-16}$$

Сув жуда оз диссоциациялангани учун юқоридаги тенгламани қўйидагича ёзиш мумкин:

$$K \cdot [H_2O] = [H^+] \cdot [OH^-] \quad (1)$$

Суюлтирилган сувли эритмаларда сувнинг концентрацияси ўзгармас бўлади $[H_2O] = 1000/18 = 55,56$ моль/л

Бу қийматни (1) тенгламага қўйсак сув ионлар концентрациясининг кўпайтмаси келиб чиқади

$$K_{\text{сув}} = K[H_2O] = [H^+] \cdot [OH^-] = 1,8 \cdot 10^{-16} \cdot 55,56 = 1 \cdot 10^{-14}$$

$$\text{Демак, } K_{\text{сув}} = [H^+] \cdot [OH^-] = 1 \cdot 10^{-14}$$

Сувнинг ҳар бир молекуласидан битта H^+ ва OH^- ионлари ҳосил бўлганлиги учун:

$$[H^+] = [OH^-] = \sqrt{1 \cdot 10^{-14}} = 1 \cdot 10^{-7}$$

Сувнинг ионлар концентрациясини кўпайтмасидан $[H^+] [OH^-] = K_{\text{сув}}$ фойдаланиб $[H^+]$ ёки $[OH^-]$ ионининг концентрациясини аниқлаш мумкин

$$[H^+] = K_{\text{сув}} / [OH^-] \quad \text{ёки} \quad [OH^-] = K_{\text{сув}} [H^+]$$

ВОДОРОД КЎРСАТКИЧ

Водород ионининг концентрациясини манфий ионли логарифмида олинган қийматига водород кўрсаткич деб аталади

$$pH = - \lg [H^+]$$

Масалан, $[H^+] = 10^{-5}$ моль/л, $pH = -\lg 10^{-5} = 5 \lg 10 = 5 \cdot 1 = 5$

Гидроксид ионининг концентрациясини манфий қили логарифмига гидроксид ионининг кўрсаткичи деб аталади:

$$pOH = -\lg [OH^-]$$

Агарда биз сув ионлари концентрациясининг кўпайтмаси тенгламасини хар икки томонлама логарифмласак:

$$[H^+] [OH^-] = 10^{-14}$$

$$\lg [H^+] + \lg [OH^-] = \lg 10^{-14}$$

Бу тенгламани хар икки томонини (-1) га кўпайтирсак қуйидаги тенгламага эга бўламиз:

$$-\lg [H^+] - \lg [OH^-] = -\lg 10^{-14}$$

билан қуйидаги тенглама келиб чиқади: $pH + pOH = 14$

$$pH = 14 - pOH; \quad pOH = 14 - pH$$

Агарда $pH = 7$ бўлса, реакция мухити нейтрал, $pH < 7$ бўлса реакция мухити кислотали ва аксинча $pH > 7$ бўлса, реакция мухити ишкорий бўлади.

Тирик организм қонидаги pH нинг қиймати 7,36 га тенгдир. Қондаги pH нинг бу қийматини, ўзгармас холда ушлаб туришда бикарбонатли, гемоглобинли, оксигемоглобинли буфер системаларнинг роли каттадир.

Озгина миқдорда кислота ёки асос қўшилганда ва шунингдек суюлтирилганда, ўз мухитини, яъни pH ни ўзгартирмайдиган эритмаларга буфер эритмалар деб аталади. Буфер эритмалар ўзларининг таркибий қисмларга қараб 2та гуруҳга бўлинади.

1. Кучсиз кислота ва унинг кучли асос билан хосил қилган тузидан ташкил топган буфер эритмалар
2. Кучсиз асос ва унинг кучли кислота билан хосил қилган тузидан ташкил топган буфер эритмалар

Амалиётда қуйидаги буфер эритмалар ишлатилади:

$CH_3COOH + CH_3COONa$ - ацетатли буфер эритма

$H_2CO_3 + NaHCO_3$ - бикарбонатли буфер эритма


$\text{NaH}_2\text{PO}_4 + \text{Na}_2\text{HPO}_4$ - фосфатли буфер эритма

$\text{NH}_4\text{OH} + \text{NH}_4\text{Cl}$ - аммиакли буфер эритма

$\text{Pt-COOH} + \text{Pt-COONa}$ - оксилли буфер эритма

БУФЕР ЭРИТМАЛАРНИНГ рНини АНИҚЛАШ. ГЕНДЕРСОН-ГАССЕЛЬБАХ ТЕНГЛАМАСИ.

Буфер эритмаларнинг рН қийматини ҳисоблаш формуласини келтириб чиқаришни ацетатли буфер эритма мисолида кўрамиз. Ацетат буфер эритмасининг таркибий қимлари қуйидагича диссоциацияланади:



Сирка кислотанинг диссоциацияланиши массалар таъсир қонунига бўй синганлиги сабабли, унинг диссоциация доимийсини қуйидагича ёзиш мумкин:

$$K = \frac{C_{\text{H}^+} \cdot C_{\text{CH}_3\text{COO}^-}}{C_{\text{CH}_3\text{COOH}}} \text{ бундан } C_{\text{H}^+} = \frac{K \cdot C_{\text{CH}_3\text{COOH}}}{C_{\text{CH}_3\text{COO}^-}} \text{ хосил бўлади}$$

Сирка кислота кучсиз кислота бўлганлиги учун, унинг диссоциацияланиш даражаси жуда кичик, яъни эритмада диссоциацияланмаган молекулалар миқдори ккп. Бу эритмадаги натрий ацетат Na^+ ва CH_3COO^- ионларга тўла диссоциацияланиб, сирка кислотанинг диссоциацияланишини янада камайтиради, шунинг учун $C_{\text{CH}_3\text{COO}^-} = C_{\text{кислота}}$ деб ёзиш мумкин, у ҳолда

$$\frac{C_{\text{CH}_3\text{COO}^-}}{C_{\text{к-та}}} = \frac{C_{\text{H}^+}}{K} \quad (2)$$

С туз α

Агарда $\alpha=1$ деб олинса С к-та

$$C_{\text{H}^+} = K \frac{C_{\text{CH}_3\text{COOH}}}{C_{\text{CH}_3\text{COO}^-}} \quad (3) \quad (3) \text{ тенгламадаги хар икки томонни } C \text{ туз } \alpha \text{ логарифмлаб унинг икки}$$

томонини (-1)га кўпайтирсак, тенглама қуйидаги ҳолатга келади: $\lg = \lg K_{\text{кис}} + \lg \frac{C_{\text{кис}}}{C_{\text{туз}}}$ ёки $-\lg C_{\text{H}^+} = -\lg K_{\text{кис}} - \lg \frac{C_{\text{кис}}}{C_{\text{туз}}}$

Бу тенгламани ихчамлаб қуйидагича ёзиш мумкин:

$$\text{pH} = \text{p}K_{\text{кис}} + \lg \frac{C_{\text{туз}}}{C_{\text{кис}}} \text{ ёки}$$

$$pH = pK_{\text{кис}} + \lg \frac{C_{\text{туз}} \cdot V_{\text{туз}}}{C_{\text{кис}} \cdot V_{\text{кис}}}$$

Келтирилган тенглама Гендерсон -Хассельбах тенгламаси деб аталади ва бу формуладан фойдаланиб, буфер эритмаларнинг рНни ҳисоблаб топиш мумкин.

Шундай қилиб, буфер системаларнинг рНи олинган туз ва кислота концентрациясига боғлиқ бўлади.

худди шу йўл билан кучсиз асос ва унинг тузидан иборат бўлган буфер эритма учун қуйидаги тенгламани келтириб чиқариш мумкин:

$$[OH^-] = K \frac{C(\text{асос})}{C(\text{туз})}$$


C(асос)

$$pOH = pK + \lg \frac{C(\text{асос})}{C(\text{туз})}$$


C(туз)

БУФЕР ТАЪСИРИНИНГ МЕХАНИЗМИ

Буфер эритмаларнинг рини ўзгартирмай сақлаб туриш хусусияти, уларнинг буфер таъсири механизми деб аталади. Буфер таъсирининг механизми шундан иборатки, буфер эритмага кучли кислота ёки кучли асосни оз миқдори қушилганда, буфер таркибидаги кучли электролит ўрнига кучсиз электролит ҳосил бўлади. Масалан: ацетатли буфер системанинг таркибий қисмларининг диссоциацияланиши натижасида



Қўшилаётган кучли электролит HCl нинг водород ионлари буфер системанинг ацетат ионлари билан боғланиб, кучсиз электролит сирка кислотани ҳосил қилади ва натижада рН қиймати айтарли даражада ўзгармайди:



Оз миқдорда қўшилаётган гидроксид ионлари эритмадаги водород ионлари билан боғланиб сув молекуласини ҳосил қилади:



Бу ҳолда ҳам кучли электролит NaOH ўрнига кучсиз электролит сув ҳосил бўлади ва системанинг рН қиймати ўзгармай қолади.

Аммиакли буфер система буфер таъсирини намоён қилишида HCl қўшганда кучли электролит HCl ўрнига кучсиз электролит H₂O ҳосил бўлади, кучли электролит NaOH ўрнига кучсиз электролит NH₄OH ҳосил бўлади.

Организмнинг буфер системалари

Фосфатли буфер система NaH₂PO₄ + Na₂HPO₄ одам организмнинг хужайра ичи суюқликларининг рН қийматини доимий ушлаб турувчи буфер системадир. У тўқима ва баъзи биологик суюқликлар (сийдик, овқат хазм қилиш ширалари ва б.) ни буферидир. Фосфатларнинг қондаги концентрацияси карбонатларга нисбатан камроқ ва шунинг учун бу буфер системани самаралилиги гидрокарбонатли буфер системага нисбатан паст, умумий қон буфер таъсирини (тахминан 5% ни) ташкил этади. Бу система буфер таъсирини намоён қилишида – кучли электролит HCl ўрнига кучсиз электролит H₂PO₄⁻ ионлари ҳосил бўлади, NaOH қўшганда эса рН қийматига таъсир кўрсатмайдиган сув молекулалари ҳосил бўлади. Бу буфер система ички аъзоларда рН ни нейтрал муҳитга яқин ҳолатда ушлаб туради. Шунингдек бу буфер система қонда эритроцитларнинг рНини доимий сақлашда ҳам иштирок этади.

Гидрокарбонатли буфер система асосан хужайра ташқарисидаги буфердир. У H₂CO₃ + NaHCO₃ (ёки KHCO₃) аралашмасидан ташкил топган бўлиб, қоннинг кучли буфер системасидир. Қоннинг умумий буфер таъсирининг 53% бикарбонатли буферга, 35% зардобга, 18% эритроцитларга тўғри келади. Қонга кучли кислота ёки ишқор тушганда қуйидаги реакция боради:





Масалан, 1 литр қон зардобига 10 мл хлорид кислота қўшилса унинг рН и 7,4 дан 7,2 гача ўзгаради, ваҳоланки шунча миқдордаги хлорид кислота физиологик эритманинг рН қийматини 2,0 гача ўзгартиради. Қондаги HCO₃⁻


кўринишидаги кимёвий боғланган карбонат ангидрид миқдори Қоннинг ишқорий жамғармаси дейилади ва бу миқдор 58-65% ни ташкил қилади.

Оқсилли буфер система организмдаги буфер системалар ичида асосий буфер системалардан биридир, чунки оқсил организмнинг асосий қурилиш бирлиги бўлиб ҳисобланади. Оқсиллар ҳисобига организмни ҳамма хужайралари ва тўқималари маълум буфер таъсирига эга бўлади, масалан, терига тушадиган оз миқдордаги кислота ёки асос тез нейтралланади.


Оқсилли буфер системани қуйидагича ёзишимиз мумкин:



H^+ ионлари ортганда оқсил тузи реакцияга киришади ва оқсил таркибидаги кам диссоциацияланадиган кислота гуруҳи ҳосил бўлади:




Гидроксид ионлари кўпайиб кетса «оқсил кислота» си билан таъсирлашиб туз ва сув молекулалари ҳосил бўлади:







Бунинг устига оксил молекуласини ташкил қилувчи аминокислоталар ўзи амфотерлик хоссасига эга ва бу хосса оксил таркибида ҳам сақланиб қолади:



Кислота таъсирида қуйидагича реакция борса:



Ишқор таъсирида қуйидагига реакция боради:



Юқоридаги буфер системалардан ташқари организм мухитида гемоглоблинли ва оксигемоглоблинли буфер системалар ишлайди. Бу буфер системалар эритроцитлар таркибида рН ни бошқарувчи ситемалардир. Уларни шартли равишда қуйидагича ифодалайдилар:



Гемоглоблинли БС Оксигемоглоблинли БС

Буфер сиғими

Буфер эритмаларнинг рН қийматини сақлаб туриш имконияти чексиз эмас, улар маълум бир миқдор кислота ёки асос қўшилгандан сўнг рН қийматини ўзгартиради. Буфер системаларнинг буферлик хоссаси буфер сиғими билан ўлчанади.

Буфер сиғими деб 1 литр буфер эритманинг рН қийматини бир бирликка ўзгартириш учун қўшиладиган кучли кислота ёки асоснинг моллардаги миқдорига айтилади.

$$B = \frac{C}{pH_1 - pH_0} \text{ моль/л}$$

B - буфер сиғими

C - қўшилган кислота ёки асоснинг миқдори

pH₀ - кислота ёки асос қўшилмасдан олдинги дастлабки водород кўрсаткичи

pH₁ - кислота ёки асос қўшилгандан кейинги водород кўрсаткич.

Буфер сиғими буфер аралашмадаги таркибий қисмларнинг концентрациясига ва бу концентрациялар нисбатига боғлиқ. Ҳар қандай буфер эритманинг буфер сиғими C_{кислота} = C_{туз} ёки C_{асос} = C_{туз} бўлганда энг катта қийматга эга бўлади.

4. НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Сувнинг ионли кўпайтмаси
2. Водород ва гидроксид кўрсаткичлари
3. Турли физиологик суюқликларда рНнинг нормал ҳолатда ва патологияда (касаллик ҳолатдаги) қиймати
4. Буфер эритмалар ва уларнинг организмдаги аҳамияти
5. Буфер эритмаларнинг таснифи
6. Буфер эритмаларнинг рНини аниқлаш. Гендерсон - Гассельбах тенгламаси.
7. Буфер системаларнинг таъсир этиш механизми
8. Буфер сиғими ва уни аниқлаш усуллари
9. Организмда учрайдиган буфер системалар

5. ТАВСИЯ ЭТИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. С.С.Қосимова, С.М.Машарипов, К.О.Нажимов. Умумий ва биоорганик кимёдан амалий машғулотлар. «Ибн Сино» нашриёти, Тошкент, 2001.

2. А.Б. Акбаров. Биоанорганик ва биофизик кимё асослари. «Ибн Сино» нашриёти, Т., 1996, 400 бет.
3. Равич-Щербо М.И., Анненков Г.А. Физик ва коллоид кимё. «Медицина», Т., 1971, 330 бет.
4. Х.К. Хакимов, А.З.Татарская, Н.Т.Олимхкжаева. Умумий кимёдан амалий машғулотлар. «Ибн Сино», Т., 1993, 263 бет.
5. Хамраев А.Д, ва бошқалар .Умумий химиядан лаборатория машғулотлари учун методик Ққлланмалар. ТошДавМИ босмох. Т., 1988, 106 бет.
3. Н.Л.Глинка. Умумий кимё. «Кимё нашриёти», 1978, 718 бет.
4. Н.С.Ахметов. Общая и неорганическая химия. «Высшая школа» нашриёти, М., 1998

Қўшимча:

1. В.Н.Алексеев. Ярим микрометод билан Қилинадиган кимёвий сифат анализи курси. «ҚҚитувчи» нашриёти, Т., 1976, 624 бет.
2. М.Миркомилова. Аналитик кимё. «Узбекистон», Т., 1996, 335 бет.
3. Р.Чанг. Физическая химия с приложениями к биологическим системам. «Мир», М., 1980, 662 бет.

МАЪРУЗА № 4

МАВЗУ: БИОГЕН ЭЛЕМЕНТЛАР КИМЁСИ. s-,p-ВА d-ЭЛЕМЕНТЛАР.

1. МАВЗУНИНГ МАҚСАДИ:

Одам организмида кечувчи модда алмашинуви жараёни кимёвий реакциялар тўплами бўлиб, бу реакцияларда қатнашувчи элементлар биоген элементлар дейилади. Бу элементлардан барча физиологик муҳим аорганик ва органик бирикмалар тузилганлиги учун уларнинг физикавий ва кимёвий хоссаларини, улар концентрациялари билан боғлиқ бўлган физиологик ва паталогик ҳолатларни ўрганиш, бу элементларни етишмовчилиги ва ортиқчалигини бартараф этиш йўллариини ўрганиш, ва уларни ўзида тутувчи тиббий препаратлар билан талабаларни таништириш ушбу маърузани асосий мақсадидир.

2. КЎРИЛАДИГАН МАСАЛАЛАР:

- Ер қатламида кимёвий элементларнинг тарқалганлиги
- макро- ва микроэлементлар ва уларнинг организмидаги миқдори
- биогеохимёвий муҳит ва у билан боғлиқ бўлган касалликлар
- саноат корхоналарида элементлар концентрацияси билан боғлиқ бўлган касб касалликлари

- кимёвий элементларнинг даврий жадвалда жойлашиши ва турларга бўлиниши (s, p, d - элементлар)
- органоген элементлар ва уларнинг организмидаги аҳамияти
- эссенциал элементлар ва «анорганоген» элементлар ҳақидаги маълумотлар
- организмда айрим биоген элементларни етишмовчилиги натижасида келиб чиқадиган касалликлар
- s-, p- ва d-элементларнинг физикавий ва кимёвий хоссалари

3. МАЪРУЗАНИГ МАЗМУНИ

Кимёвий элементларни ер қобиғида тарқалиши. Макро- ва микроэлементлар ва уларнинг одам организмидаги миқдори. Биоген элементлар тўғрисида тушунча. Эссенциал элементлар. «Анорганоген» элементлар. Органоген элементлар. Организмда айрим биоген элементларни етишмовчилиги натижасида келиб чиқадиган касалликлар. Микроэлементлар тўғрисида тушунчалар. Одам организмида айрим биоген элементларнинг топографияси. s-, p- ва d- Элементларнинг физикавий ва кимёвий хоссалари.

Ер қатламида кимёвий элементларнинг тарқалганлиги

Ер юзасида кимёвий элементлар турли миқдорларда учрайди. Ер пўстлоғининг 98 % асосан 8 та элементдан ташкил топган бўлиб 47% (масса бўйича) энг кўп тарқалган кислородли бирикмалар, иккинчи ўринда кремний (29,5 %), ундан кейин алюминий, темир, кумуш, натрий, калий, магний, хлор ва ҳ.к. Ер пўстлоғи асосан кислородли бирикмалардан ташкил топган бўлиб, уларнинг ичида асосан силикатлар, карбонатлар, сульфидлар, сульфатлар ва бошқалардир.

Макро- ва микроэлементлар ва уларнинг организмидаги миқдори

110 дан ортиқ маълум бўлган элементлардан 80 дан кўпроғи тирик организмнинг ҳаёт фаолиятида қатнашади. Масалан қонда – 30 дан ортиқ элементлар борлиги аниқланган. Суякларда ҳам 30 га яқин, сут ва сут маҳсулотларида эса 20 дан ортиқ элементлар аниқланган.

Организмда маълум бўлган элементлардан 19 тасисиз ҳаёт мавжуд бўла олмайди. Биосистемаларда мавжуд бўлган бта элемент (водород, углерод,

азот, кислород, фосфор ва олтингугуртлар) жуда катта аҳамиятга эга бўлиб, улар органиноген элементлар деб аталади.

Органоноген элементлар оксиллар, нуклеин кислоталар, аминокислоталар таркибига кириб, ердаги ҳаёт жараёнининг асосини ташкил этади. Қолган 12та элемент (натрий, магний, кальций, марганец, темир, кобальт, мис, рух, хлор ва йодлар) организмнининг ҳаётини жараёнида фаол иштирок этади. Бу 12та элементни 10таси металлар бўлиб, уларни «ҳаётини металлар» ёки биометаллар деб номланади. Бу металларнининг тирик организмдаги фаолиятини ўрганиш биоанорганик кимё фанинининг асосий вазифасидир. Бу 10та металлдан 6 таси организмда кўп миқдорда учрайди. Кальций (1700 г.), калий (250 г.), натрий (70 г.), магний (42 г.), темир (5 г.), рух (3 г.) миқдорда учрайди. Қолган тўрттаси камроқ миқдорда учрайди.

Одам организмидига кимёвий элементлар шартли равишда 3га бўлиб ўрганилади.

Биринчи гуруҳ макроэлементлар деб аталади. Бу гуруҳга О, С, Н, Са элементлари киради. Бу элементлар хужайралар таркибининг 96,3 фоизини ташкил этиб, нуклеин кислоталар, карбон сувлар, ёғ, оксил молекулаларнининг ҳосил бўлишида актив иштирок этади.

Иккинчи гуруҳга одам аъзоларидаги миқдори 0,01 фоиздан то 1,0 фоизгача бўлган яна бта элемент (К, Na, Cl, S, Mg, Fe) киритилиб улар олигобионоген элементлар деб аталади.

Учинчи гуруҳ микробионоген элементлар деб аталиб, бу гуруҳга одам танасидаги миқдори 0,01 фоиздан кам бўлган бионоген элементлар киритилган. Бундай микробионоген элементлардан 15 таси (темир, иод, мис, рух, кобальт, хром, молибден, никель, ванадий, селен, марганец, маргимуш, фтор, кремний, литий)

Организм учун ҳаётини зарур бўлган элементлардир. Бу элементлар эссенциал элементлар деб аталади. Бу элементларсиз организм на ўса олади, на ривожлана олади, на ўз ҳаёт фаолиятини тўхта олади. Ўзгарувчан валентликка эга бўлган элементлардан 5 таси (рухдан ташқари) комплекс бирикмалар ҳосил қилиш хусусиятига эга бўлган (Mn, Co, Cu, Mo) элементлардир. Бу элементлар оксил моддалар билан биргаликда металлоферментлар, металлопротеидлар таркибига киради.

Ҳозиргача маълум бўлган 760 га яқин ферментлардан чораги металлоферментлардир.

Биоген элементлар табиатда у ёки бу худудда тарқалганлиги бўйича биогеокимёвий мухитларни ташкил қилади. Бу мухит билан боғлиқ бўлган касалликлар эндемик касалликлар турига киради. Масалан, иод етишмовчилиги билан бўқоқ касаллиги, фтор ортиқчалиги билан флюороз, стронций ортиқчалиги билан стронцийли рахит касалликлари боғлиқ. Атрофи мухитда элементлар тарқалган концентрацияси билан боғлиқ бўлган касалликларнинг яна бир тури касб касалликлари дейилади. Бу касалликларга атрофи мухитни муҳофазалаш масалалари ечилмаганлиги олиб келади. Масалан кўмир қазувчиларда – антракоз, алюминий ишлаб чиқариш саноатида – алюминоз, шиша, ғишт ишлаб чиқариш (силикат) саноатида силикоз касаллиги ривожланиши кузатилади.

Биоген элементларнинг даврий жадвалда жойлашган ўрнига кўра s,p,d-турларга бўлиб кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

s-Элементлар, улар бирикмаларининг тиббиётдаги аҳамияти ва кўлланилиши

Ташқи электрон қавати s- электронлар билан тугалланадиган элементлар s- элементлар дейилади. s- Элементлар даврий жадвалнинг биринчи ва иккинчи гуруҳларининг асосий гуруҳчааларида жойлашган. Уларнинг валент электронлари s- электронлардир. IA гуруҳдаги элементларнинг Узига хос хусусиятлари шундаки, уларнинг ташқи электрон қаватида биттадан s- электрон бўлиб, ундан олдинги электрон қавати мустаҳкам электрон қаватдир.

Ишқорий металл ионларининг заряди кичик ва радиуси катта бўлганлиги учун уларнинг комплекс ҳосил қилиш қобилияти кам бўлади. Иккинчи гуруҳ s- элементлари – Be, Mg, Ca, Sr ва Ba дир. Бу элементларнинг катионлари бир валентли элементлар катионларига нисбатан юқори кутбланиш хоссасига эга.

Mg^{2+} , Ca^{2+} , Sr^{2+} ва Ba^{2+} катионларининг тузлари гидролизга жуда кам учрайди (хлорид ва нитратлари ва $MgSO_4$ дан ташқари). Гидроксидларининг асослик хослари ва уларнинг эрувчанлиги $Mg(OH)_2$ дан $Ba(OH)_2$ га қараб ортиб боради. Бу катионлар учун оксидланиш-қайтарилиш реакциялари хос эмас, чунки бу катионлар ўзгармас оксидланиш даражасига эга.

Аъзоларда доимий равишда сақланадиган s- элементлардан натрий, калий, магний, кальцийларнинг аҳамияти кўпроқ ўрганилган. Улар модда алмашинувида иштирок этади, биологик фаол бирикмалар (ферментлар, гормонлар, витаминлар ва бошқалар) нинг таркибига киради. Элементлар концентрациясининг аъзолардаги ўзгариши, яъни элементларнинг етишмаслиги ёки ортиқчалиги хаёт фаолиятига салбий таъсир кўрсатади. Натрий ионлари организмда сувни бир меъёрда ушлаб турилишини таъминлайди. Натрий тузлари хужайраларда осмотик босимни доимийлигини сақлашда ва ферментларнинг иш фаолиятига таъсир этади. Натрий хлорид меъда шираси таркибидаги хлорид кислота учун хлорнинг манбайи бўлиб хизмат қилади. Натрий бикарбонат бикарбонатли буфер системага кириб, хужайралардан ташқари суюқликларда кислота-асосли мувозанатни сақлашда катта аҳамиятга эга.

Натрийнинг кўпгина бирикмалари тиббиётда қўлланади:

NaCl – ош тузи тиббиётда изотоник ва гипертоник эритмаларни тайёрлаш учун ишлатилади. Унинг 0,86 – 0,9 % ли эритмаси физиологик эритма дейилади ва кўп қон йўқотилганда йўғон қон томирига юборилади. 3-10 % ли эритмаси эса гипертоник эритма сифатида яраларни даволашда ишлатилади.

$\text{Na}_2\text{SO}_4 \cdot 10 \text{H}_2\text{O}$ – глаубер тузи сурги дори сифатида ишлатилади

NaI ва KI гипертиреоз, нафас олиш йўллариининг яллиғланиши, бронхиал астма касалликларини даволашда ишлатилади.

NaHCO_3 нинг 0,5 – 2 % ли эритмаси шамоллашда, конъюнктивитда, лларингитда, оғизни чайиш, компресс қилиш ва нафас йўллариини ингаляция қилишда ишлатилади.

Калий. Натрий билан биргаликда калий ионларининг концентрациясини доимийлиги осмотик босимни доимий сақланишининг омили хисобланади. Шунингдек калий қонда, мушакларда маълум миқдорда сақланади ва мушакларнинг қисқаришини бошқаришда иштирок этади. Калийнинг етишмовчилиги юрак фаолияти бузилишига олиб келади. Унинг етишмовчилиги кўп қон йўқотишда, организмдан кўп суюқлик чиқиб кетишида кузатилади. Бундай холларда калий препаратлари, шу жумладан KCl физиологик эритмаси ишлатилади.

Кальций бирикмалари одам ва ҳайвонларнинг ҳамма аъзоларида учрайди. Сут ва сут маҳсулотлари, сабзаватлар ўз таркибида кўп миқдорда кальций

сақлайди. Кальций етишмовчилиги юрак фаолиятининг бузилишига, конивиши жараёнига суяклар ва тишлар фаолиятига салбий таъсир кўрсатади. Бу холат суякларнинг мўртлашишига (остеопароз) тишларнинг чиришига (кариес) олиб келади. Унинг етарли даражада ўзлашмаслиги қондаги миқдори ортиб кетиши (гиперкальциноз) га олиб келади.

Кальций бирикмаларидан CaO дезинфекцияловчи модда сифатида, CaCO_3 кислоталарни адсорбцияловчи ва нейтралловчи модда сифатида, $\text{CaCl}_2 \cdot 6\text{H}_2\text{O}$ бронхиал астма ва сил касалликларини даволашда, кальций глюконат аллергияга қарши ишлатилади.

Магний модда алмашинувида, карбонсувлар метаболизми ва мушакларнинг қисқаришида иштирок этади, суякларда кальций билан биргаликда уларнинг мустаҳкамлигини таъминлайди. Магнийнинг организмда ўзлашиши D-витамини билан боғлиқ бўлади. Унинг етарли даражада ўзлашмаганлиги суякларнинг қийшайиши билан кечадиган рахит касаллигига олиб келади.

Магний бирикмаларидан тиббиётда $\text{MgSO}_4 \cdot 7\text{H}_2\text{O}$ – (инглиз тузи) меъда касалликларини даволашда, гипертония касалликларини даволашда қўлланади.

Стронций ва барий бирикмалари одам организми учун заҳарли ҳисобланади. Аммо кислота ва асосларда эримайдиган BaSO_4 тузи (барийли бўтқа) меъда-ичак йўллари ренгеноскопия қилишда ишлатилади. Стронцийнинг радиактив изотопи онкологияда қўлланади.

р- Элементлар. Уларнинг бирикмаларини тиббётдаги аҳамияти ва қўлланиши

Ташқи энергетик қаватининг тўлиши р- электронлар билан яқунланадиган элементлар р- элементлар дейилади. 30 та р- элементдан 22 таси металл, 13 таси (Se, В, N, С, О, F, Si, P, S, Cl, As, Br, I) биоген элементлар ва 5 таси (N, С, О, S, P) органогенлар туркумига киради. р- Элементлар атомларининг ташқи қаватида 2 та s-электрон ва 1 тадан 6 тагача р- электронлари бўлиб, энг юқориси гуруҳ рақамига тенг бўлган турли ҳил оксидланиш даражасини намоён қилади. Шунинг учун улар оксидланиш-қайтарилиш реакцияларида кўп қатнашади. Катион ҳосил қиладиган р- элементларда (Bi, Pb, Sn) комплекс ҳосил қилишга моиллиги сезилади.

p- Элемент – органогенлар тирик организмларда алоҳида муҳим вазифани бажаради. Улар макроэлементлар қаторидан ўрин олган. Бу элементлар барча протеин ва нуклеин кислоталар таркибига киради. Хлор олигобиоген элементлар қаторидан. Қолган p-элементлар Se, B, F, Si, As, Br, I жуда оз миқдорда, яъни микроэлементлар сифатида бўлади, лекин бу элементлар организм фаолиятида жуда муҳим ҳисобланади.

Углерод – барча органик моддаларнинг асосидир. Аноорганик бирикмаларида унинг оксидлари CO ва CO₂ ортиқча миқдорда организм фаолиятигага салбий таъсир этувчи моддалардир. CO (бўғувчи газ) кўмирнинг чала ёнишида ҳосил бўлиб, унинг билан организм захарланганида қонда оксигемоглобинни ўрнига ҳосил бўлиб нафас олишни тўхтатиб қўяди. Карбоксигемоглобин оксигемоглобиндан 12 баробар ортиқ тезлик билан ҳосил бўлиб, парчаланиши жуда қийин кечади. Ундан организмни тозалаш учун кислород концентрацияси кўп бўлган ҳаво билан нафас олдириш керак бўлади. CO₂ метаболизм жараёнида органик моддаларнинг оксидланиш маҳсулоти сифатида ҳосил бўлади. Унинг метаболизмдаги ўз ўрни бор бўлиб, лекин ҳаводаги концентрацияси ошиб кетса нафас олиш қийинлашиб, захарли таъсир этиб, ҳатто ўлимга ҳам олиб келиши мумкин. Углерод (кўмир) билан ҳам захарланиш мумкин. Кўмир қазувчиларда кўмир куқунидан касб касаллиги антракоз кузатилиши мумкин.

Азот – оксил, нуклеин кислота, АТФ ва бошқалар таркида организмда бўлади. Бу модда кислород билан биргаликда ҳаво таркибида бўлиб кислороднинг оксидловчи хоссасини босиб туради. Унинг оксидларидан N₂O (кулдирувчи газ) наркоз таркибида ишлатилади. NO ва NO₂ ёқилғи ёнганда ёнаки маҳсулот сифатида ҳосил бўлади. Уларнинг концентрацияси табиатни муҳофаза қилиш ташкилотлари томонидан доимо назорат остида бўлади. Кўп миқдорда бу оксидлар нафас йўллари яллиғланиша, организмни захарланишига олиб келади.

Фосфор организмда 1,16 % ни ташкил қилиб, суяк, тишлар таркибида кўп миқдорда бўлади. Фосфат иони АТФ, РНК, ДНК ва фосфолипидлар, фосфатли буфер система таркибига киради.

Кислород – нафас олишнинг асосий элементи. У барча тўқималарни ташкил қилувчи органик моддалар таркибида бўлади. Тоза кислород ҳам тиббиётда ишлатилади: кислородли кўпик, кислород ёстиқчалари, барокамераларда.

Кислородни барокамераларда нафас олишни енгиллаштириш учун ишлатилиши оксидбаротерапия деб номланади.

Олтингугурт – организмда оксил таркибида бўлади. Оксил алмашинувининг охириги маҳсулотлари сифатида организмдан эркин холда ажраб чиқади. У терида оксил ва ёғлар алмашинувида иштирок этади. Олтингугурт бирикмалари дезинфекцияловчи хусусиятга эга. Эркин олтингугурт, натрий тиосульфат, водород сульфид оз микдорда тери касалликларини даволашда, водород сульфидли сувлар ошқозон ва ичак яраларини даволашда ижобий натижалар беради.

Фтор – тоғ жинсларида, тупроқда, денгиз сувларида, ҳавода, ҳайвон тўқималарида ва ўсимликларда учрайди. У тишнинг эмаль қоплами таркибига киради. Етишмовчили кариесга, ортиқчалиги эндемик касаллик флюорозга олиб келади.

Хлор - ўсимлик ва ҳайвон организмлари учун ҳаётий зарур элемент ҳисобланади. У кўпчилик холларда хлорид кислота тузлари сифатида учрайди. NaCl – ош тузи организмга озиқ-овқатлар орқали келиб тушади. Организмнинг бир кунлик талаби – 4-8 граммни ташкил қилади, ошқозонда HCl ҳосил бўлишида иштирок этади. Унинг 0,9% ли эритмаси қонга физиологик эритма сифатида куйилади.

Бром- унинг биологик аҳамияти кам ўрганилган, лекин баъзи бирикмалари, бромнинг асаб системасига тинчлантирувчи таъсир кўрсатганлиги сабабли, тиббиётда ишлатилади. Масалан NaBr ва KBr лар тиббиётда тинчлантирувчи восита сифатида қўлланади. Аммо кўп микдорда бромнинг бирикмалари захарли.

Иод – организмда кам бўлишига қарамасдан энг асосий микроэлементлардан ҳисобланади. У қалқонсимон без ишлаб чиқарувчи гормон тироксинни учиодтироксинга айланишида иштирок этади. Унинг етишмовчилиги бўқоқ касаллигига олиб келади. Эркин иод дезинфекциялаш хусусиятига эга. Унинг спиртли эритмаси очик яраларни ювишда ишлатилади. Иод етишмовчилиги бартараф этиш учун унга бой озиқ-овқатлар (ёнғоқнинг яшил бўстлоғи, хурма, денгиз ўсимликлари) истеъмол қилиниши ва иод сақловчи препаратлар ишлатилиши тавсия этилади.

d- Элементлар. Уларнинг бирикмаларини тиббиётдаги аҳамияти ва қўлланиши

Ташқи электрон қаватида 1та ёки 2 та s- электрон тутиб, ва охириги навбатда охиридан битта бериги орбитали d- электронлар билан тўлиб борадиган элементлар d- элементлар дейилади. Даврий жадвалда d- элементлар барча гуруҳларни қўшимча гуруҳчасини эгаллайди. d- “электронларнинг сони 1тадан 10тагача бўлиши мумкин. Бирикмаларида улар +1 дан ўзи жойлашган гуруҳ номерига тенг бўлган энг юқори оксидланиш даражасини намоён қилиши мумкин. Бу элементлар ҳаммаси металл хусусиятини намоён қилади. Оксидланиш даражасини кенг қўламда ўзгариши уларнинг оксидланиш-қайтарилиш реакцияларига моиллигини намоиш этади. Бўш орбиталлари мавжудлиги, уларни комплекс ҳосил қилиш хоссаларини тушинтириб беради.

d- Элементлар одам организмида жуда кам миқдорда сақланади, яъни микроэлементлар қаторидан ўрин олган. Шунга қарамай уларнинг биологик аҳамияти жуда катта. Бу элементлар металлоферментлар таркибида бўлиб биобошқарувчилар қаторида муҳим ўринни эгаллайди.

Мис - элементи оксиллар билан комплекс бирикмалар ҳосил қилади. Мис гемоглобин ҳосил бўлишида иштирок этади. Унинг етишмовчилиги анемияга олиб келади. Миснинг ортиқчаси жигарда тўпланиши Вильсон касаллигига олиб келади. Тиббиётда бирикмаларидан $\text{CuSO}_4 \cdot 5 \text{H}_2\text{O}$ (мис купороси) кучсиз дезинфекцияловчи сифатида қўлланади. Умуман олганда мис бирикмалари заҳарли.

Кумуш – табиатда туғма ҳолда ҳамда бирикмалар таркибида учрайди. Унинг препаратлари бактерицид хусусиятга эга. Кумуш ионлари сувдаги микробларни ўлдиради ва шунинг учун ундан ясалган электродлар сувни тозалаш учун ишлатилади. Кумуш нитрат (ляпис) тери куйдириш хоссасига эга ва у йирингли яраларни даволаш учун ишлатилади.

Рух – муҳим ферментлар таркибига киради, нуклеин кислоталар алмашинувида, оксилларнинг синтезида иштирок этади. У қон айланиш жараёнига, оксил ва ёғларнинг оксидланиш-қайтарилиш жараёнларида Организмдаги энергия алмашинувида таъсир этади. Рух сақловчи ферментлар ўсиш, кўпайиш жараёнларини бошқаради. Рух етишмовчилигида паст бўйлик (нанизм) ва ортиқчалигида бўйнинг ўта ўсиб кетиши (гигантизм) касаллиги кузатилади.

Марганец. Одам организмнинг $1,7 \cdot 10^{-5}$ % ни (масса бўйича) марганец ташкил этади. Марганец ўпкада, мускулларда, жигарда, миянинг кулранг моддасида йиғилади. Организмга марганец ўсимликлардан тайёрланган озиқ-овқат маҳсулотлари орқали ўтади. Одамнинг марганецга бўлган эҳтиёжи бир кечаю-кундузда 8 мг на тенгдир. Марганец ўсимликларда, айниқса қизил лавлаги, помидор, нўхот, ловия ва картошка таркибида учрайди.

Mn қон таркибидаги қанднинг миқдорини камайтиради, бу эса диабет касаллиги билан оғриган беморларни ҳолатига ижобий таъсир кўрсатади. Бундан ташқари марганец липотроп таъсиротига эга бўлганлиги сабабли атеросклероз касаллигини ривожланишини сусайтиради.

KMnO₄ - калий перманганат медицинада кўп ишлатиладиган модда бўлиб, шифокорлар уни «марганцовка» деб аталади. У антисептик модда сифатида оғиз ва томоқни чайқаш, сийдик йўллари касалликларида ва гинекологияда ювиш учун ҳамда куйган жойларга суртиш, алкалоид, цианид кислотаси, фосфор билан захарланганда ошқозонни ювиш учун ишлатилади. KMnO₄ нинг 1% ли эритмаси илон, чаён, қорақурт чаққанда 2-3 мл тери остига юборилади ва нимтатир эритмаси билан ванна қилинади.

Темир - организмда Fe²⁺ ва Fe³⁺ катионлар ҳолида учрайди. Темирнинг физиологик вазифаси шундан иборатки, у нафас олиш ферменти гемоглобин ва миогемоглобин таркибига киради. Тўқималарни, организмни кислород билан таъминлаш вазифасини ўтайди, организмда қон ишлаб чиқарувчи аъзолар фаолиятини бошқаради. Темир етишмовчилиги анемия касаллигига олиб келади. Организмдаги темирнинг умумий миқдори 4 г дан 7 г гача бўлади.

Симоб - ўта захарли суяқ металл. Унинг захарловчи хусусияти ҳам унинг шу учувчанлиги билан боғлиқ бўлади. Симоб ишлатиладиган босим берувчи асбоблар, тана ҳароратини ўлчаш учун ишлатиладиган термометр ўзида симоб сақлайди. Бу асбоблар билан ишлашда эҳтиёткорлик талаб этилади. Симоб мияда, жигарда тўпланиб қолиши мумкин.

Кобальт — Co²⁺ катиони муҳим оксилларнинг молекуласига киради, айрим ферментларнинг фаоллигини оширади. Co³⁺ иони комплекс бирикма ҳолатида B₁₂ витамини таркибида бўлади.

Шундай қилиб биоген элементларни ўрганиш одам организми фаолиятини тўлиқ тушиниб етишга имконият беради. Уларни тутган

препаратларнинг таъсирини ўрганиш учун бу элементларни кимёвий, яъни сифат реакциялари амалиёт дарсларида кўрилади.

4. НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Биоген элементлар деб қандай элементларга айтилади?
2. Биоген макроэлементлар
3. Олиго-, микробиоген элементлар
4. Эссенциал элементлар
5. Ноорганоген элементлар
6. Биоген элементларни организмда етишмаслиги натижасида келиб чиқадиган касалликлар. Микроэлементозлар.
7. s- Элементларнинг тиббиётдаги аҳамияти
8. p- Элементларнинг тиббиётдаги аҳамияти
9. d- Элементларнинг тиббиётдаги аҳамияти

5. ТАВСИЯ ЭТИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. С.С.Қосимова, С.М.Машарипов, К.О.Нажимов. Умумий ва биоорганик кимёдан амалий машғулотлар. «Ибн Сино» нашриёти, Тошкент, 2001.
2. А.Б. Акбаров. Биоорганик ва биофизик кимё асослари. «Ибн Сино» нашриёти, Т., 1996, 400 бет.
3. Равич-Щербо М.И., Анненков Г.А. Физик ва коллоид кимё. «Медицина», Т., 1971, 330 бет.
4. Х.К. Хакимов, А.З.Татарская, Н.Т.Олимхўжаева. Умумий кимёдан амалий машғулотлар. «Ибн Сино», Т., 1993, 263 бет.
5. Хамраев А.Д, ва бошқалар .Умумий химиядан лаборатория машғулотлари учун методик кўлланмалар. ТошДавМИ босмох. Т., 1988, 106 бет.
1. Н.Л.Глинка. Умумий кимё. «Кимё нашриёти», 1978, 718 бет.
2. Н.С.Ахметов. Общая и неорганическая химия. «Высшая школа» нашриёти, М., 1998.

Кўшимча:

1. В.Н.Алексеев. Ярим микрометод билан қилинадиган химиявий сифат анализи курси. «Ўқитувчи» нашриёти, Т., 1976, 624 бет.
2. М.Миркомилова. Аналитик кимё. «Ўзбекистон», Т., 1996, 335 бет.
3. Р.Чанг. Физическая химия с приложениями к биологическим системам. «Мир», М., 1980, 662 бет.
4. Дж.О.М.Бокрис мухаррирлиги остида. Химия окружающей среды. «Химия», М., 1982.

МАЪРУЗА № 5

МАВЗУ: КОМПЛЕКС БИРИКМАЛАР. КОМПЛЕКС БИРИКМАЛАРДАГИ КИМЁВИЙ БОҒЛАРНИНГ ТАБИАТИ.

1. МАВЗУНИНГ МАҚСАДИ:

Организмда фаолият кўрсатадиган ферментларнинг 700 таси металлоферментлар ҳисобланади. Улар кимёвий табиати бўйича комплекс бирикмалардир. Шунинг учун ферментлар таъсирини ўрганишда талабалар комплекс бирикмаларнинг тузилиши ва хоссалари ўрганишлари керак. Организм бирон бир металл таъсирида захарланганда, уларнинг ионларини комплекс ҳолатига ўтказиб чиқариб юбориш, захарланишдан даволашнинг асоси бўлади. Комплекс ҳосил қилиш реакцияларини ўрганиш бу ишни самарали ўтказиш учун пойдевор яратади. Комплекс бирикмалар тузилишини ва шундан келиб чиққан ҳолда уларнинг хоссаларини кўриб чиқиш комплекс бирикмаларни ҳосил бўлишида ҳосил бўлган кимёвий боғ табиатини ўрганишга зарурият туғдиради.

2. КЎРИЛАДИГАН МАСАЛАЛАР:


- комплекс бирикмаларнинг таркибий қисмлари ва уларнинг қурилиши, номенклатураси
- комплекс бирикмаларнинг таснифи, экзоген ва эндоген комплекслар
- комплекс бирикмаларнинг эритмаларидаги қайтар жараёнлар, комплекс бирикмаларнинг қарорлилик ва қарорсизлик доимийлиги
- ички комплекс бирикмалар, хелатлар
- комплекс бирикмаларнинг тиббиёт амалиётидаги аҳамияти, биокомплекслар ва уларни турли касалликларни даволашда қўлланилиши
- d-элементлар комплекс ҳосил қилувчи сифатида
- комплекс бирикмаларда донор-акцептор боғ
- комплекс бирикмаларда координацион боғлар
- комплекс бирикмаларининг фазовий тузилиши

3. МАЪРУЗАНИНГ МАЗМУНИ


Комплекс бирикмалар тўғрисида умумий тушунчалар. А.Вернернинг координацион назарияси. Комплекс бирикмаларнинг таснифи. Ички комплекс бирикмалар. Хелатлар. Комплекс бирикмаларнинг номенклатураси. Комплекс бирикмаларнинг изометрияси. Геометрик дистранс изомерия.

Гидрат изомерияси. s-, p-, d- элементларнинг комплекс бирикма ҳосил қилиш хусусияти. Комплекс бирикмаларнинг қарорлилик ва қарорсизлик константалари. Биологик актив комплекс бирикмалар. Экзоген ва эндоген комплекслар.

AgNO_3 ва KCN эритмалари бир бири билан эквимолекуляр нисбатда аралаштирилса, натижада чўқма ҳосил бўлади:



Лекин KCN дан кўпроқ олинса ҳосил бўлган чўқма эриб кетади ва унинг ўрнига мураккаб тузилишли ион тутган бирикма ҳосил бўлади:



Агар кумуш ёки цианид ионига сифат реакциясини ўтқизсак, бу ионлар эритмада ёқлиги маълум бўлади, чунки энди эритмада улар ўрнига комплекс ион ҳосил бўлган.

Диссоциацияланганда мусбат ёки манфий зарядли мураккаб комплекс ион ҳосил қиладиган, мураккаб молекуляр бирикмаларга комплекс бирикмалар дейилади. Ёзирги замон комплекс бирикмаларнинг қурилиш назарияси швед олими А.Вернернинг координацион назариясига асосланган.

Координацион назария қуйидаги ҳолатлардан иборат:

1. Комплекс бирикмаларда марказий ўринни, комплекс ҳосил қилувчи мусбат зарядланган ион (кўп ҳолларда металл иони) эгаллайди.
2. Марказий комплекс ҳосил қилувчи ион атрофида қарама-қарши зарядли ионлар ёки кутбли молекулалар - лиганд (аддентлар) жойлашган бўлади.
3. Марказий комплекс ҳосил қилувчи ион ва лигандлар комплекс бирикманинг ички сферасини ташкил этиб, бирикма формуласини ёзишда квадрат қавс ичига олиб ёзилади. Қавс ташқарида манфий ёки мусбат зарядли ион ёзилиб, ташқи сфера деб аталади.

Масалан, $\text{K}_3 [\text{Fe} (\text{CN})_6]$ - молекуласида комплекс ҳосил қилувчи марказий ион Fe^{3+} , лиганд - CN , ички сфера $[\text{Fe} (\text{CN})_6]^{3-}$ иони, ташқи сферани K^+ -иони ташкил этади.

Д.И.Менделеев даврий системасидаги d-элементлар (Ag^+ , Au^+ , Fe^{2+} , Fe^{3+}) ва бошқалар типик комплекс ҳосил қилувчи элементлардир. Лиганд вазифасини манфий зарядли ионлар (OH^- , CN^- , NO_2^- , CNS^-) ва кутбли зарядсиз молекулалар (NH_3 , H_2O ва бошқалар) ташкил этади. Комплекс ҳосил

қилувчи ионга боғлиқ бўлган ва лигандлар сонини кўрсатувчи қиймат - координацион сон деб аталади.

Демак, комплекс бирикманинг формуласини ёзиш учун қуйидагиларни билиш керак:

- а) комплекс ҳосил қилувчи ионнинг зарядини
- б) лиганднинг зарядини
- в) координацион сонни
- г) ташқи сферадаги ионларни ва уларнинг зарядини


Комплекс бирикмада ички сферанинг заряди уни ташкил қилувчи марказий атом ва лигандлар зарядлари йиғиндисига тенг бўлади. Ташқи сфера ионларининг зарядлари_нинг йиғиндиси ички сфера зарядига абсолют жиҳатдан тенг ва ишораси билан қарама-қарши бўлади. Агар ички сфера заряди нолга тенг бўлса, яъни зарядсиз бўлса, у ҳолда ташқи сфера бўлмайди. Марказий атом билан боғланган лигандлар сони комплекс ҳосил қилувчининг координацион сони дейилади. Элементларнинг асосий валентлиги кўпчилик ҳолатда оксидланиш даражаси билан мос келади. Координацион сони эса кўшимчи валентлиги дейилади.

Координацион сон - комплекс ҳосил қилувчи марказий атомнинг радиусига, бўш орбиталлар сонига, лиганднинг табиатига ва комплекс бирикманинг ҳосил бўлиш шароитига боғлиқ бўлган қийматдир.

Айрим комплекс ҳосил қилувчи ионлар учун характерли координацион сонларини қуйида келтирамиз:

1. $\text{Ag}^+, \text{Au}^+, \text{Cu}^+ = 2$
2. $\text{Cu}^{2+}, \text{Hg}^{2+}, \text{Pt}^{2+}, \text{Gd}^{2+} = 4$
3. $\text{Fe}^{2+}, \text{Fe}^{3+}, \text{Co}^{3+}, \text{Ni}^{2+}, \text{Al}^{3+}, \text{Cr}^{3+}, \text{Zn}^{2+}, \text{Pt}^{4+} = 6$


Координацион соннинг КС қиймати кўпчилик ҳолларда комплекс бирикма молекуласининг тузилишини ҳам белгилаб беради. Кўпинча КС = 2 бўлса молекула чизиксимон тузилишга эга бўлади:




КС = 3 бўлган бирикмалар кам учрайди, улар ясси уч бурчак тузилишли бўлади. КС = 4 бўлган бирикмалар жуда кўп. Улар квадрат ёки тетраэдр шаклини беради.

КС = 5 бирикмалар пирамида тузилишига, КС = 6 бўлганлари эса октаэдр тузилишига эга бўлади:

KOMPLEKS BIRIKMALARNING FAZOVIY SHAKLLARI



- Yassi kvadrat (KS=4)



- Tetraedr (KS=4)

KOMPLEKS BIRIKMALARNING TASNIFI.

Амалада комплекс бирикмаларнинг 2 хил таснифи кўрилади:

1. Комплекс бирикмалар, комплекс бирикмалардаги лигандларнинг турига қараб қуйидаги синфларга бўлинади:


а) комплекс бирикмада лигандлик вазифасини гидроксид гуруҳи бажарса, бундай комплекс бирикма гидроксикомплекс деб номланади.



б) комплекс бирикмада лигандлик вазифасини аммиак бажарса, бундай комплекс бирикма аминокомплекс деб номланади:




в) комплекс бирикмада лигандлик вазифасини кислота қолдиқлари бажарса, бундай комплекс бирикма ацидокомплекс деб номланади.



г) комплекс бирикмада лигандлик вазифасини сув бажарса, бундай комплекс бирикма аквокомплекс деб номланади.




д) комплекс бирикмада лигандлар бир неча хил бўлса, бундай комплекс бирикма аралаш комплекс бирикма деб номланади.



2. Комплекс бирикмалар комплекс ионнинг зарядига қараб учта синфга бўлинади:

а) комплекс бирикмада ички сферанинг заряди манфий бўлса, бундай комплекс бирикма катионли комплекс деб аталади, масалан:



б) комплекс бирикмада ички сферанинг заряди мусбат бўлса, бундай комплекс анионли комплекс деб аталади, масалан:



в) ташқи сфераси бўлмаган комплекс бирикмалар нейтрал комплекс деб аталади, масалан:



КОМПЛЕКС БИРИКМАЛАРНИНГ НОМЛАНИШИ

Комплекс бирикмаларнинг номланиши тривиал ва систематик номенклатура асосида олиб борилади. Масалан комплекс бирикмаларни илк бор топган олимларнинг номи бўйича: Цейзе тузи $\text{K}[\text{PtCl}_3 \text{C}_2\text{O}_4]$, Чугаев тузи $[\text{Pt}(\text{NH}_3)_5\text{Cl}]\text{Cl}_3$ ёки рангига қараб - қизил қон тузи $\text{K}_3[\text{Fe}(\text{CN})_6]$ ва сариқ қон тузи $\text{K}_4[\text{Fe}(\text{CN})_6]$.

Хозирги замон номенклатураси бўйича Вернер назариясига асосланади:


1. Аввалига катион, сўнгра эса анион номланади.
2. Марказий атомнинг оксидланиш даражаси қавс ичига олинган рим рақами билан кўрсатилади.
3. Лигандлар грекча ди, три, тетра, пента, гекса сони билан ҳисобланади.
4. Комплекс ион бир сўз билан айтилади.

$[\text{Co}(\text{NH}_3)_6] \text{Cl}_3$ - гексамминкобальт (III) хлорид ва ҳаказо


КОМПЛЕКС БИРИКМАЛАРНИНГ ЭРИТМАЛАРИДАГИ

МУВОЗАНАТ

Бирор комплекс бирикма, масалан $[\text{Ag}(\text{NH}_3)_2]\text{Cl}$ сувда эритилганда биринчи навбатда ўзининг ташқи сферасидаги ион ва комплекс ионга диссоциацияланади



Бу жараён худди кучли электролитнинг диссоциацияланиши каби содир бўлади. Иккинчи навбатда комплекс ион, комплекс ҳосил қилувчи ион ва лигандга диссоциацияланади.



Бу жараён худди кучсиз электролитларга ўхшаш қайтар бўлади. Шунинг учун бу жараёнга массалар таъсир қонунини тадбиқ этиб, мувозанат константасини ёзиш мумкин. Комплекс ионнинг мувозанат константаси, шу комплекс бирикманинг беқарорлик константаси деб аталади.

$$K_{\text{бек}} = \frac{[\text{Ag}]^+ [\text{NH}_3]^2}{[[\text{Ag}(\text{NH}_3)_2]^+]}$$

Бу формулада $[\text{Ag}]^+$ ва $[\text{NH}_3]$ лар мувозанат вақтидаги кумуш иони ва аммиакларнинг концентрацияси. Беқарорлик константасига тескари бўлган қиймат: $B=1/K_{\text{бек}}$. комплекс бирикмаларнинг барқарорлик константаси деб аталади.

$$B = \frac{[[\text{Ag}(\text{NH}_3)_2]^+]}{[\text{Ag}]^+ [\text{NH}_3]^2}$$

$K_{\text{бек}}$ нинг қиймати қанчалик катта бўлса, комплекс бирикма шунчалик қарорсиз бўлади, аксинча беқарорлик константасининг қиймати қанчалик кичик бўлса, комплекс бирикма шунчалик турғун бўлади.

Комплекс бирикмаларнинг изомерияси. Комплекс бирикмаларида худди органик бирикмалардаги каби изомерия ходисаси мавжуддир. Комплекс бирикмаларда геометрик, оптик, гидрат, ионланиш ва бошқа изомерлар мавжуд:

1. Геометрик (цис-транс) изомерия. Геометрик изомерланиш ходисасини биринчи А.Вернер платина бирикмаси $[\text{Pt}(\text{NH}_3)_2 \text{Cl}_2]$ мисолида тушунтирган.

Бир хил таркибга эга бўлган, икки хил хоссали бирикманинг мавжудлиги лигандларни комплекс хосил қилувчи ионга нисбатан турли текисликда жойлашиши билан тушунтирилган ва цис-транс- изомерлар деб аталган.

Цис изомерда бир хил лигандлар комплекс хосил қилувчи ионнинг бир томонида жойлашган бўлса, транс- изомерда комплекс хосил қилувчи ионнинг икки томонида (диагонал бўйича) жойлашган бўлади.



Бу комплекс бирикмалардан цис-изомер биологик фаол модда бўлиб, транс - изомер биологик жиҳатдан фаол эмас.

2. Гидрат изомерияси. Бир хил таркибга эга бўлиб, ўз таркибидаги сув молекулаларининг жойлашиши билан (яъни ички ва ташқи сферада) бир-биридан фарқланадиган моддалар гидрат изомерлар деб аталади.

Масалан, хром (Ш) хлориднинг гекса гидратини $\text{CrCl}_3 \cdot 6\text{H}_2\text{O}$ учта изомери бор. Биринчи изомернинг сувдаги эритмаси оч бинафша рангли бўлиб, унга кумуш нитрат эритмасидан қўшсак, комплекс таркибидаги хлорнинг ҳаммаси чўкмага тушади. Демак, хлор ионлари комплекснинг ташқи сферасига жойлашиб, сув молекулалари ички сферани банд қилган. Демак, тузнинг молекуласи $[\text{Cr}(\text{H}_2\text{O})_6]\text{Cl}_3$ бўлади. Иккинчи тузнинг сувдаги эритмаси яшил рангли, бу эритмага AgNO_3 қўшсак, барча хлорнинг фақат $1/3$ қисми чўкмага тушади. Демак, унинг ташқи сферасида 1 атом хлор ва 2 молекула сув бўлади. Демак, тузнинг формуласи $[\text{Cr}(\text{H}_2\text{O})_4\text{Cl}_2]\text{Cl} \cdot 2\text{H}_2\text{O}$ бўлади. Учинчи тузнинг сувдаги эритмаси ҳам яшил рангли эритмадир.

Бу тузнинг эритмасига кумуш нитрат эритмаси қўшсак хлорнинг $2/3$ қисми чўкмага тушади. Демак, унинг формуласини қуйидагича ёзиш мумкин $[\text{Cr}(\text{H}_2\text{O})_5\text{Cl}]\text{Cl}_2 \cdot \text{H}_2\text{O}$. Шунга айтиш керакки бундай изомерия ходисаси сув ўрнида ишлатиладиган бошқа органик эритувчилар сақлаган бошқа комплекс бирикмаларда ҳам бўлиши мумкин.


Ионланиш изомерияси.

Таркиби бир хил бўлиб, ионларни ташқи ва ички сферасида жойлашиши билан фарқ қиладиган комплекслар ионланиш изомериялари деб аталади. Масалан, улар ўзаро ионланиш изомерларидир. Биринчи комплекснинг сувли эритмасига барий хлорид қўшилса, чўкма ҳосил бўлади. Иккинчи комплексни сувли эритмасига барий хлорид қўшилса чўкма ҳосил бўлмайди. Бунда кумуш нитрат қўшилса, чўкма ҳосил бўлади.


КОМПЛЕКС БИРИКМАЛАРДАГИ КИМЁВИЙ БОҒ ТАБИАТИ

Комплекс бирикмаларда кимёвий боғ табиатини тушунтирувчи бир қанча назариялар мавжуд. Биз улардан энг муҳими бўлган валент боғлар назариясига тўхтаб ўтамиз. Бу назарияда Пелингнинг атом орбиталлаини гибридланиши концепцияси катта аҳамиятга эга. У усуллар билан комплекс бирикмалар тузилишини тушиниш имкониятини буради. Мисол учун $[\text{Ag}(\text{NH}_3)_2]^+$ ионида кумуш $\text{Ag}^+ 4s^2 4p^6 4d^{10}$ электрон тузилишига эга бўлиб sp –гибридланиш ($5s$ ва $5p$) ҳолатида бўлиб, ўзининг шу бўш орбиталларига аммиак молекуласидаги азотнинг бўлинмаган жуфт электронларини тортади ва натижада улар орасида донор – акцептор боғ ҳосил бўлади. Бу боғ комплекс бирикмаларда координацион боғ дейилади. Шунинг учун комплекс бирикмалар ҳам координацион бирикмалар дейилади. Ташқи ва ички сфералар ўртасида эса ионли боғ амалга ошади.


Kompleks birikmalarda kimyoviy bog' turlari



HELATLAR



Комплексон III (трilon B)




Биологик фаол комплекс бирикмалар.

Одам танасининг массасини 3 фоизи металлларга тўғри келади, лекин шунга қарамасдан одам организмида борадиган турли физиологик жараёнларда металлларнинг вазифаси каттадир. Металллар одам организмида муҳим аҳамиятга эга бўлган кўпчилик ферментларнинг фаол марказларини ташкил этади. Организмга юбориладиган кўпчилик доривор моддалар, комплекс бирикмаларнинг таркибий қисмига кирувчи лигандлар ёки аддентлардир. Бу доривор моддалар организмда мавжуд бўлган биометаллар билан турли қарорликка эга бўлган комплекс бирикмаларни ҳосил қилиши мумкин.

Организмда биометаллар етишмаса, организмга биометалларни комплекс бирикмалар кўринишига юборилади, чунки биометалларнинг оддий тузлари комплекс бирикмаларга қараганда анча захарлидир.


Масалан, витамин В₁₂ ўз таркибида кобальт биометаллини сақлайди. Агарда организмда темир иони етишмаса, организм анемия (кам қонлик) касаллигига дучор бўлади. Бундай ҳолларда организмга темир сақловчи комплекс бирикмалар - ферроцерон, феррамид, ферковен ва бошқа комплекс бирикмалар юборилади. Таркибида платина сақловчи препарат цис [Pt(NH₃)₂Cl₂] ёмон сифатли шиш касалликларини даволашда ишлатилади. Таркибида мис сақловчи бирикма купир - CuCl₂ x 2В₆ сил касаллигини даволашда

ишлатилади. Кўпчилик ҳолларда организмда кўп миқдорда оғир металллар симоб, кўрғошин, висмут, маргимуш ва бошқа металллар йиғилиб қолади. Улар организмни захарлайди. Бундай ҳолларда организмга шу металллар билан мустаҳкам яхши эрувчи комплекс ҳосил қиладиган лигандлар - детоксикантлар юборилади. Детоксикантларга мисол қилиб димеркапролни



кўрсатиш мумкин. Бу препарат орқали организмдан мышьяк, симоб, теллур металлларни ташқарига чиқариш мумкин.

Д- пенициламин



Бу модда мис ионлари билан жуда мустаҳкам комплекс ҳосил қилади ва Вильсон касаллигини даволашда қўлланади.

4. НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Қандай бирикмалар комплекс бирикмалар деб аталади?
2. Қуйидаги комплекс бирикмаларнинг ионланиш тенгламасини тузинг
3. $[\text{Pt}(\text{NH}_3)_6] (\text{SO}_4)_2$
4. $[\text{Cu}(\text{NH}_3)_4] \text{SO}_4$
5. $\text{Na}_3 [\text{Co}(\text{NO}_2)_6]$
6. Қуйидаги бирикмаларда темирнинг зярдини аниқланг
7. $\text{K}_3[\text{Fe}(\text{CN})_6]$
8. $\text{K}_4[\text{Fe}(\text{CN})_6]$
9. $\text{Cu}_2[\text{Fe}(\text{CN})_6]$
10. Комплекс бирикмаларнинг ички ва ташқи сфералари деганда нимани тушунасиш. Мисоллар орқали тушунтиринг.
11. Комплекс ионнинг беқарорлик ва барқарорлилик доимийси нима?
12. Ички комплекс бирикмаларга таъриф беринг ва мисоллар келтиринг

13. Комплекс бирикмалардаги кимёвий боғлар табиатини тушинтирнг

5. ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР

1. С.С.Қосимова, С.М.Машарипов, К.О.Нажимов. Умумий ва биоорганик кимёдан амалий машғулотлар. «Ибн Сино» нашриёти, Тошкент, 2001.
2. А.Б. Акбаров. Биоанорганик ва биофизик кимё асослари. «Ибн Сино» нашриёти, Т., 1996, 400 бет.
3. Равич-Щербо М.И., Анненков Г.А. Физик ва коллоид кимё. «Медицина», Т., 1971, 330 бет.
4. Х.К. Хакимов, А.З.Татарская, Н.Т.Олимхўжаева. Умумий кимёдан амалий машғулотлар. «Ибн Сино», Т., 1993, 263 бет.
5. Хамраев А.Д, ва бошқалар .Умумий химиядан лаборатория машғулотлари учун методик кўлланмалар. ТошДавМИ босмох. Т., 1988, 106 бет.
3. Н.Л.Глинка. Умумий кимё. «Кимё нашриёти», 1978, 718 бет.
4. Н.С.Ахметов. Общая и неорганическая химия. «Высшая школа» нашриёти, М., 1998.

Қўшимча:

1. В.Н.Алексеев. Ярим микрометод билан қилинадиган химиявий сифат анализи курси. «Ўқитувчи» нашриёти, Т., 1976, 624 бет.
2. М.Миркомилова. Аналитик кимё. «Узбекистон», Т., 1996, 335 бет.
5. Р.Чанг. Физическая химия с приложениями к биологическим системам. «Мир», М., 1980, 662 бет.

МАЪРУЗА № 6

МАВЗУ: ЭЛЕКТРКИМЁ АСОСЛАРИ. “ЭЛЕКТРОЛИТЛАР ЭРИТМАЛАРИДАГИ ЭЛЕКТРЎТКАЗУВЧАНЛИК

1. МАВЗУНИНГ МАҚСАДИ:

Одам организмидаги биологик суюқликлар электролит ёки ноэлектролит эритмалари сифатида маълум даражада электр токини ўтказиб 2-чи турдаги ўтказувчи сифатида кўрилиши мумкин. Шунинг учун электрокимё асосларидан бирини ташкил қилувчи катталиклардан бўлган қаршилик, электроўтказувчанлик, уларнинг бир бири билан боғлиқликлари, улар қийматидан фойдаланиш кўламларини ўрганиш тиббиёт соҳасида мухим аҳамиятга эга.

2. КЎРИЛАДИГАН МАСАЛАЛАР:

- электркимё асослари, электролит моддаларнинг электр ўтказиш қобилиятининг назарий асослари
- электролит моддаларнинг электр ўтказувчанлигига таъсир этувчи омиллар
- эритмаларнинг электр ўтказувчанлик қийматидан фойдаланиб уларнинг диссоциация даражаси ва константасини аниқлаш йўллари
- кондуктометриқ титрлаш

3. МАЪРУЗАНИНГ МАЗМУНИ

Ионларнинг ҳаракат тезлиги. Солиштирма электр ўтказувчанлик. Моляр электр ўтказувчанлик. Чексиз моляр электр ўтказувчанлик Кольрауш қонуни. Кондуктометрия. электр ўтказувчанликни тиббиётдаги аҳамияти. Потенциал ва электр юритувчи куч. Электрод потенциаллари. Нернст тенгламаси нормал водород электроди. Гальваник элементлар ва уларни тузилиши. Якоби-Даниэл элементи. Концентрацион занжир ва уни электр юритувчи кучини аниқлаш. Диффузион потенциал.

ЭЛЕКТРОКИМЁ АСОСЛАРИ

Электркимё – физикавий кимёнинг бир қисми бўлиб, кимёвий ва электр энергия турларини бир бирига ўтиши қонун-қоидаларини ўрганади. Электр токи таъсирида борадиган кимёвий реакциялар – электролиз дейилади ва унда электр энергия кимёвий реакция энергиясига ўтади. Кимёвий реакция энергиясини электр энергияга ўтишига мисол қилиб гальваник элементларда борадиган жараённи кўриш мумкин. Бу жараёнларэлектролит эритмалари ва суюқланмаларида бориб, ионлар ҳолати билан боғлиқ бўлади. Шунинг учун электркимёда электролитлар эритмаларининг хоссалари, ионли мувозанатлар ва электродлардаги жараёнлар ўрганилади. Кўриладиган масалаларни тўлиқ тушиниб етиш электролит эритмаларининг хоссалари ва сувнинг ионли кўпайтмаси, рН кўрсаткичи нима эканлигини элаб ўтиш керак бўлади (мустақил қайтариш учун). Электр тоқини ўтказувчи жисм ўтказгич деб номланади. ўтказгичлар 2 турга бўлинади: 1- чи тур ўтказгичлар деб электр тоқи фақат эркин

электронлар ҳаракати туфайли вужудга келадиган ўтказгичларга айтилади. Уларга мисол қилиб металллар, металл қотишмалари, кўмир, графит ва б. олиш мумкин. Бундай моддалардан электр токининг ўтиши ҳеч қандай кимёвий ўзгаришсиз, тегишли жисмни қизишига олиб келади.

Электр токининг ўтиши моддаларда кимёвий ўзгаришлар содир қилса бундай моддалар 2- чи тур ўтказгичлар ёки электролитлар дейилади. Электролитларга – туз, кислота, асосларнинг сувли эримталари, металлларнинг эрувчан оксидлари мисол бўла олади. Эритмаларда электр токини мусбат ва манфий зарядланган ионлар ташийди.

ЭЛЕКТРОЛИТ ЭРИТМАЛАРИНИНГ ЭЛЕКТР ЎТКАЗУВЧАНЛИГИ

Эритмаларнинг электр токини ўтказиш хоссаси, ўтказувчанлик ёки қаршилик билан баҳоланади. Ўтказгичнинг узунлигига (L) тўғри пропорционал ва кўндаланг кесимнинг юзасига (S) тескари пропорционал бўлган катталиқ қаршилик (R) деб аталади ва унинг қиймати Ом билан ўлчанади.

$$R = \rho \frac{L}{S} ; \text{ом}$$

Пропорционаллик коэффициенти (ρ) солиштирма қаршилик дейилиб, у узунлиги 1 см ва кўндаланг кесимининг юзи 1 см² бўлган ўтказгичнинг қаршилигига тенг. Электр ўтказувчанлик J қаршиликка тескари пропорционал бўлган катталиқдир:

$$J = \frac{1}{R} \text{ ом}^{-1} \text{ ёки См (сименс)}$$

R нинг қийматини юқоридаги формулага қўйсак

$$J = \frac{1}{\rho} \cdot \frac{S}{L} , \text{ ом (1)}$$

Солиштирма қаршиликка тескари пропорционал бўлган катталиқ (1/ ρ) солиштирма электр ўтказувчанлик дейилади ва (α) каппа билан белгиланади. У холда:

$$J = \kappa \frac{S}{L} \text{ ом}^{-1} \text{ ёки См}$$

Солиштирма электр ўтказувчанлик деб 1 см² юзаси, ораларидаги масофа 1 см бўлган, икки параллел электрод ўртасига жойлаштирилган 1 см³ электролит эритмасининг электр ўтказувчанлигига айтилади.

$$\kappa = \frac{1}{R} \cdot \frac{L}{S}, \text{ ом}^{-1} \text{ см}^{-1}$$

Шундай қилиб κ ни учун ўтказгич қаршилиги, узунлиги ва кўндаланг кесимининг юзасини ўлчаш зарур.

Иккинчи тур ўтказгичлар - электролитлар учун (L/S) нисбат (шу электрод, идиш ёки электролитик ячейка учун) доимий бўлиб «К» билан белгиланади. У ўтказгичнинг геометрик ўлчамларига боғлиқ бўлади (1), тенгламадаги L/S ни К билан алмаштирсак солиштирма электр ўтказувчанлик

$$\kappa = \frac{K}{R}, \text{ ом}^{-1} \cdot \text{см}^{-1}$$

тенглама билан ҳисобланади.

Моляр электр ўтказувчанлик деб таркибида 1 молл эквивалент электролит тутган, ораларидаги масофа 1 см бўлган 2та параллел электродлар ўртасида жойлашган эритманинг электр ўтказувчанлигига айтилади ва λ (лямбда) харфи билан белгиланади. 1 моль эквивалент электролит тутган эритманинг ҳажми 1000 /С см³ (С-моляр эквивалент концентрацияси) эканлигини ва 1 см³ эритманинг электр ўтказувчанлиги солиштирма электр ўтказувчанлик эканлигини ҳисобга олсак, λ ва κ ўртасида қуйидаги боғланиш борлигини топиш мумкин.

$$\lambda = \frac{\kappa \cdot 1000}{C} \text{ Ом}^{-1} \cdot \text{см}^2 \cdot \text{моль}^{-1}$$

ЭЛЕКТРОЛИТЛАР ЭРИТМАЛАРИНИНГ α ВА К_{дис.} НИ КОНДУКТОМЕТРИК УСУЛ БИЛАН АНИҚЛАШ

Моляр электрўтказувчанлик қийматидан фойдаланиб кучсиз электролитларнинг диссоциацияланиш даражасини топиш мумкин. Кучсиз

электролитлар эритмаси суюлтирилганда электролитнинг диссоциацияланиш даражаси ортади, ва шу билан биргаликда моляр эквивалент электрўтказувчанлик қиймати ҳам ортиб боради ва чексиз суюлтирилганда ўзининг максимал қийматига етади. Шундай қилиб моляр электрўтказувчанлик ва диссоциацияланиш даражаси бир бирига тўғри пропорционалдир:

$$\lambda = K \cdot \alpha ; \text{ Ом}^{-1} \cdot \text{ см}^2 \text{ моль}^{-1}$$

Бу ерда α - диссоциацияланиш даражаси бўлиб, фоизларда (0 дан 100 % гача) ёки улуш бирликларида (0 дан 1 гача) ўлчанади. Ноэлектролитларнинг диссоциацияланиш даражаси 0 га тенгдир. Диссоциацияланиш даражасининг қиймати электролит табиатига, эритувчи табиатига, ҳароратга ва эритма концентрациясига боғлиқ бўлади. Эритма қанчалик суёқ бўлса, шунчалик диссоциацияланиш кучли бўлади. Диссоциацияланиш тўлиқ, яъни $\alpha = 1$ бўлганда $\lambda = K$ бўлади.

Бир тарафдан $\lambda = K$ бўлса, иккинчи тарафдан моляр электрўтказувчанлик максимал қийматига етади ва $\lambda = \lambda_{\infty}$ бўлади, иккаласи ҳам λ га тенг бўлгандан кейин $K = \lambda_{\infty}$ бўлади, шунда:

$$\lambda = \lambda_{\infty} \cdot \alpha \text{ Ом}^{-1} \cdot \text{ см}^2 \cdot \text{ моль}^{-1}$$

$$\text{Демак: } \alpha = \frac{\lambda}{\lambda_{\infty}}$$

бу ерда: λ_{∞} - чексиз суюлтирилгандаги моляр электрўтказувчанлик **Кольрауш қонуни**. Кучсиз электролитлар учун чексиз суюлтирилгандаги моляр электр ўтказувчанликни топишда Кольрауш қонундан фойдаланилади. Бу қонунга кўра чексиз суюлтирилгандаги электр ўтказувчанлик ионларнинг максимал ҳаракатчанликлари йиғиндисига тенгдир:

$$\lambda_{\infty} = \lambda_{\text{к}} + \lambda_{\text{а}}$$

бу ерда $\lambda_{\text{к}}$ ва $\lambda_{\text{а}}$ тегишлича катион ва анионларнинг максимал ҳаракатчанликлари.

Ионларнинг ҳаракатчанлиги. Эритмадаги электр токи ионларнинг электродларга томон ҳаракатланиш тезлигига боғлиқ бўлади. Ионларнинг ҳаракатчанлиги уларнинг табиатига, эритувчи табиатига, ҳароратга ва эриган

модда концентрациясига боғлиқ. Ораларидаги масофа 1 м., кучланиш фарқи 1 В бўлган 2та электродлар орасида ҳаракатланаётган ионларнинг метр/сониялар ҳисобидаги тезлиги ионларнинг абсолют тезлиги дейилади. Водород ва гидроксид ионлари энг юқори ҳаракатланувчи ионлар ҳисобланади. Шунинг учун ҳам кучли кислота ва асослар эритмаларининг электр ўтказувчанлиги тузлар эритмаларининг электрўтказувчанлигидан юқори бўлади.

Катионлар абсолют тезлигини V_k ва анионлар абсолют тезлигини V_a билан белгиласак, нисбий тезлик қуйидагича аниқланади:

$$n_k = \frac{V_k}{V_k + V_a} \quad n_a = \frac{V_a}{V_k + V_a}$$

n_k ва n_a лар ташиш сони деб аталади.

Абсолют тезликлар V_k ва V_a ўрнига уларга пропорционал бўлган ионлар ҳаракатчанлигидан фойдаланиш мумкин.

$$L_k = F \cdot V_k \quad L_a = F \cdot V_a$$

Кучсиз электролитларнинг эритмаларида электрўтказувчанлик қийматидан фойдаланиб уларнинг диссоциация даражаси ва константасини ҳисоблаб топиш мумкин:

$$\alpha = \frac{\lambda}{\lambda_{\infty}} \quad \text{ва} \quad K = \frac{C \cdot \alpha^2}{1 - \alpha}$$


жуда суяқ электролитлар учун: $K = \alpha^2 \cdot C$
ёки $\alpha = \sqrt{K/C}$ бўлади.

Бу тенглик Оствальднинг суюлтириш қонунининг математик ифодаси дейилади.

КОНДУКТОМЕТРИК ТИТРЛАШ

Титрлаш давомида электролитларнинг электрўтка-зувчанлигини ўлчаб эритмаларнинг концентрациясини аниқлаш кондуктометрик титрлаш деб номланади. Титрлаш давомида аниқланаётган эритманинг бошлан-ғич қаршилиги ўлчаниб, ишчи эритманинг ҳар бир қуйилган порциясидан кейин қаршилик ўлчаниб, электрўтказувчанлик ҳисобланиб, кондуктометрик титрлаш эгри чизиғи чизилади. Бу чизма солиштирма электрўтказувчанликни ишчи эритма хажмига боғлиқ-лигини акс эттиради ва татрланаётган эритманинг табиатига кўра турли хил шаклда ҳосил бўлади. Кучли кислота кучли асос билан титрланганда


эритмадаги харакатчан водород ионлари электрўтказувчанликнинг энг юқори қийматини таъминлайди.



Кучли кислотани кучли асос билан Э.н. гометрик титрлашнинг эгри чизиғи


Титрлаш давомида эритмада харакатчанлиги камроқ бўлган туз ионлари ва кам диссоциацияланадиган модда сув молекулалари ҳосил бўла бошлайди ва электрўтказувчанлик кескин пасайиб кетади. Эквивалент нуқтадан кейин харакатчан гидроксид ионлари ҳисобига электрўтказувчанлик яна кескин ортиб кетади. Чизмадаги синиш нуқтаси эквивалент нуқтани кўрсатади. Титрлашга кетган асос ҳажми ва концентрацияси бўйича аниқланаётган эритманинг концентрацияси ҳисоблаб топилади.

Кучсиз кислота кучли асос билан титрланганда бошланғич нуқтада кучсиз элеткролит эритмасида электрўтказувчанлик минимал қийматга эга бўлади.



Кучсиз кислотани кучли асос билан кондуктометрик титрлашнинг эгри чизиғи

Титрлаш давомида туз ионлари ҳисобига электрўтказувчанлик секин аста кўтарилиб бориб, эквивалент нуқтадан кейин кескин ортиб кетади. Силиш нуқтаси эквивалент нуқтани беради. Икки асосли кислоталар ёки кучсиз ва кучли кислота эритмаси титрланганда иккита эквивалент нуқта кузатилади.



Кучли ва кучсиз кислоталар аралашмасини кондуктометрик титрлаш эгри чизиғи

Ҳисоблашлар эквивалентлик қонунига асосланиб олиб борилади ва аниқланаётган эритманинг моляр эквивалент концентрацияси ҳисобланади:

$$N_1 = \frac{N_2 \cdot V_2}{V_1} \text{ моль/л}$$

Кондуктометрик титрлашнинг тиббиётдаги афзалликлари шундан иборатки, бу усул рангли, тиниқ бўлмаган, яъни биологик суюқликларни ҳам титрлаш имкониятини беради. Бундан ташқари бу усул титрлаш жараёнини тезлатишни ва аниқ натижалар олиш имкониятини беради.

ЭЛЕКТРЎТКАЗУВЧАНЛИКНИНГ ТИББИЁТДАГИ АҲАМИЯТИ

Биологик муҳит — маълум электрўтказувчанликга эга бўлган элетролит-лардан иборат бўлган кўп жинсли системадир. Унинг таркибига

кон плазмаси, пешоб, ошқозон суюқлиги, орқа мия, тери, ҳамда тўқималар цитоплазмаси киради. Электрўтказувчанликни ўлчаб организм аъзоларининг ҳолатини баҳолаш мумкин. Нормал ҳолатда пешобнинг солиштирма электрўтказувчанлиги $(165-229) \cdot 10^{-2} \text{ Ом}^{-1} \cdot \text{см}^{-1}$ бўлса, патологик ҳолатларда, ундаги NaCl концентрацияси камайса, оксил миқдори ошса, бу қиймат $(86,5 - 138,0) 10^{-2} \text{ Ом}^{-1} \cdot \text{см}^{-1}$ гача камайиб кетади. Қанд касаллигида ҳам сийдикни электрўтказувчанлиги, ноэлектролит бўлган қанд миқдорини ортиши сабабли, камайиб кетади. Текширишлар шуни кўрсатадики, ошқозон ширасининг электрўтказувчанлиги ва умумий кислоталик эркин HCl миқдори билан боғлиқ бўлади. Ундаги нормал ҳолатдаги $(100-125) \cdot 10^{-2} \text{ Ом}^{-1} \cdot \text{см}^{-1}$ миқдордаги электрўтказувчанлик кам кислоталикда $80 \cdot 10^{-2} \text{ Ом}^{-1} \cdot \text{см}^{-1}$ атрофида, юқори кислоталикда $125 \cdot 10^{-2} \text{ Ом}^{-1} \cdot \text{см}^{-1}$ дан ортиқ миқдорни кўрсатади. Электр токи электрдиагностика ва электротерапияда кенг қўлланади. Электрдиагностика турли асаб ва мушак касалликларини даволашда қўлланади. Электротерапия – бу электр токи ва электромагнит майдонини даволаш мақсадида қўлланиши. Электротерапия усулларига электростимуляция, гальванизация, даволаш электрофорези, диатермия, индуктометрия, утра-товушли тебранишли терапия ва бошқалар киради. Бу усулларни электрокимё асосларини тушинган ҳолда қўллаш даволаш самарасини юқорироқ даражага кўтаради.

4. НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Электр ўтказувчанлик ва унинг турлари
2. Биринчи ва иккинчи тур электр ўтказувчиларга мисоллар келтиринг
3. Солиштирма электр ўтказувчанликни таърифини беринг ва унинг ифодаланишини кўрсатинг
4. Моляр электр ўтказувчанликка таъриф беринг ва ифодаланишини кўрсатинг
5. Чексиз суюлтирилгандаги электрўтказувчанлик ва Кольрауш қонуни
6. Кондуктометрик усул билан диссоциацияланиш даражаси ва константасини аниқлаш
7. Кондуктометрик титрлаш нимага асосланган? Унинг эгри чизиқларини тушинтиринг
8. Кондуктометриянинг тиббиётдаги аҳамияти

5. ТАВСИЯ ЭТИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. С.С.Қосимова, С.М.Машарипов, К.О.Нажимов. Умумий ва биоорганик кимёдан амалий машғулотлар. «Ибн Сино» нашриёти, Тошкент, 2001.
2. А.Б. Акбаров. Биоорганик ва биофизик кимё асослари. «Ибн Сино» нашриёти, Т., 1996, 400 бет.
3. Равич-Щербо М.И., Анненков Г.А. Физик ва коллоид кимё. «Медицина», Т., 1971, 330 бет.
4. Х.К. Хақимов, А.З.Татарская, Н.Т.Олимхўжаева. Умумий кимёдан амалий машғулотлар. «Ибн Сино», Т., 1993, 263 бет.

5. Хамраев А.Д, ва бошқалар .Умумий химиядан лаборатория машғулоти учун методик қўлланмалар. ТошДавМИ босмох. Т., 1988, 106 бет.
6. Н.Л.Глинка. Умумий кимё. «Кимё нашриёти», 1978, 718 бет.
7. Н.С.Ахметов. Общая и неорганическая химия. «Высшая школа» нашриёти, М., 1998.

Қўшимча:

1. В.Н.Алексеев. Ярим микрометод билан қилинадиган химиявий сифат анализи курси. «Ўқитувчи» нашриёти, Т., 1976, 624 бет.
2. М.Миркомилова. Аналитик кимё. «Ўзбекистон», Т., 1996, 335 бет.
1. 3. Р.Чанг. Физическая химия с приложениями к биологическим системам. «Мир», М., 1980, 662 бет.

МАВЗУ: ЭЛЕКТРОДЛАРДАГИ ЖАРАЁНЛАР. ОКСИДЛАНИШ-ҚАЙТАРИЛИШ ПОТЕНЦИАЛЛАРИ.

1. МАВЗУНИНГ МАҚСАДИ:

Оксидланиш-қайтарилиш потенциаллари ва умуман электродларда борадиган жараёнларнинг қонун-қоидалари организм фаолиятини ўрганишда муҳим аҳамият эгадир. Оксидланиш-қайтарилиш жараёнларида ҳосил бўладиган энергия одам организмнинг фаолияти учун сарфланиб, маълум қисми жамланиб боради. Шунингдек оксидланиш-қайтарилиш потенциалларининг қийматлари биокимёвий жараёнлар йўналишини аниқлаш имкониятини беради.

2. КЎРИЛАДИГАН МАСАЛАЛАР:

- Потенциаллар турлари
- Электркимёвий потенциал ҳосил бўлиши
- Электркимёвий потенциални ўлчаш ва ҳисоблаб топиш
- Оксидланиш-қайтарилиш потенциаллар ҳосил бўлиши
- Оксидланиш-қайтарилиш потенциални электрокимёвий потенциал билан фарқи
- Потенциалларни ўлчашда тузиладиган гальваник элементлар ва уларда қўлланадиган электродлар

- Потенциометрик титрлаш
- Оксидланиш-қайтарилиш потенциалларининг тиббиётдаги аҳамияти

3. МАЪРУЗАНИНГ МАЗМУНИ:

ПОТЕНЦИАЛЛАР ТУРЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ҲОСИЛ БЎЛИШИ


Электркимё – физикавий кимёнинг бир қисми бўлиб, кимёвий ва электр энергия турларини бир бирига ўтиши қонун-қоидаларини ўрганади. Электр энергияни кимёвий энергияга ўтишига электр токи таъсирида борадиган кимёвий реакциялар – электролизни мисол қилишимиз мумкин. Кимёвий реакция энергиясини электр энергияга ўтишига мисол қилиб гальваник элементларда борадиган жараённи кўрамыз. Бу жараёнлар электролит эритмалари ва суюқланмаларида бориб, ионлар ҳолати билан боғлиқ бўлади. Шунинг учун электркимёда электролитлар эритмаларининг хоссалари, ионли мувозанатлар ва электродлардаги жараёнлар ўрганилади.

Зарядланган заррачалар тутган гетероген системаларда, фазалар чегарасида ҳар доим қўш электр қават ва унда потенциаллар айирмаси ҳосил бўлади. Потенциаллар айирмаси ўз навбатида электрйоритувчи куч дейилади.

Потенциаллар ҳосил бўлиш чегараларининг табиатига кўра потенциаллар турларга бўлинади.

Диффузия потенциали


Диффузия потенциали – концентрацияси билан фарқ қилган икки эритманинг чегарасида хосил бўлади:



Тез ҳаракатланувчи водород ионлари юқори концентрацияли эритмадан кичик концентрацияли эритмага ўта бошлайди. Кичик концентрацияли эритма мусбат, юқори концентрацияли эритма манфий зарядланиб, мувозанат қарор топганда икки эритма чегарасида потенциаллар айирмаси хосил бўлади. Бу потенциал ионлар ҳаракати тезлигини ўртача қийматга келишига сабаб бўлади: тез ҳаракатланадиган ионларни секинлаштириб, секин ҳаракатланадиганини тезлаштиради. Диффузия потенциали биологик системаларда ҳам хосил бўлади: хужайра ташқи қавати шикастланганда, унинг танлаб ўтказиш хусусияти бузилади ва электролитлар, концентрациялари фарқи ҳисобига, хужайрадан ташқарига ёки хужайра ичига диффузияланади. Шунда табиати бўйича диффузия потенциали бўлган - шикастланиш потенциали хосил бўлади. Унинг қиймати 30-40 мВ ни ташкил қилади. Секин-аста бир соат давомида унинг қиймати нолгача тушади. Одатда шикастланган тўқима шикастланмаганга қараганда манфий зарядланади.

Контакт потенциали


Контакт потенциали – икки хил металл тўқнашиш чегарасида хосил бўлади:



Фаол металл манфий, нофаол металл мусбат зарядланади.

Мембрана потенциали

Мембрана потенциали - мембрананинг икки тарафида, ионлар концентрациясининг фарқи ҳисобига ҳосил бўлади.



Одам организмидаги биологик жараёнлар турли хил электркимёвий ҳодисалар билан боғлиқ. “Хужайра-атрофи мухит”


чегарасида ҳар доим потенциаллар айирмаси мавжуд. У тинч ҳолат потенциали дейилади. Хужайра ичида калий ионлари кўпроқ ва натрий ионлари камроқ бўлади. Хужайрадан ташқарида бунга тескари ҳолат бўлади. Хужайра мембранаси орқали фақат калий ионлари ўтиб мембрана ташқарисида мусбат, ичкарисида эса манфий заряд ҳосил бўлади. Шунинг натижасида ҳосил бўлган электростатик кучлар мусбат зарядларни чиқишини давом этишига тўсқинлик қила бошлайди ва мембрана чегарасида тинч ҳолат потенциали ҳосил бўлади. Турли тўқималар хужайралари учун бу потенциал қиймати турлича: асаб тўқималарида 60-80 мВ, мушак тўқималарида – 80-90 мВ, юрак мушакларида – 90-95 мВ бўлади. Шу қийматларнинг ўзгариши ионларнинг хужайрадан ўтиш тартибини ўзгаришига олиб келади.



Электрод (электркимёвий) потенциал

Электрод потенциал – металл ва сув ёки шу металлнинг эрувчан тузи эритмасининг чегарасида ҳосил бўлади.

Металл – эритма чегарасида металл – электрод вазифасини бажаради (ток ўтказувчи система) ва шу чегарада электрод жараёни (электркимёвий жараён) содир бўлади.

Масалан:






Сув молекулалари қутбли бўлганлиги учун Zn^{2+} ионларини сувга олиб кетади, металлда электронлар қолиб у (-) зарядланади. Cu пластинкаси юзасида эса катионлар эритмадан чиқиб металл юзасини қоплайди ва (+) зарядланади. Бу жараёнлар мувозанат қарор топгунча давом этиб боради. Шунда металл – эритма орасида қўш электр қават (потенциаллар айирмаси) ҳосил бўлади. Шу потенциаллар айирмаси электрод потенциал деб номланади. Электрод потенциал қиймати Нернст тенгламаси ёрдамида ҳисобланади:

$$E = E^0 + \frac{RT}{zF} \ln C_{\text{Me}^{+Z}}$$

$$E = E^0 + \frac{0,058}{z} \ln C_{\text{Me}^{+Z}}$$

$C_{\text{Me}^{+Z}} = 1$ моль/л бўлганда электрод потенциал стандарт электрод потенциал дейилади.

Электрод потенциал қиймати водород электродга нисбатан, гальваник элемент тузилиб, ўлчанади.



Нормал водород электроди


Водород электродининг шартли белгиси: $(Pt) H_2 | H^+$.

Газнинг босими 1 атм. бўлганда унинг учун Нернст тенгламаси қуйидагича ёзилади:

$$\varphi_{H_2} = \frac{2,3RT}{F} \cdot \lg a_{H^+} = -\frac{2,3RT}{F} \cdot pH,$$


Водород электродининг потенциали шартли равишда нолга тенг деб олиниб, у билан жуфт бўлган индикатор электродининг потенциали пастрок бўлса (-), каттарок бўлса (+) ишораси билан олинади.

Гальваник элемент – бу кимёвий реакция энергиясини электр энергияга ўтказиб берувчи система.





Электронлар ўтишга бошлаши сабабли қўш электр қаватларда мувозанат бузилади ва ўз-ўзидан рух эриши ва мис катионларининг қайтарилиши юз берадиган жараён содир бўлади. Бўш қолган SO_4^{2-} ионлари CuSO_4 эритмасидан ва Zn^{2+} ионлари ZnSO_4 эритмасидан бир бирига қараб чегарадан ўта бошлайди. Кимёвий реакция туфайли бу элементда электр энергия ҳосил бўлади:



Гальваник элементнинг асосий кўрсаткичи – электр юритувчи кучдир ЭЮК ва у потенциаллар айирмасига тенг бўлиб $E = E_{\text{Cu}} - E_{\text{Zn}}$ (В) Вольтда ўлчанади.

Оксидланиш-қайтарилиш потенциалли

Оксидланиш-қайтарилиш потенциалли – инерт металл ва модданинг оксидланган-қайтарилган шакллари тутган эритма чегарасида ҳосил бўлади. Оксидланиш-қайтарилиш реакциялари бораётган эритмага инерт металл (платина, олтин, паладий ва бошқалар) туширилганда икки фаза чегарасида потенциаллар айирмаси вужудга келади. Масалан, $\text{Pt} | \text{FeCl}_3 | \text{FeCl}_2$; $\text{Pt} | \text{SnCl}_4 | \text{SnCl}_2$. Оксидланган ва қайтарилган шаклдаги моддаларни сақлаган эритмалар оксидланиш-қайтарилиш системалари ёки редокс системалар деб юритилади. Бундай системаларда потенциаллар айирмасини вужудга келиши сабабини $\text{Pt} | \text{FeCl}_3 | \text{FeCl}_2$ мисолида кўриб чиқамиз.

Бу системада қуйидагича реакция бориши мумкин: $\text{Fe}^{+3} + e \rightarrow \text{Fe}^{+2}$. Агар эритмада Fe^{+3} , яъни оксидланган шакл кўп бўлса у электроддан 1 та электрон қабул қилиб Fe^{+2} га айланади, бунда электрод мусбат зарядланиб қолади ва аксинча агар Fe^{+2} яъни қайтарилган шакл кўп бўлса у электродга 1

та электронини беради ва Fe^{+3} га айланади, у холда электрод манфий зарядланади. Натижада юқоридаги тенглама ё ўнг томонга ёки чап томонга, токи янги мувозанат қарор топмагунча силжийди. Шу пайтда электродда потенциаллар айирмаси вужудга келади ва бу потенциал редокс-потенциал деб аталади. Унинг қиймати термодинамика қонунлари асосида чиқарилган Нернст (Fe^{+3} / Fe^{+2} системаси учун Петерс) тенграмаси орқали аниқланади:

$$E_{red} = E_{red}^0 + \frac{RT}{nF} \ln \frac{[оксидланган]}{[қайтарилган]}$$

бунда E_{red}^0 - тегишли жуфтнинг нормал редокс-потенциали

n - оксидланиш-қайтарилиш жараёнида иштирок этган электронлар сони

R - универсал газ доимийси, у 8,31 Дж/град · мольга тенг

T - абсолют харорат

F - Фарадей сони (96500 Кл/моль)

R ва F қийматларини қўйиб ўнли логарифмга ўтсак Петерс тенграмаси қуйидагича ёзилади:

$$E_r = E_r^0 + \frac{0,058}{n} \lg \frac{[оксидланган]}{[қайтарилган]}$$


Агарда Петерс тенграмасида оксидланган ва қайтарилган шаклларнинг концентрациялари ўзаро тенг бўлса, $E = E^0$ бўлади ва потенциал стандарт редокс потенциал дейилади. Демак, стандарт редокс - потенциал деб тегишли жуфтнинг оксидланган ва қайтарилган шаклларининг концентрацияси тенг бўлгандаги потенциал қийматига айтилади.

Оксидланиш-қайтарилиш потенциали қийматига асосланиб редокс жараённинг йўналишини аниқлаш мумкин. Масалан $\text{Fe}^{+3} / \text{Fe}^{+2}$ жуфтнинг потенциали +0,771 в бўлса $\text{Sn}^{+4}/\text{Sn}^{+2}$ жуфтники +0,153 в ни ташкил қилади. Бу дегани Fe^{+3} ионининг оксидловчилик хусусияти Sn^{+4} ионниқидан кучлироқ экан ва



оксидланиш-қайтарилиш системасидаги мувозанат кўпроқ чапдан ўнгга силжиган бўлади.

Оксидланиш-қайтарилиш потенциалларни ўлчаш учун гальваник элемент тузилади:



У аниқланаётган эритмага туширилган иккита электроддан иборат бўлиб, улардан бири ўлчовчи ёки индикатор электроди дейилса, иккинчиси солиштириш электроди дейилади. Потенциали ўлчанаётган ионлар концентрациясига боғлиқ бўлган электрод индикатор электроди дейилади. Оксидланиш-қайтарилиш жараёни юз берадиган системаларда ўлчовчи электрод сифатида платина электроди қўлланади. Потенциали ўзгармас ва аниқ бўлган электрод солиштириш электроди дейилади ва унинг сифатида кумуш хлоридли $\text{Ag}/\text{AgCl}/\text{KCl}$ ($e = 201$ мВ) ёки каломелли $\text{Hg}/\text{Hg}_2\text{Cl}_2/\text{KCl}$ ($e = 246$ мВ) электрод ишлатилади.

Электродлар таснифининг яна бир системаси бор. Бу системага кўра электродлар 1-чи ва 2-чи турларга бўлинади. 1-чи тур электродлари Cu/Cu^{2+} , Ag/Ag^+ ва умумий ҳолда Me/Me^{n+} ларда металл катиони ва ўз эритмаси орасида қайтар жараён натижасида алмашиниш содир бўлади. Бундай электродлар катионга нисбатан қайтар ҳисобланади. 2-чи тур электродларда


металл ўзининг қийин эрийдиган тузи билан қопланган ва шу туз анионини сақлаган яхши эрийдиган туз эритмасига туширилган бўлади. Масалан, Ag/AgCl/ KCl ва Hg/ Hg₂Cl₂/ KCl ларда электрод ҳам катион, ҳам анионига нисбатан қайтар ҳисобланади.

Ҳар бир ҳолда ўзига тўғри келадиган электрод танланади. Кўпчилик системаларнинг, айниқса органик ва биологик редокс системаларнинг потенциаллари водород иони концентарциясига яъни рН мухитга боғлиқ бўлади. Бу ҳолдаги редокс система мураккаб система дейилади. Мураккаб редокс системаларга MnO₄⁻/ Mn²⁺, хинон-гидрохинон, Cr₂O₇²⁻/ Cr³⁺ мисол қилиниши мумкин. Бундай системалар учун Петерс тенгламасида оксидланган ва қайтарилган моддалар концентарцияси билан биргаликда водород ионларининг концентарцияси ҳам ҳисобга олинади:


$$E_r = E_r^0 + \frac{0,058}{n} \lg \frac{[\text{оксидланган}] [\text{H}^+]}{[\text{қайтарилган}]}$$

Масалан нейтралланиш реакцияси учун потенциали водород ионларининг концентарциясига қараб ўзгарувчи электрод танланади. Булар қаторида хингидрон (Pt/ХГ/Н⁺) ёки шиша электроди ишлатилади.

Хингидрон электрод (хг). Замонавий лабораторияларда хг электрод ишлатилмаса ҳам, у рН ни ўлчаш учун яроқли электродларга мисол бўла олади. Хингидрон – бу хинон C₆H₄O₂ ва гидрохинон C₆H₄(OH)₂ ларнинг 1:1 нисбатда олинган эквимолекуляр аралашмасидир. Хингидрон эритмада хинон ва гидрохинон аралашмасини беради. Хинон ва гидрохинон ўртасида қуйидаги мувозанат қарор топади:



Аган хингидронни тутган эритмага Pt пластинкаси туширилса, металл-эритма чегарасида қиймати водород ионларига боғлиқ бўлган окисидланиш-кайтарилиш потенциали хосил бўлади. Хингидрон электроднинг шартли белгиси



ва унинг учун Нернст тенгламаси қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$\varphi_{x_2} = \varphi_{x_2}^0 + \frac{2,3RT}{2F} \cdot \lg \frac{a_{C_6H_4O_2} \cdot a_{H^+}^2}{a_{C_6H_4(OH)_2}}$$

$\frac{a_{C_6H_4O_2}}{a_{C_6H_4(OH)_2}}$ нисбати 1 га тенг бўлганда, $\lg 1 = 0$ бўлади ва тенгламанинг кўриниши бўлади:

$$\varphi_{x_2} = \varphi_{x_2}^0 + \frac{2,3RT}{F} \cdot \lg a_{H^+} = \varphi_{x_2}^0 - \frac{2,3RT}{F} \cdot pH$$


Хингидрон электродини ишқорий мухитда ишлатиб бўлмайди ва окисидловчи-кайтарувчи моддалар унинг ишлашига халақит беради. Шунинг учун бу электродни биологик суюқликларни ўрганишда ишлатиш қийин ва унга қараганда мукамалроқ бўлган шиша электродини ишлатиш афзалроқ хисобланади.

Шиша электроди


Шиша электроди пастки қисми шиша мумбранадан иборат шиша ампулага жойлаштирилган кумуш симидан иборат. Бу сим кумуш хлорид билан қопланиб HCl эритмасига туширилади. Кислотали мухитга эга эритмага туширилганда мембрана юзаси водород ионлари билан қопланади

ва электрод водород электроди каби ишлайди. Шиша электродини тутган гальваник элементлар эритмаларни рНини ўлчаш учун ишлатилади:

Shisha elektrodining tuzilishi



Шиша электроди эритмалар рНини 2-12 оралиғида потенциометрик усул билан ўлчаганда ишлатилади. Бунинг учун қуйидаги гальваник элемент тузилади.



Оксидланиш-қайтарилиш потенциалларининг биологик аҳамияти

Оксидланиш-қайтарилиш ходисалари биокимёвий жараёнлар йўналишини белгилаб берувчи омиллардан биридир. Тирик организмларда

озика моддалардан олинган кимёвий энергия электр энергияга ва сўнгра механик ва иссиқлик энергияларига айланади. Бу ходисалар асосида турли хил оксидланиш-қайтарилиш реакциялари ётади. Тирик организмларда асосий электронлар донори вазифасини водород атоми ўтайди, акцептори эса – бу кислород атомларидир. Аммо тирик организмда водород билан кислороднинг тўғридан - тўғри бирикиши юз бермайди. Организмдаги мураккаб ходисалар электронлар ва протонлар ташувчиси вазифасини ўтовчи редокс-системалар орқали амалга ошади. Организмнинг таркибидаги оксидланиш қайтарилиш системалари:– цитохромалар, гем-гематин, цистин-цистеин, водород пероксид – сув, глутатион системаси, қахрабо ва фумар кислоталар ва бошқалар. Системанинг редокс-потенциали шу системани бошқа системага электрон бериши ёки қабул қилиши хоссасини баҳоловчи катталиқдир.

Масалан: биологик оксидланиш жараёни оксидланиш-қайтарилиш реакцияларининг занжиридир. Бу жараён оксидланаётган субстратдан кислородга электрон ва протон ташувчи маълум ферментлар билан бошқарилади. Бу занжирнинг ҳар бир босқичига аниқ редокс потенциалга эга бўлган редокс система тўғри келади. Масалан:

Оксидланаётган субстрат	(-0,42 в)
Дегидрогеназа	(-0,32 в)
Флавин ферменти	(-0,06 в)
Цитохромалар	(+ 0,04 дан +0,55 в)
$\frac{1}{2} O_2$	(+ 0,82 в)



Потенциали кичик бўлган модда (флавин ферменти) потенциали юқори бўлган моддаларни (цитохромаларни) қайтариши, потенциали кичикроқ бўлган моддаларни (дегидрогеназани) оксидлаши мумкин. Тескарсиси эса оксидланиш-қайтарилиш жараёнлари назариясига тўғри келмайди. Кўриб турибмизки оксидланиш-қайтарилиш потенциалининг қийматидан фойдаланиб у ёки бу биологик ходисани йўналишини аниқлаш мумкин экан.

ПОТЕНЦИОМЕТРИК ТИТРЛАШ


Потенциометрик титрлашда ишчи эритмани қўйган сари аниқланаётган эритманинг электр юритувчи кучи ёки рН қиймати ўлчаниб борилади. Масалан, кислотани ишқор билан титрлашда водород ионларининг концентрацияси камайиб боргани сари системанинг ЭЮК и секин-аста камаяди, рН и эса ортиб боради. Эквивалент нуқтада ЭЮК кескин камайиб, рН эса кескин ортади. Эквивалент нуқтадан кейин яна секин-аста ўзгаради. ЭЮК ёки рНни титрант эритманинг хажмига боғлиқлигини акс эттирувчи икки хил чизма чизиш мумкин. Тўғридан-тўғри ўлчанган катталиклардан (Е.Ю.К. ва рН дан) интеграл чизма, нисбий хисобланган ($\Delta pH/\Delta V$) катталиклардан эса дифференциал чизма чизилади ва графикдан топилган эквивалент нуқтадаги ишчи эритма хажмини ва унинг концентрациясини хисобга олиб аниқланаётган эритманинг нормал концентрацияси хисобланади:

$$N_{HCl} = \frac{N_{NaOH} \cdot V_{NaOH}}{V_{HCl}} \quad \text{Моль/л}$$

Potensiometriik titrlash egri chiziq-lari



Potensiometrik titrlash egri chiziq-lari



Чизманинг шакли кескин ўзгарган қисми бўйича эквивалент нуқта аниқланади ва эритманинг концентрацияси ҳисобланади:

$$N_1 = \frac{N_2 \cdot V_2}{V_1} \text{ моль/л}$$

Потенциометрик титрлашнинг тиббиётдаги афзалликлари шундан иборатки, бу усул рангли, тиниқ бўлмаган, яъни биологик суюқликларни ҳам титрлаш имкониятини беради. Бундан ташқари бу усул титрлаш жараёнини тезлатишни ва аниқ натижалар олиш имкониятини беради.

4. НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Электрохимё нимани ўрганади?
2. Потенциалларнинг қандай турларини биласиз?
3. Электрохимёвий потенциал ва уни аниқлаш
4. Оксидланиш-қайтарилиш потенциали ва уни аниқлаш
5. Электродлар турларини ва уларни таърифини келтиринг
6. Гальваник элемент деб нимага айтилади?

7. Нернст тенгламасини тушинтириг
8. Потенциометрик титрлашнинг эгри чизаклари
9. Потенциометриянинг тиббиётдаги аҳамиятини тушинтириг

5. ТАВСИЯ ЭТИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. С.С.Қосимова, С.М.Машарипов, К.О.Нажимов. Умумий ва биоорганик кимёдан амалий машғулотлар. «Ибн Сино» нашриёти, Тошкент, 2001.
2. А.Б. Акбаров. Биоанорганик ва биофизик кимё асослари. «Ибн Сино» нашриёти, Т., 1996, 400 бет.
3. Равич-Щербо М.И., Анненков Г.А. Физик ва коллоид кимё. «Медицина», Т., 1971, 330 бет.
4. Х.К. Хакимов, А.З.Татарская, Н.Т.Олимхўжаева. Умумий кимёдан амалий машғулотлар. «Ибн Сино», Т., 1993, 263 бет.
5. Хамраев А.Д, ва бошқалар .Умумий химиядан лаборатория машғулотлари учун методик қўлланмалар. ТошДавМИ босмох. Т., 1988, 106 бет.
8. Н.Л.Глинка. Умумий кимё. «Кимё нашриёти», 1978, 718 бет.
9. Н.С.Ахметов. Общая и неорганическая химия. «Высшая школа» нашриёти, М., 1998.

Қўшимча:

1. В.Н.Алексеев. Ярим микрометод билан қилинадиган химиявий сифат анализи курси. «Ўқитувчи» нашриёти, Т., 1976, 624 бет.
2. М.Миркомилова. Аналитик кимё. «Ўзбекистон», Т., 1996, 335 бет.
3. Р.Чанг. Физическая химия с приложениями к биологическим системам. «Мир», М., 1980, 662 бет.

МАЪРУЗА № 8

МАВЗУ: СИРТ ХОДИСАЛАРИ. СИРТ ХОДИСАЛАРИНИНГ ФИЗИКА-КИМЁСИ. АДСОРБЦИЯ

1. МАВЗУНИНГ МАҚСАДИ:

Сирт ходисалари сирт юзасида кечиб, маълум қонун-қонуниятларга бўйсинади. Бу қонуниятларни ўрганишда сирт энергиясини ўзгариши,

адсорбция ходисасини ўтказиш шароитлари, адсорбция миқдорини аниқлаш ўрганилади. Барча биологик жараёнлар тўқималар юзасида, мембрана чегарасида юз беради. Модда алмашинувининг барча кимёвий реакциялари адсорбция ходисасидан бошланади. Чунки биринчи навбатда бошланғич моддалар ферментлар юзасида танлаб адсорбцияланади, кейингина кимёвий реакция юз беради. Овқат ҳазм бўлиши, нафас олиш, доривор моддаларнинг сингиши – барчаси адсорбцияга мисол бўла олади. Бу ходисалар барчаси адсорбциянинг умумий қоидаларига бўй синади, шунинг учун бу қонун-қоидаларни ўрганиш шу маърузанинг мақсади ҳисобланади.

2. КЎРИЛАДИГАН МАСАЛАЛАР:

- Сирт ходисалари. Асосий тушунчалари ва уларнинг қонуниятлари
- Адсорбция юз бериши мумкин бўлган сатҳ юзалари
- Сирт ходисаларининг келиб чиқиши
- Сирт ходисаларини тиббий-биологик ва одам организмидаги аҳамияти
- Адсорбция, десорбция, хемосорбция жараёнлари
- Сирт таранглик ва сирт таранглик коэффицентини адсорбцияга таъсири
- Сирт ходисаларига асосланган Гиббс, Фрейндлих, Лэнгмюр тенгламалари. Траубе-Дюкло қоидаси.
- Танлаб адсорциялаш ва хроматография

3. МАЪРУЗАНИНГ МАЗМУНИ:

Модданинг дисперс ҳолатини ва дисперс системалардаги сирт ходисаларини ўрганувчи кимёнинг бўлими коллоид кимё дейилади.

Дисперс системанинг ўзига хосликларидан бири унинг гетерогенлиги бўлиб у фазалар ўртасида чегара борлигини кўрсатади. Дисперс системанинг хусусиятларидан бири бу заррачаларнинг ўлчами ва унга тескари катталиқ – дисперсликдир. Заррачалар қанча майда бўлса дисперслик шунча каттадир. Заррачалар ўлчамини ёки дисперсликни баҳолаш учун солиштирма сирт қиймати ишлатилади. У модданинг массасига ёки ҳажмига нисбаттан топилади.

S

S

$$S_0 = \text{-----} \text{ см}^2 / \text{г}; \quad S_0 = \text{-----} \text{ см}^2 / \text{мл}$$

Бу ерда S_0 солиштирма сирт V хажм, S – сирт юзаси, m –масса.

Демак дисперсланган модданинг масса бирлиги ёки хажм бирлигига тўғри келадиган сирт юзасининг катталиги солиштирма сирт дейилади.

Солиштирма сирт катта бўлганидан кейин албатта бундай сиртда сирт ходисалари юз беради.

Сирт ходисалари – бу фазалар чегарасида содир бўладиган ва фазалар ўзаро таъсири туфайли юзага келадиган ходисалардир.

Сирт ходисалари тиббиёт ва биологияда катта ахамиятга эга, чунки биологик жараёнлар ҳам фазалар чегарасида боради. Бунга мисол: хужайралар ва хужайра ядролари, протоплазмалар ва қолаверса организм билан мухит орасидаги сирт чегараси ва уларда борадиган ходисалар; ёғлар харакати ва хазм қилиш жараёнларининг хол кислоталари ёрдамида бориши, ферментларнинг фаолияти, оксиллар биосинтези ва бошқалар.

Солиштирма сирт катта бўлса, молекулалар (ёки атомлар)нинг кўп қисми фазалар чегарасида йиғилади. Бу молекулалар потенциал энергияга эга ва дисперслик қанча катта бўлса, солиштирма сирт шунча катта бўлиб, сирт энергияси ҳам шунчалик катта бўлади. Сирт юзасининг бирлигига сирт энергиясининг нисбати **сирт таранглик** дейилади ва доимий **T** ва **P** да сирт энергияси **G** бўлади тенг:

$$G = \delta \cdot S$$

G – сирт энергияси (ёки Гиббс энергияси молекулалар потенциал энергиясининг йиғиндиси), Дж

δ – сирт таранглик коэффициенти, Дж/см²

S – сирт юзаси, см²


хар қандай суюқлик сирт тарангликга эга сирт таранглик кучининг келиб чиқишига сабаб шуки, суюқликнинг сирт каватидаги молекулалар билан

унинг ички қаватидаги молекулалар орасида тортишиш кучи бўлади. Унинг сирт қавати ички қаватларига нисбиттан ортиқча энергияга эга. Система эса шу энергияни камайтиришга интилади ва шу билан бирга система ўз сиртини ҳам камайтиришга интилади. Бу ҳолат дисперс фаза заррачаларини бирлашишга (агрегатлашишга) мажбур қилади. Шундай қилиб сирт юзаси камаяди, сирт таранглик эса ортади.

Дисперс фаза қаттиқ ёки суюқ ҳам бўлиши мумкин. Агар суюқлик бўлса унинг томчилари шар шаклини эгаллашга интилади. Кўп ҳолларда қаттиқ ёки суюқ модда юзаси ўз ўзидан камая олмайди. Масалан: қаттиқ ва ғовак-ғовак модда юзаси катта бўлишига қарамай қисқара олмайди ёки бирон идишда сақланган суюқлик юзаси ҳам қисқара олмайди. Бу ҳолда сирт энергиясининг камайиши сирт юзасида газ ёки эриган модданинг концентрациясининг ошиши ва сирт тарангликнинг қиймати камайиши ҳисобига боради.

Термодинамикадан маълумки, ортиқча эркин энергиялик системаларда шу энергия қийматини камайтирувчи жараёнлар ўз-ўзидан борадиган жараёнларга киради. Икки фаза оралиғи чегарасида ўз-ўзидан борадиган жараёнлардан бири адсорбциядир.

Икки фазани бир-биридан ажратиб турувчи сатх юзасида модда концентрациясининг ўзгариш жараёни **адсорбция** дейилади. Ўз сатҳида бошқа бир модданинг молекула ёки ионларини ютувчи модда адсорбент, деб ютилувчи модда эса **адсорбтив** деб аталади. Баъзан сатх юзасида бошланган ютилиш ютувчи модданинг ички қаватларига тарқалади. Бундай жараён **абсорбция** дейилади (масалан, аммиакни сув билан абсорбцияланиши). Баъзан адсорбция жараёнлари адсорбент ва адсорбтив ўртасида ўзаро кимёвий боғ ҳосил бўлиши билан боради. Адсорбцияни бу тури **хемосорбция** деб аталади. Бунга карбонат ангидридни кальций оксидига адсорбцияланиши мисол бўлади:



Адсорбцияга тескари бўлган жараён десорбция дейилади.

Адсорбция ютувчи ва ютилувчи моддаларнинг табиатига, ҳароратгага, газнинг босимига (ёки эритманинг концентрациясига) шунингдек, адсорбентнинг солиштирма сиртига боғлиқдир. Адсорбция ҳодисаси ҳам,

худди суюқликнинг буғланиши модданинг сувда эриши каби қайтар жараёндир. Бу ерда бир-бирига қарама-қарши икки жараён болади: бир модданинг ютилиши бўлса, иккинчиси ютилган модданинг адсорбент сиртидан чиқиб кетиши (яъни десорбция)дир.

Ҳар қандай қайтар жараёнда бўлгани каби, бу ерда ҳам ютилиш жараёни аввал тез боради, сўнгра ютилиш ва ажралиб чиқиш жараёнларининг тезликлари тенглашиб, система адсорбцион мувозанат ҳолатига келади. Адсорбция газ – эритма, суюқлик – эритма, газ – қаттиқ модда, эритма - қаттиқ модда чегарасида боради.

Қаттиқ жисм сиртида борадиган адсорбция.

Қаттиқ жисм ҳам, худди суюқлик каби, сирт энергиясига ва сирт таранглигига эга бўлади. Лекин ҳозирга қадар, қаттиқ жисмнинг сирт таранглиги аниқ ўлчаш усули маълум эмас. Қаттиқ жисм сиртида газнинг адсорбцияланиши миқдорий жиҳатдан баҳолаш учун, ё газ босимининг камайиши ёки адсорбент оғирлигининг ортиши ўлчанади, чунки адсорбция вақтида адсорбентнинг оғирлиги ортади.

Адсорбентнинг см² сиртига ютилган модданинг моль ҳисобидаги миқдори солиштирма адсорбция дейилади. Солиштирма адсорбцияни топиш учун, адсорбцион мувозанат вақтида ютилган модда миқдорини (моль ҳисобида) адсорбент сиртига бўлиш керак:

X

$$\Gamma = \frac{X}{S} \text{ моль/см}^2 ;$$

Γ – солиштирма адсорбция;

X – ютилган модда миқдори (моль);

S – адсорбент сирти (см²).

Лекин ғовак - ғовак тузилган қаттиқ адсорбентларнинг (кўмир, силикагель ва бошқалар) сиртини ўлчаш жуда қийин бўлгани учун, амалда солиштирма

адсорбцияни топишда, ютилган модда миқдори адсорбент оғирлигига бўлинади:

X

$$\Gamma = \frac{X}{m} \text{ моль/г}$$

X – ютилган модда оғирлиги (моль):

m – адсорбентнинг грамм ҳисобида олинган оғирлиги.

Ҳар қандай адсорбент маълум (ўзига хос) миқдордан ортиқ моддани юта олмайди. Модданинг 1 см^2 юзага ютилиши мумкин X бўлган энг кўп миқдори максимал солиштирма адсорбция дейилиб, Γ билан белгиланади. Кутбли адсорбентлар кутбли моддаларни ва ионларни яхши адсорбиялаши, кутбсиз адсорбентлар эса кутбсиз моддаларни адсорбиялаши аниқланган.

Фрейндлих тенгламаси

Ўзгармас ҳароратда, қаттиқ адсорбент сиртига ютилган газ ёки эриган модда миқдори билан адсорбент орасидаги боғланиш Фрейндлихнинг адсорбция изотермаси деб аталадиган қуйидаги эмпирик формула билан ифодаланади:

X

$$\Gamma = \frac{X}{m} = K \cdot C^{1/n}$$

X

$$\Gamma = \frac{X}{m} = K \cdot P^{1/n}$$

ёки логарифмланган шаклда:

X

$$\lg \frac{X}{m} = \lg K + \frac{1}{n} \lg C$$


X – ютилган модданинг грамм ҳисобидаги миқдори;

m адсорбентнинг гр ҳисобидаги олинган оғирлиги;

C – эритманинг адсорбцион мувозанат вақтидаги концентрацияси;

K ва n – тажрибадан топилган ўзгармас қийматлар;

Агар $C=1$ ва $m=1$ бўлса, $K=X$ бўлади, n -нинг қиймати 2 билан 10 орасида бўлади.



Фрейдлихнинг адсорбция

изотермаси

бунда абцисса ўқига эритманинг концентрацияси, ордината ўқига эса тажрибада топилган солиштирма адсорбция қўйилган.

Эритма концентрацияси паст бўлганда адсорбция кўп бўлиши графикдан кўриниб турибди; концентрациянинг ортиши билан адсорбция ҳам ортади, ниҳоят маълум бир концентрациядан кейин, гарчи концентрация ортиб борса ҳам, адсорбция ўзгармай қолади.

Фрейдлих теграмаси ўртача концентрация учунгина тўғри натижалар беради, лекин кичик ва катта концентрациялар, шунингдек, катта босим учун тўғри натижалар бермайди.

МОНОМОЛЕКУЛЯР АДСОРБЦИЯ ЛЕНГМЮР ФОРМУЛАСИ

Молекулаларнинг адсорбцияланиш тезлиги икки омилга боғлиқ.

1. Адсорбция адсорбентнинг бутун юзасида эмас, фақат адсорбция марказларида боради.
2. Ҳар бир адсорбцион марказ битта молекула адсорбтивни ушлаб тура олади, яъни адсорбтив юзада мономолекуляр қават ҳосил қилади.

Шу назария асосида чиқарилган Ленгмюр формуласи (каттик жисмга газ адсорбиланган тақдирда) қуйидагича ёзилади.

$$\Gamma = \Gamma_{\infty} \frac{bP}{1 + bP}$$

Γ – адсорбиланган газ миқдори

b – шу изотермага ҳос ўзгармас катталиклар

P – газ босими

Эритмаларда бўладиган адсорбция учун Ленгмюр формуласи қуйидагича ёзилади:

$$\Gamma = \Gamma_{\infty} \frac{bC}{1 + bC}$$


Γ – солиштирма адсорбция

Γ_{∞} – максимал солиштирма адсорбция

C – адсорбцион мувозанат вақтида эритманинг концентрацияси

K – константа

Ленгмюр тенгламасининг график кўринишда изоҳланиши қуйидагича кўрсатилади:



Адсорбция изотермаси

Графикнинг бошланғич қисмида, концентрация кичик қийматга эга бўлганда адсорбция концентрацияга тўғри пропорционал боғланган. Ўрта концентрацияларда адсорбция қийматининг ортиши концентрация ортишидан ортда қолади. Юқори концентрацияларда эса адсорбция концентрацияга боғлиқ бўлмай қолади.

Математик формулалар ёрдамида юқорида қайд этилган боғлиқликлар қуйидагича кўрсатилади:

Кичик концентрацияларда концентрация ошган сари адсорбция ҳам ортиб боради:

$$\Gamma = \Gamma_{\infty} \cdot bC$$

Юқори концентрацияларда адсорбция тўйиниш хусусиятига эга ва шунинг учун концентрацияга боғлиқ бўлмай қолади:

$$\Gamma = \Gamma_{\infty}$$

СУЮҚЛИК СИРТИДА БЎЛАДИГАН АДСОРБЦИЯ

Агар бир суюқликка бошқа бир модда қўшсак, суюқликнинг сирт таранглиги ўзгаради, чунки потенциал энергиянинг минимумга интилиш қонуига мувофиқ, суюқлик ўзининг сирт энергиясини камайтиришга интилади. Шу сабабли, суюқликнинг сирт таранглигини камайтирадиган моддалар суюқлик сиртига йиғила бошлайди. Натижада, суюқлик солинган модданинг сиртки қаватидаги концентрацияси унинг суюқлик ичидаги концентрациясидан фарк қилади. Бунинг натижасида, эритма ичидаги осмотик кучлар ҳам ўзгаради, чунки эритма сиртки қаватда ҳам, ички қаватларда ҳам ўз концентрациясини баравар сақлашга интилади.

Суюқлик сиртида бўладиган адсорбция иккига, яъни мусбат ва манфий адсорбцияларга бўлинади. Масалан, сувга органик кислота ёки спирт (ёхуд альдегид, кетон, мураккаб эфир, оксил ва х.к.) аралаштирилса, бу моддалар сувнинг сирт таранглигини анча камайтиради. Бу ҳодиса мусбат адсорбция дейилади.

Лекин шундай моддалар борки, улар сув сиртига тушиб қолса, сувнинг сирт таранглигини ошириб юборади. Булар каторига, ош тузи ва бошқа электролитлар киради. Бу ерда бўладиган ҳодиса манфий адсорбциядир.

Суюқликнинг сирт таранглигини камайтирувчи моддалар сирт фаол моддалар деб, суюқликнинг сирт таранглигини кўпайтирувчи моддалар эса сирт нофаол моддалар дейилади.

Турли моддаларни қон ва хужайра протоплазмасида мусбат ва манфий адсорбцияси тирик организмда борадиган модда алмашинувида жуда катта аҳамиятга эга. Биологик суюқликларнинг сирт таранглиги сувдан анча кичик бўлади. Шунинг учун гидрофоб моддалар, масалан ёғ кислоталар, стероидлар қон томирларининг деворлари, хужайра мембраналарининг юзаларида йиғилиб, кейингина мембрана орқали ўтади.

Мусбат адсорбцияланадиган моддалар сирт фаол дейилади, улар адсорбент суюқликни сирт фаоллигини камайтиради

Манфий адсорбент эса сирт нофаол моддалар дейилади.

Модданинг дифиллиги катта аҳамиятга эга. Ёам гидрофил, ҳам гидрофоб гуруҳ тутган моддалар дифил дейилади. Уларнинг сирт таранглиги эритувчиникидан кам бўлса, улар мусбат адсорбцияга олиб келади ва сирт - фаол моддалар дейилади. Гидрофоблик хусусиятини оширувчи УВ занжири қанчалик узун бўлса, сирт фаоллиги шунча катта бўлади.

Дюкло – Траубе қондаси: дифил органик моддалар занжирининг ҳар бир – CH_2 – гуруҳига узайиши уларни мусбат адсорбцияда иштирок этиши хусусиятини 3,2 баробарга оширади.

ГИББС ТЕНГЛАМАСИ

Сууюқлик сиртидаги адсорбция билан сууюқликнинг сирт таранглиги орасида миқдорий боғланиш борлигини Гиббс топди. Гиббс тенгламаси қуйидагича ёзилади:

$$\Gamma = - \frac{C}{RT} \cdot \frac{d\delta}{dC}$$

Γ – эриган модданинг сууюқликнинг сирт бирлигида йиғиладиган миқдори;

C – эритма концентрацияси;

R – газ константаси;

T – абсолют температура.

концентрация ўзгарганда сирт тарангликни ўзгаришини кўрсатувчи катталиқ

$d\delta$

----- сирт активлиги деб номланади.

dC

Ёғларни сув устида йиғилиши – мусбат адсорбция; тузларни сувда эриб кетиши, сахарозани сувда эриши – манфий адсорбциядир.

Эритма концентрацияси ортиши билан, сирт таранглиги камайса,

$d\delta$

----- < 0

dC

манфий бўлади, лекин адсорбция (Γ) бу ҳол учун мусбат қийматга эга бўлади, яъни модда сууюқлик сиртида адсорбиланади. Агар эритма концентрацияси ортиши билан сууюқликнинг сирт таранглиги кўпайса,

$d\delta$

----- > 0

dC

мусбат қийматга эга бўлади, бу ҳолда адсорбция (Γ) манфий қийматга эга бўлади, яъни адсорбция бўлмайди, бундай эритмада эриган модданинг концентрацияси сууюқликнинг қаватида унинг ички қаватларидагига қараганда кам бўлади. Дюкло-Траубе қоидаси кислоталар, альдегидлар, аминлар, мураккаб эфирлар ва бошқа органик моддалар учун ҳам тадбиқ қилиниши мумкин.

Агар бензой кислота эриган сувга бензол аралаштирсак бензой кислота молекулаларининг адсорбцион кавати ҳосил бўлади.

Бу қаватда бензой кислотанинг кутбли гурухи (COOH) сувга томон, кутбсиз радикали C_6H_5 – эса бензолга томон қараган бўлади. Натижада, икки суюқлик чегарасида бензой жавҳар молекулаларининг барқарор кавати ҳосил бўлади.

Адсорбиланган молекулалардан иборат қаватнинг ҳосил бўлиш қонидаси эмульсиялар олишда ва эмульсияларнинг барқарор бўлишида катта аҳамиятга эга.

Эмульсияларни барқарор қила оладиган сирт фаол моддалар эмульгаторлар деб аталади. Улар қаторига органик кислоталар, совун, аминлар ва бошқа бирикмалар киради.

ИОНЛАР АДСОРБЦИЯСИ

Эриган модда заррачаларининг суюқлик сиртида ва унинг ҳажмида баравар (бир текисда) тарқалмаслиги натижасида, суюқ фазада сирт чегара вужудга келади. Бу ходиса эриган модда суюқликда молекуларлар ҳолида бўлганда ҳам, ионлар ҳолида бўлганда ҳам рўй беради. Лекин эритманинг сирт қаватида ионларнинг концентрацияси эритма ҳажмидагига қараганда кам бўлади, яъни бу ерда манфий адсорбция вужудга келади. Ионларнинг эритма сифатида манфий адсорбиланиши улар гидратация энергиясининг катта эканлигидан келиб чиқади. Шунинг учун, эритманинг сирт қаватида турган ионларни сув молекулалари эритма ичига кучлироқ тортади. Катионлар анионларга қараганда кўпроқ гидратланганидан, эритманинг сирт қаватида анионлар концентрацияси катионлар концентрациясидан ортиқ бўлади.

А.Н.Фрумкин турли анионларнинг суюқлик сирт қаватида манфий заряд бериш хусусиятини текшириб, қуйидаги лиотроп қаторни тузишга муваффақ бўлди:



Бу қаторда анионлар суюқликнинг сирт қаватига манфий заряд бериш хусусиятининг пасайиши (гидратланиш хусусиятининг ортиши) тартибида қўйилган.

Адсорбция ва биологик жараёнлар. Ўсимликлар хаводаги карбонат ангидридни тановул қилишидан олдин, барглар газни ўз сатҳига адсорбциялаб оладилар. Хайвонлар ва инсоннинг нафас олиши хаводаги кислородни ютиш ва карбонат ангидрид билан сув буғини ажратиб чиқаришдан иборатдир. Бу жараён ўпка сатҳида кислородни адсорбциялаш ва карбонат ангидридини десорблаш йўли билан боради.

Адсорбцион терапияни ўтказишда бемор организмга захарли моддаларни ютуви адсорбент юборилади. Масалан, ошқозон-ичак йўлига тушиб қолган

захарли моддаларни боғлаш ва ичакларда йиғилиб қолган газларни адсорбциялаш учун карболен (активлаштирилган кўмир) ишлатилади.

Спирт, қанд, нефть маҳсулотларини, фармацевтика препаратларини. маргарин ишлаб чиқаришда, ёғ саноатида активлашган кўмир адсорбент сифатида ишлатилади.

Танлаб адсорбциялашга моддаларнинг бир биридан ажратишнинг физик-кимёвий усулларидан хроматография асосланган. Адсорбция қоидаларини билган холда биологик муҳим моддаларни хроматографик усул билан ўрганиш, шу жумладан оксилларни фракциялашни амалга ошириш мумкин.

4. НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Сирт энергияси ва сирт таранглик
2. Адсорбция, абсорбция, хемосорбция ходисалари
3. Адсорбцияланиш мувозанати нимадан иборат
4. Адсорбция жараёнига таъсир этувчи омиллар
5. Газ-суюқлик, суюқлик-суюқлик сиртидаги адсорбция.
6. Молекуляр ва ионли адсорбция деб нима айтилади.
7. Гиббс тенгламаси. Адсорбция изотермасини тушунтиринг
8. Танлаб адсорбциялаш бу нима?
9. Хроматография нимага асосланган?
10. Адсорбцион терапия нима?
11. Адсорбция ва биологик жараёнлар.

5. ТАВСИЯ ЭТИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. С.С.Қосимова, С.М.Машарипов, К.О.Нажимов. Умумий ва биоорганик кимёдан амалий машғулотлар. «Ибн Сино» нашриёти, Тошкент, 2001.
2. А.Б. Акбаров. Биоорганик ва биофизик кимё асослари. «Ибн Сино» нашриёти, Т., 1996, 400 бет.
3. Равич-Щербо М.И., Анненков Г.А. Физик ва коллоид кимё. «Медицина», Т., 1971, 330 бет.
4. Х.К. Хакимов, А.З.Татарская, Н.Т.Олимхўжаева. Умумий кимёдан амалий машғулотлар. «Ибн Сино», Т., 1993, 263 бет.
5. Хамраев А.Д, ва бошқалар .Умумий химиядан лаборатория машғулотлари учун методик қўлланмалар. ТошДавМИ босмох. Т., 1988, 106 бет.
10. Н.Л.Глинка. Умумий кимё. «Кимё нашриёти», 1978, 718 бет.
11. Н.С.Ахметов. Общая и неорганическая химия. «Высшая школа» нашриёти, М., 1998.

Қўшимча:

1. В.Н.Алексеев. Ярим микрометод билан қилинадиган химиявий сифат анализи курси. «Ўқитувчи» нашриёти, Т., 1976, 624 бет.
2. М.Миркомилова. Аналитик кимё. «Ўзбекистон», Т., 1996, 335 бет.
3. Р.Чанг. Физическая химия с приложениями к биологическим системам. «Мир», М., 1980, 662 бет.

МАЪРУЗА № 9

МАВЗУ: ДИСПЕРС СИСТЕМАЛАРНИНГ ФИЗИКАСИ ВА КИМЁСИ. КОЛЛОИД СИСТЕМАЛАРНИ ОЛИШ ВА УЛАРНИНГ ХОССАЛАРИ. КОЛЛОИД СИСТЕМАЛАРНИНГ БАРҚАРОРЛИГИ

1. МАВЗУНИНГ МАҚСАДИ:

Одам организмидаги кўпчилик биологик мухитлар коллоид система ҳолатида бўлади. Коллоид системаларга хос бўлган коогуланиш, коллоид химоя ва бошқалар организм мухитида ҳам кечади. Шу ходисаларнинг шароитларини ўрганиш учун коллоид системаларнинг умумий хоссалари ўрганилиши керак. Тиббиётда қўлланадиган физиотерапевтик даволаш усулларида - электрофорез ва электроосмослар коллоид системаларни баҳоловчи дзетта -потенциални ҳосил бўлиши билан боғлиқ. Бу катталиқни ўрганишда коллоид заррачаларни тузилиши ўрганилади. Шунинг учун ушбу маърузада коллоид системаларни таснифи, тузилиши, турланиши ва уларни коагулланиши, ҳамда коллоидларни химоялаш усуллари кўрилади.

2. КўРИЛАДИГАН МАСАЛАЛАР:

- дисперс системалар ва уларни таркибий қисмлари, дисперсланиш даражаси ҳақидаги маълумотлар
- дисперс системаларнинг таснифи
- коллоид эритмалар (золлар) ҳақидаги маълумотлар
- золларнинг олиш ва тозалаш усуллари
- коллоид эритмаларнинг молекуляр кинетик, оптик хоссалари
- коллоид эритмаларни чин эритмалардан ажратиб турувчи хоссалари
- коллоид заррачаларнинг тузилиши
- электрофорез, электроосмос ходисалари
- коллоид эритмаларнинг турғунлигини таъминловчи омиллар
- коагулланиш турлари
- коагулланиш бўсағаси, Шульце – Гарди қоидаси

- коллоид химоя
- коллоид сирт фаол моддалар

3. МАЪРУЗАНИНГ МАЗМУНИ :

Дисперс системалар ва уларнинг таснифи

Дисперс система деб майдаланган ҳолатда бир модданинг иккинчи модда ичида тенг тақсимланишига айтилади.

Дисперс системаларни физикавий ва кимёвий хоссаларини ўрганувчи фан **коллоид кимё** дейилади. Дисперс системаларда агрегат ҳолати ўзгармаган ва миқдоран кўп булган модда **дисперс муҳит** вазифасини бажаради. Агрегат ҳолати ўзгарган, миқдоран кам ва майда заррачалар шаклида тенг тарқалган моддалар эса **дисперс фаза** деб юритилади. **Дисперсланиш даражаси** дисперс фаза бўлган модда заррачалари ўлчамларини катталигини тескари қийматиға тенгдир.

Барча дисперс системалар дисперсланиш даражаси бўйича шартли равишда уч гуруҳга бўлинади.

1. Заррачалар катталиги 1 нм гачага ёки 10^{-9} м гача бўлса бундай дисперс системаларни **молекуляр-ион дисперс** системалар деб юритилади.
2. Заррачалар катталиги 1-100 нм гача ёки 10^{-9} - 10^{-7} м бўлса бундай дисперс системалар **коллоид дисперс** системалар деб аталади
3. Заррачалар катталиги 100 нм дан катта ёки 10^{-7} м дан катта бўлса бундай дисперс системалар **дағал дисперс** системалар деб аталади.

Дисперс фазанинг ва дисперс муҳитнинг агрегат ҳолати бўйича дисперс системаларни тўққиз гуруҳга бўлиш мумкин

Т/р	Дисперс фаза	Дисперс муҳит	Шартли белгиси	Системанинг номи
1	Газ	Газ	г/г	Мавжуд эмас
2	Суюқлик	Газ	с/г	Аэрозоль (Туман)
3	Қаттиқ жисм	Газ	қ/г	Аэрозоль (Тутун, чанг) Кўпик
4	Газ	Суюқлик	г/с	Эмульсиялар
5	Суюқлик	Суюқлик	с/с	Коллоид эритма,
6	Қаттиқ жисм	Суюқлик	қ/с	суспензия Қаттиқ кўпик,

7	Газ	Қаттиқ жисм	г/к	пемза, нон Қаттиқ эмульсия
8	Суюқлик	Қаттиқ жисм	с/к	Қаттиқ золлар,
9	Қаттиқ жисм	Қаттиқ жисм	к/к	котишмалар

Бу гуруҳлардан сакизтаси амалда бўлиши мумкин, чунки оддий шароитда газлар бир бирида аралашиб гомоген система ҳосил қилади. Шу билан бирга улар қолган системаларга хос бўлган тенг тақсимланишга итоат қилмайдилар, чунки уларда турунбул оқим мавжудлиги сабабли концентрация хар жойда хар-хилдир.

Молекуляр ион дисперс системалар қаторига электролитлар ва ноэлектролитларнинг чин эритмалари киради.

Альбумин, оксил, қон плазмаси, лимфа, орқа мия суюқлиги ва бошқаларнинг эритмалари коллоид-дисперс системаларга мисол бўлади.

Дағал дисперс системалар қаторига суспензиялар, эмульсиялар, аэрозоллар, кўпиклар мисол бўла олади.

Лиофил ва лиофоб золлар

Коллоид эритмалар яна золлар деб ҳам юритилади. Дисперс мухитни ташкил қилувчи эритувчи табиатига, яъни сув, спирт, бензол ёки эфир бўлишига қараб, коллоид эритмалар гидрозоллар, алкозоллар, бензоллар, этерозоллар каби бир қатор гуруҳларга бўлинади. Дисперс фаза ва дисперс мухит заррачаларнинг ўзаро таъсирланиш характерига қараб дисперс системалар лиофил (грекча *lio*-эритаман, *philia*-яхши кўраман демакдир) ва лиофоб (*phobia*-ёқтирмаслик демакдир) турларига бўлинади. Лиофил системада дисперс мухит сув бўлса, бундай системалар гидрофил дейилади. Масалан, совунлар, оксиллар, крахмал, агар-агар ва бошқаларнинг эритмалари леофилдир.

Лиофоб системаларда дисперс мухит ва дисперс фазаларнинг молекулари ўзаро таъсирланиши жуда кучсиз бўлади. Дисперс мухити сув бўлган лиофоб системалар гидрофоб деб аталади. Масалан, темир, олтин, маргимуш сульфиди, кумуш хлориди ва бошқаларнинг золлари гидрофоб золлардир.

Коллоид эритмалар дисперслик даражаси жиҳатидан дағал дисперс ва молекуляр- ион дисперс системаларнинг ўртасида бўлганлиги сабабли коллоид эритмаларни олиш учун икки қарама -қарши усулдан фойдаланиш мумкин:

1. Йирик заррачаларни майдалаб коллоид дисперс даражасига (дисперсилаш усули) келтириш

2. Ван-дер-Ваальс тортишиш кучлари таъсирида атом ва молекулаларни бирлаштириш (конденсатлаш)йўли билан заррачаларни коллоид системалар заррачалари ўлчамигача йириклаштириш усули билан

Коллоид эритмаларни дисперсион усул билан олиш учун қуйидаги йўллардан фойдаланилади:

- каттик моддани коллоид тегирмонда механик йўл билан майдалаш;
- ультра товуш ёрдамида моддани майдалаш (дисперслаш) йўли билан;
- янги тайёрланган чўкмаларни кимёвий реагентлар (пептизаторлар) таъсирида майдалаш (гельдан зольга ўтказиш) билан.

Коллоид эритмаларни олиш учун ишлатиладиган конденсацион усулларнинг кўпи хилма-хил кимёвий реакцияларга асосланган. Бу оксидланиш-қайтарилиш, алмашиниш, гидролиз ва бошқа реакциялардир. Коллоид эритмаларни конденсатлаш йўли билан олишнинг яна бир усули эритувчини алмаштириш усулидир. Бу усул эриган моддани эритувчини алмаштирганда эримайдиган юқорироқ дисперс фаза ҳолатига ўтиб ажралиб чиқишига асослангандир. Бу усул билан олтингурут, канифоль ва бошқа золларни олиш мумкин.

Хар иккала усулда ҳам барқарор золлар олиш учун оз миқдорда стабилизатор вазифасини бажарувчи, коллоид заррачаларни (мицеллани) йирик агрегатларга бирлашишига халақит берувчи моддаларни кўшиш зарур. Стабилизатор вазифасини одатда электролитлар бажаради.


Электрокинетик ҳодисалар

Золларни икки электроддан иборат электр майдонида кузатиш натижасида маълум бўлганки, коллоид заррачалар доимий тезлик билан электродларни бири томон йуналар экан. Ана шу дисперс фаза заррачаларининг электр майдонида таъсирида ўтиш ҳодисаси электрофорез деб номланади. Бу ҳодиса тиббиётда доривор моддаларни физик – терапевтик йўл билан организмга юбориш турларидан бири сифатида қўлланади. Агар дисперс фаза ҳаракатсиз бўлса электр майдонида дисперс мухит, яъни суюқ фаза ҳаракатланади ва бу ҳодиса электроосмос дейилади. Бу иккала ҳодиса биргаликда электрокинетик ҳодисалар туркумига киради.

Электрокинетик ҳодисалар дисперс фаза юзасида қўш электр қават ҳосил бўлиши билан тушунтирилади, яъни дисперс фаза ва дисперс мухит орасида потенциаллар айирмаси ҳосил бўлади. Электр майдонида диффузия қавати адсорбция қаватига нисбатан

силжийди. Ана шу текисликда ҳосил бўлган потенциал электрокинетик потенциал дейилади. Уни яна (дзетта) - потенциал дейишади ва қиймати қарши ионлар билан аниқланади.


Суюқ фазанинг қаттиқ фазага нисбатан силжиши қаттиқ модда юзасида эмас, балки адсорбцион қаватдан маълум масофадан кейин силжиш текислигида юз беради. Қаттиқ фазани суюқ фазага нисбатан силжиши электрофорез дейилади.



Суюқ фазани қаттиқ фазага нисбатан силжиши электроосмос дейилади.


Elektroosmos

Elektr maydonda suyuq dispersion muhit zarrachalarining harakatsiz dispers faza zarrachalariga nisbatan elektrodlardan biri tomon harakatlanishi elektroosmos deb nomlanadi.




Коллоид заррачаларни тузилиши

Коллоид заррачанинг тузилишини кумуш хлорид золи мисолида кўриб чиқамиз. У кумуш нитрат эритмаси билан натрий хлорид эритмаси таъсирлашганда, эритмалардан бири ортиқроқ миқдорда бўлган шароитда ҳосил бўлади




Агар натрий хлорид ортиқ бўлса, хлор ва Na ионларининг бир қисми эритмада ортиқча миқдорда бўлади. Панет-Фаянс коидасига биноан молекуларлар агрегати сиртида уни таркиби ва табиатига яқин ионлар адсорбцияланади. Масалан, эритмадаги ортиқча натрий ва хлор ионларидан n та хлор ионлари потенциал аниқловчи ион AgCl ни юзасига адсорбцияланади. Ядро атрофида адсорбцияланган потенциал аниқловчи хлор ионлари ўзларига қарама-қарши зарядланган (n-x) та натрий ионларини ўзига тортади. Потенциал аниқловчи ионлар қарама-қарши зарядланган натрий ионлари билан биргаликда адсорбцион қаватни ташкил этади. Қарама-қарши зарядли ионларнинг коллоид заррача агрегатига адсорбцияланмаган бир қисми диффузион қаватни ҳосил қилади. Уларнинг сони (x) билан белгиланади. Натрий хлорид ортиқча бўлганда ҳосил бўлган кумуш хлориднинг коллоид заррачаларини тузилишини қуйидагича кўрсатиш мумкин.

Kondensatsiya usuli bilan olingan kumush hlorid zolining tuzilishi:




